

З.Д. НИЁЗОВ Ш.Қ. БОБОЕВ

ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР

САМАРҚАНД – 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ**

**“БАНК ВА ЖАМГАРМА ИШЛАРИ”
КАФЕДРАСИ**

**З.Д.НИЁЗОВ
Ш.Қ.БОБОЕВ**

ПУЛ, КРЕДИТ ВА БАНКЛАР

САМАРҚАНД – 2011

**3.Ниёзов, Ш.Бобоев. “Пул, кредит ва банклар”
фанидан ўқув қўлланма. Самарқанд, Сам.ИСИ, 2011
йил. 323 бет**

“Пул, кредит ва банклар” фанидан тайёрланган ўқув қўлланма 4 бўлимдан иборат бўлиб, у лотин ва кирилл алифбосида тайёрланган. Бунда иқтисодий категория сифатида пул, кредит ва банкларнинг моҳияти, функциялари, вазифалари, бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг янги мазмуни, пул кредит, валюта муносабатларининг ва Республика банк тизимининг ўзига хос хусусиятлари ёзилган.

“Пул, кредит ва банклар” фани дастури асосида тайёрланган ўқув қўлланма жуда содда ва раво ёзилган. Унда пул, кредит, валюта муносабатлари, банклар ҳақида аниқ маълумотлар берилган, чизмалар ва жадваллар тарзида фикрлар ойдинлаштирилган, фанга таълуқли маълумотлардан мисоллар келтирилган.

Ўқув қўлланманинг ҳар бир бўлимида тегишли тест саволлари тузилган, мавзулар бўйича асосий тушунчалар берилган, мавзуни мустаҳкамлаш учун мустақил фикроашга доир саволлар таёрланган, фойдаланилган адабиётлар рўйхатлари киритилган, бу талабаларнинг мустақил тайёргарлик кўришлари, ўзлаштириш даражаларини аниқлашларига имконият беради.

Ўқув қўлланма Олий ва ўрта махсус таълим ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб иқтисодчилар,

банк, молия, солик, суғурта, ғазначилик, бухгалтерия ходимлари ҳамда, пул кредит тизими ва банклар фаолиятини ўрганишни мустақил хохловчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**Такризчилар: и.ф.н. Б.Насриев Самарқанд вилоят
ОАТБ “Агробанк” бошқаруви бошлиғи.
И.ф.н. Ж.Мухиддинов ТИФ МБ. Самарқанд вилоят
бошқармаси бўлим бошлиғи.**

**Ўқув қўлланма “Банк ва жамғарма ишлари”
кафедрасининг мажлисида муҳокама қилинган
(баённома № 1 3 сентябр 2011 йил) ва чоп этишга
тавсия қилинган.**

**Ўқув қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институтининг илмий-услубий Кенгашида муҳокама
қилинган (баённома № 2 - 24 сентябр 2011йил) ва чоп
этишга тавсия қилинган.**

К И Р И Ш

Мустақиллик арафасида банк тизими олдида бир қатор жиддий муаммолар турар эди. Хусусан, банк операцияларини амалга ошириш усун зарур технологиялар ва ҳаттоки оддий компьютер техникасига талабнинг юкорилиги, бозор тамоилларига асосланган банк тизими фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, нодовлат капитал ва ресурс базасининг заифлиги, айниқса янги тартибда самарали фаолият кўрсата олувчи юқори малакали банк соҳаси раҳбар ва мутахассисларнинг тақчиллиги каби ўткир масалалар мавжуд эдики, улар фақат давлатимиз раҳбарининг эътибори асосида мувофақиятли ҳал этилди

Ушбу ўқув қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ва Самарқанд банк коллежи ўқитувчилари томонидан тайёрланган бўлиб, олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари ва малакл ошириш курсларининг “Банк иши”, “Бухгалтерия ҳисоби”, “Биржа фаолияти”, “Молия”, “Иқтисодиёт” ва бошқа мутахассисликларга ўқитилаётган «Пул кредит ва банклар» фанини уз ичига олади.

Қўлланмада Президентимиз Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарининг асосий мазмунидан келиб чиқиб

Ўзбекистонда инқироз таъсири оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлувчи омиллар, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялаш ва янгилашни изчил давом эттириш борасида қўлга киритилаётган ютуқлар, уствор йўналишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари тўғрисида “Пул, кредит ва банклар” фанига дахилдор масалалар аторфлича ёритилган.

Қўлланманинг 1- қисмида пулнинг келиб чиқиши ва моҳияти, унинг бозор иқтисодиётидаги ўрни, пулнинг вазифалари, турлари ва уларнинг ривожланиши, пул айланиши ва унинг асосий шакллари, пул тизими, Ўзбекистон Республикасининг пул тизими ва унинг таркибий қисмлари, инфляциянинг моҳияти, келиб чиқиш сабаблари, турлари ва оқибатлари, унга қарши кураш усуллари ёритиб берилган.

Қўлланманинг 2-қисмида кредитнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ва ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётидаги ўрни, кредитнинг вазифалари, кредитлаш тамоиллари. Кредит турлари ва шакиллари. Кредит хаф-хатари ва уни бошқариш, фоиз хаф-хатари. Ссуда фоизи ва унинг иқтисодий моҳияти. Кредит бериш тартиби, расмийлаштириш ва қайтариш босқичлари ёрибит берилган.

Қўлланманинг 3-қисмида халқаро иқтисодий алоқалар ва уларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётидаги ўрни, асосий шакиллари, халқаро валюта муносабатлари ва валюта операциялари шунингдек халқаро ҳисоб-китоблар ва халқаро кредит каби мавзулар ёритилган.

Қўлланманинг 4-қисмида банкларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва уларнинг асосий вазифалари, кредит, банк тизими ва банклар уюшмаси фаолияти, марказий банк ва тижорат банкларининг вазифалари, ҳамда операциялари, халқаро молия-кредит ташкилотлари фаолияти, банкларнинг кимматли коғозлар бозоридаги операциялари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

Унда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги воқелигига катта эътибор берилган, Марказий банк норматив мёрий хужжатлари ҳамда вақтли матбуот материалларидан кенг фойдаланилган.

Муаллифлар ўқув қўлланмани тайёрлашда институт ва коллеж талабаларининг ёшлари, қизиқишлари ва ўзлаштира олиш қобилиятларини эътиборга олишга ҳаракат қилганлар.

Ундан иқтисодиёт соҳаси билан энди танишаётган кишилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Қўлланма содда ва равон тилда, қисқа ва қизиқарли тарзда ёзилган.

Ушбу қўлланма муаллифларнинг мазкур соҳадаги илк уринишлари бўлиб, табиийки, айрим хатокамчиликлар ва нуқсонлардан ҳоли бўлмаслиги, шунингдек ундаги айрим фикрлар баҳс – мунозарага сабаб бўлиши мумкин.

Муаллифлар билдириладиган фикр-мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қиладилар ва ташаккур изҳор этадилар.

“Фақат миллий валюта кучли бўлган тақдирдагина иқтисодиёт мустахкам бўлади”

И.А. Каримов

ПУЛНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ

I- боб

Асосий тушунчалар

Бевосита айрибошлаш
Натурал хужалик юритиш
Товарнинг қиймати
Махсус товар
Умумий эквивалент
Бартер
Пул
Товар

1.1. Пулнинг келиб чиқиши ва моҳияти. Жамият тараққиётида товар ишлаб чиқариш ва пулнинг зарурати

Ҳозирда жамиятни пулсиз тассавур этиб бўлмайди. Пул илмий мулоқотларнинг предмети, оддий оиланинг орзуси, бизнесменнинг бош оғриқи, мафиянинг йўлчи юлдузи. Пул жамиятни камбағал ва бойларга ажратади, бахт ва кулфат олиб келади, амалга кўтаради ва

жаханнамга етаклайди. Бернард Шоу ўзининг вақтида “Камбағалликнинг асосий илдизи пулнинг камчилигига бориб тақалади” деб ўтган эди. Унда нима учун давлатда “ҳаддин кўп пул” булса барча иқтисодчилар ваҳимага ва одамлар норозичиликка тушадилар?

Пул ўзи нима? Унинг жамиятдаги ўрни қандай? Пул ёрдамида давлатнинг иқтисодий ривожланишига тасир кўрсатиш мумкинми? Шу ва шу каби саволлар илм дунёсида жуда қизғин музокараларга олиб келлади. Бундай саволларга жавоб бериш учун пулнинг келиб чиқиш тарихига бир назар солсак.

Сиз ҳаётни пулсиз тасаввур эта оласизми?

Бир кўз олдингизга келтириб кўрингчи! Сиз китоб сотиб олмоқчисиз, дўкондор эса сиздан пул ўрнига бир боғ ўтин сўрайди. Нон олиш учун буғдой, сут олиш учун хашак олиб бориш керак. Агар автобусга чиқсангиз йўл кира ўрнига ёқилғи, пояфзал дўконида эса тери талаб қилишса! Кулгилими? Тўғриси айтганда, ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз.

Инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бири бўлган пул қачон, қаерда ва қандай қилиб пайдо бўлган?

Пул жуда қадим замонларда пайдо бўлган ва унинг келиб чиқишига қуйидагилар сабаб бўлган:

1-сабаб. Қадимги қабилаларда вақти-вақти билан ўз эҳтиёжларидан ортиқча маҳсулотлар пайдо бўлган ва уларни бошқа маҳсулотларга алмаштириш имконияти туғилган. Масалан, дарё бўйида яшовчи кишиларнинг ови бароридан келиб, жуда кўп балиқ овланган. Улар ортиқча

балиқни қўшни жамоага дон, туз ёки бошқа маҳсулотларга алмаштирганлар.

Буюк ватандошимиз Абу Райхон Беруний узининг «Жавохирлар» китобида жавохирлар билан боғлиқ булган воқеаларни ҳам қелтириб ўтади. У натурал алмашув тўғрисида бундай бир воқеани хикоя қилади. Кунлардан бир кун нотаниш оролга келиб қолган саёх у ерлик одамнинг қулида узи учун керакли нарсани куриб, бир олтин динор беради. Махаллий одам динорни олиб айлантириб куради, сунгра хидлайди ва таъмини билмоқчи булади. Динорда хеч қандай фойдали белгиларни ва таъмини сезмайди, уни эгасига кайтариб беради: «Сен берган нарсанинг мен учун хеч қандай фойдаси йўқ экан» - дейди. Анна шу хикоя орқали Абу Райхон Беруний қадимий даврларда одамлар уз маҳсулотларини фақат узи учун зарур ва эҳтиежли булган буюмлар билан айрибошлаганини курсатади.(1)

Ёки бошқа бир мисол, ўрмонда яшовчи ва овчилик билан шуғулланувчи жамоа ўзидаги ортиқча ҳайвонларни ёки гўштини бошқа жамоаларга кийим-кечак ёки балиққа алмаштирганлар.

Дастлабки даврларда маҳсулотлар бир - бирига бевосита алмаштирилган ва тасодифий ҳолларда рўй берган. Шундай қилиб, кишиларнинг ўз эҳтиёжларидан ортиқча маҳсулотларни ўзаро айирбошлашлари пулнинг вужудга келишига дастлабки туртки, яъни сабаб бўлган.

2- сабаб. Аста - секинлик билан жамиятда кишиларнинг бир қисми чорвачилик, бошқалари эса дехқончилик, сўнгра ҳунармандчилик билан шуғуллана

бошлаганлар. Масалан, кулол ўз махсулотлари – коса, лаган, кўза, хум кабиларни бозорга олиб бориб, буғдойга амлаштиришган, кимга кандай идиш керак бўлса (косами, хумми) ўшани буғдойга тўлдириб тўкан, дон кулолниги, идиш эса дехқонниги бўлган. Ёки тарозини бир палласига гуруч иккинчи палласига эса буғдой солиб алмаштирган.(2) Улар энди фақат ўз эҳтиёжларини қондириш учунгина эмас, балки ўз махсулотларини айирбошлаш, яъни сотиш учун ҳам етиштира бошлаганлар. Бошқача қилиб айтганда, улар «**натурал хўжалик**» юритишдан товар ишлаб чиқаришга ўта бошлаганлар.

Инсон, ёлғизликда яшаса ва ишлаб юрса пулга эҳтиёж сезмайди. Кимсасиз оролда чўкаётган кемадан нарсаларини ва айниқса пулларни қутқариб қолган Робинзон Крузо кўпам шодланмаган эди. Ва ҳақиқатдан ҳам товар айрибошлашланмаса пулга эҳтиёж сезилмайди.

Доимий айрибошлаш учун уч хил шароит бўлиши шарт - меҳнат тақсимоти, хусусий мулк ва таққослама баҳо, имконият ва ўзаро ўлчов бирлиги.

Агар кишилар ўз эҳтиёжлари учун зарур бўлган барча махсулотларни ўзлари етиштирсалар, яъни ҳеч нарса сотиб олмасалар ва сотмасалар, бундай хўжалик юритиш **натурал хўжалик юритиш** дейилади. Ва ниҳоят, инсонлар ўзларининг меҳнат махсулларини товарни товарга ўзаро айрибошлайдилар яний **бартерни** содир этадилар.??? **“Пулнома”210 бет**

Бартер бу товарларни товарларга пул воситасисиз айрибошлашни амалга оширилишидир (Т-Т).

Бироқ ахолининг ўсиб бориши, иқтисосликнинг тобора чуқурлашиши бартер айрибошлаш маконининг кегайиши жуда кўп вақт ва меҳнат харажатини келтириб чиқаради. Бундай шароитда самарасиз бўлган бартер пулни пайдо қилади.

Сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот **товар** дейилади. Товар кишиларнинг у ёки бу эҳтиёжларини қондиради. Ҳар қандай товар меҳнат сарфи натижасида яратилади. Товарга сарфланган меҳнат **товарнинг қиймати** дейилади. Товарни яратишда қанчалик кўп меҳнат сарфланса, унинг қиймати шунча юқори ва аксинча, товарга қанчалик кам меҳнат сарфланса, унинг қиймати шунча паст бўлади. Шундай қилиб, пулнинг пайдо бўлишига асосий сабаб бўлиб, **товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш** ҳисобланади.


1.2. Пулнинг пайдо бўлиши ва унинг қиймат шакллари ривожланиши билан боғлиқлиги

Товарлар қиймати уларни ўзаро таққослаш, ўлчаш ва алмаштириш имкониятини беради.


Дастлаб, ҳар бир товар бошқа бир товарга бевосита алмаштирилган, масалан:

1 қоп дон	—————→	1 бош қўй
1 та омож	—————→	1 бош қорамол
1 та пўстин	—————→	1 та арава

Кейинроқ ўзаро келишилган ҳолда, бир товар бир неча товарларга алмаштириладиган бўлган, яъни:




Аста - секинлик билан товарлар орасидан барча товарларга айирбошлана оладиган ва ҳамма товарлар қийматини ўзида ифода эта оладиган махсус товар ажралиб чиққан. Бу товар ҳар бир мамлакат ёки ҳудудда истеъмол учун энг зарур товар бўлган ва барча маҳсулотлар учун **умумий эквивалентга** айланган, яъни:



Умумий эквивалент вазифасини турли мамлакатларда турли товарлар - қорамол, туз, дон, мўйна ва бошқалар бажарганлар. Товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш жараёнининг тобора ривожланиб бориши ҳудудлар ҳамда мамлакатлар ўртасида савдо-сотик ва товар айирбошлаш заруратини юзага келтирган.

Турли мамлакатларда турли товарлар умумий эквивалент ҳисобланганлиги эса бу жараёнга тўсқинлик қила бошлаган.

Натижада бутун товарлар дунёсидан шундай товар ажралиб чиққанки, у барча ҳудуд ва мамлакатларда умумий эквивалент сифатида қўлланила бошлаган. Бу вазифани қимматбаҳо металллар, аввал **мис** ва **кумуш**, кейинчалик эса **олтин** бажарадиган бўлган:



Охир –оқибатда оддий товар кўринишдаги умумий эквивалент ўрнига пул шаклидаги эквивалент майдонга келди. Бундай олтин (динор), кумуш (дрхам), мисс (фулус) оддий товар эмас, балки узига хос махсус товар булиб, унда айрибошлашнинг натура шакли билан эквивалент шакли бирлашиб кетган. (3)

Ана шундай қилиб, пул товар ишлаб чиқариш ва айрибошлашнинг узоқ вақт ривожланиши натижасида вужудга келган.

Пул ўзи нима? Унинг жамиятдаги роли нимада? Мамлакат иқтисодий ривожига пул ёрдамида таъсир ўтказиш мумкинми? Шу ва шунга ўхшаш саволлар билан дунё илми кучли тортишувларга сабаб бўлиб келмоқда.

Пул - бу шундай махсус товарки, у ҳамма бошқа товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради ва барча товарларни сотиб олиш воситаси бўлиб хизмат қилади. Пул ҳар қандай буюмга айланиш сеҳрига қодир.

Пул – бу куплаб бади асарларнинг, халк ижодиетининг мавзудир. Археология, этнография, тарих, фалсафа, социология, ҳуқуқшунослик ва иктисодит каби бир қатор фанлар пул билан шугулланади.

Асримиз бошларида ҳисоблаб куришса, пул ҳақида 6000 дан зиёд махсус илмий китоблар езилган экан. Шундан буен бу микдор неча-неча марта ошган.

Пул ҳақида ҳар хил фикр юритилади. Синфий жамият мутафакирлари пулни ёвуз нарса, халк бошига фалокат, одамлар орасига нифок солувчи кабохат деб билганлар.

«Олтин ва саховат, - деган эди грек файласуфи Платон, (эрамиздан олдинги 428-348 йилларда) - тарозунинг икки палласига ўхшайди, булардан бири кутарилмай туриб иккинчиси пастга тушмайди». Инсонда олтин канча купайса, саховат шунча камаяди.

Бирок, хатто синфларга бўлинган жамиятда ҳам пул факат ёвузлик келтирибгина қолмайди. у одамларга бебаҳо хизмат ҳам қилади.

Пулни истемолга киритилиши инсоният тараққиёти учун буғ машнасини, темир йўл ёки телефонни кашф этишдан кам ахамиятга эга эмас. Пул кўп меҳнат ва вақтни тежайди. Хеч қандай машина бунчалик куп ишни бажара олмайди ва инсон кучини бунчалик тежай олмайди.

Пул халклар ўртасида меҳнатни тақсимлашга имкон берди ҳамда иқтисодиёт ва турли мамлакатлар ўртасидаги алокани ривожлантирди.

Пул одамларни бир жойга михланиб қолишдан озод этди, ҳаёт учун керакли булган нарсаларни меҳнат қилса буладиган, айрибошлаш ва савдо қилиш мумкин булган ҳар қандай ердан топиш имконини берди.

“Пул ўзидан кетган жанобдир,
Бироқ қобил хизматкор жуда”

Б э к о в.

Кишилар ҳар доим пул топишга ҳаракат қиладилар, пул эса улар учун хизмат қилади.

1.3. Бозор иқтисодиёти шароитида пул-товар муносабатларининг ўрни ва ривожланиши

Айтишадику, бозорда гап эмас, пул керак деб...

Герод (эрамиздан III аср олдин)

Пул бозор иқтисодиётининг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, иқтисодиётнинг «қони» дир. Иқтисодиёт пул билан тирик. Пул бўлмаган жойда бозор иқтисоди бўлиши мумкин эмас. Бозор иқтисодиётида товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришдан тортиб, то истеъмолчига етказиб беришгача пул воситасида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш ресурслари, яъни хом-ашёлар, жихозлар ва машиналар ҳамда ишчи кучи бозорда пулга сотиб олинади. Ишлаб чиқариш натижасида яратилган товарлар яна пулга сотилади. Пул кўринишида олинган

даромад тақсимланади ва қайта тақсимланади. Масалан, нон ишлаб чиқарувчи корхона фаолиятини кўриб чиқамиз.

Pul	Resurslar	I.Ch.jarayoni	Tovar	Pul
Pul	Un Tuz o'tin tandir novvoy	xamir qorish, non yopish	non	Pul

Пул бозор иқтисодиётининг «тили» дир. Ҳар бир иқтисодий ахборот, товарлар ва хизматлар баҳоси, тўловлар, даромад-у харажатлар, молиявий талаблар ва мажбуриятлар, иқтисодий алоқалар фақат пулда ифодаланади.

Ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса, тадбиркорлар, алоҳида - алоҳида фуқаролар фаолияти натижаси ҳам пул билан ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида пул муомаласини ташкил этиш, пул айрибошлаш, уларни сақлаш, тақсимлаш, бўш пулни қарзга бериш, пул воситасида молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш каби иқтисодий муносабатлар янада кучайиб, мураккаблашиб боради.

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар

Пулнинг мохияти нимада?

Пулнинг келиб чиқиш сабаблари нимада?

Пулнинг зарурлигини асосланг?

Товар – нима?

Бир товарни бошка товарга бевосита алмаштириш деганда нимани тушуназис?

Бир товарни бир неча товарга алмаштириш деганда нимани тушуназис?

Барча товарлар учун умумий эквивалент товарлар деганда нимани тушуназис?

Умумий эквивалент сифатида металллар пулнинг вазифасини кандай бажарган?

Пул товар булиши мумкинми?

Пул – нима?

Бартер – нима?

Бозор иқтисодиёти шароитида пулнинг муҳимлиги нимада?

2. ПУЛНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Асосий тушунчалар

Қиймат ўлчови

Муомала воситаси

Тўлов воситаси

Жамғарма тўплаш

Жахон пули

Узоқ тарихий даврлардан бошлаб пул ўзининг бошланғич беш функциясининг хусусиятларини бажариб келган, қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси, жамғарма тўплаш ва жахон пули. Улар доимий ривожланишда бўлган. Уларнинг мохиятлари тарихий даврларда гоҳ кўтарилиб гоҳида тушиб турган (айрим ҳолларда то “0” даражагача).

Пулнинг бошланғич вазифаларидан (функцияларидан) энг асосийлари қиймат ўлчови ва муомала воситаси булган.

Ҳозирги иқтисодий адабиётларда пулнинг вазифалари тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Айрим иқтисодчи олимлар пулнинг 5 та вазифасини тан олсалар, айримлари 4 тасини, бошқалари эса фақат 3 тасини эътироф этадилар. Биз эса пулнинг барча вазифалари қиймат ўлчови, муомала воситаси, тўлов воситаси,

жамғарма тўплаш ва жаҳон пули тўғрисида тўхталиб ўтамиз.


2.1. Пул қиймат ўлчови.

Пулнинг қийматини билмоқчимисан? қарз бериб қур. Бенжамин Франклин ўғитлари (Абдулла Аъзам Америка миллатининг отаси. Тафаккур, 2000 й. 3-сон.)

Аввал таъкидлаганимиздек, ҳар қандай товар меҳнат натижасида яратилади. Товарга сарфланган меҳнат миқдори унинг қийматини белгилайди. Пул эса барча товарларнинг қийматини белгилаш ва уларнинг баҳосини аниқлашда **воситачи** бўлиб хизмат қилади.

Товар қийматининг пулда ифодаланиши **баҳо ёки нарх** дейилади. Ана шу сабабли турмушда у ёки бу товарнинг **қиймати** дейилмайди, балки **баҳоси ёки нархи** деб айтилади. Товар қиймати қанча юқори бўлса, унинг баҳоси шунча қиммат ва аксинча, қанча паст бўлса, баҳоси шунча арзон бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида товар баҳоси унинг қиймати асосида шаклланади, яъни товар баҳоси унинг қийматига тенг бўлиши керак. Аммо товар баҳосига унинг қийматидан ташқари жуда кўп омиллар, шу жумладан бозордаги талаб ва таклиф, рақобат, товарнинг фойдалилиги кабилар таъсир этади, яъни:




Бу омилларнинг бири товар баҳосини кўтарса, бошқаси пасайтиради. Масалан, қийматнинг пасайиши нархни арзонлаштиради, талабнинг ортиши эса уни қимматлаштиради. Фойдалиликнинг юқори бўлиши баланд нархни тақозо этса, рақобат кураши ҳамда таклифнинг кўпайиши уни пасайтиради.

2.2. Пул - муомала воситаси

Иқтисодиётда товарлар ҳаракати пул ҳаракатини келтириб чиқаради ва аксинча, пул ҳаракати товарлар ҳаракатини таъминлайди. Пул ёрдамида товарлар олди-сотди қилинади.

Пулнинг муомала воситаси эканлиги товарларни нақд пулга сотилиши жараёнида намоён бўлади. Бу вазифани банклар томонидан муомалага чиқариладиган банкнотлар ва тангалар бажаради. Бунда товар ҳаракати пул ҳаракатига мос келади, яъни бир вақтнинг ўзида пул тўланади ва товар сотиб олинади.




Масалан, талаба дўконга кириб пул тўлаб китоб ёки дафтар сотиб олди.

Пул муомала воситаси сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

- бу вазифани фақат нақд пуллар бажаради;
- товар ва пул ўзаро қарама-қарши йўналишда ҳаракат қилади;
- товар ва пул ҳаракати бир вақтда юзага келади;
- товар сотувчи ва сотиб олувчи ўртасидаги муносабат тугалланади, томонлар товарга ёки пулга эга бўладилар.

Пул иштирокисиз товарни товарга алмаштириш **бартер** дейилади. Бартер маълум келишилган нархларда амалга оширилади.



Бартер бозор иқтисодиётига тўғри келмайди, шу сабабли пул қадрсизланган, товар топиш мушкул бўлган шароитда амалга оширилади.

Тарихга назар: Мамлакатимиз тарихида пул муомаласи деярли тўхтаб қолган вақтлар ҳам бўлган. У пайтлар ҳарбий коммунизм даври, Совет мамлакатининг барпо этилишининг дастлабги йиллари, қишлоқ хўжалиги вайрон бўлган, заводлар ва фабрикалар тўхтаб қолган, аҳолига сотиш учун товарлар жуда кам ишлаб чиқилган. Бойлар ва олибсотарларда қоғоз пуллар жуда кўп тўпланиб қолган эди.

Ана шундай шароитда арзон баҳода товар чиқарилса, уларни дарҳол сотиб олишарди ва бундай товарлар озчиликнинг қўлига ўтиб қоларди. Нархни ошириб сотиш мумкин эмас – меҳнаткашлар сотиб ололмайдди, яна ўша пули кўплар сотиб олишади. Шу сабабли Совет ҳукумати 1920 йили меҳнаткашларга озик – овқат маҳсулотларини пулсиз беришга қарор қилди. Бундан ташқари, транспорт, почта-телеграф алоқаси, коммунал хизматдан бепул фойдаланиш ҳақида декрет чиққан эди.

Бозорда пул касодга учрай бошлади. Унинг кадри кетди ва аҳоли уни олмай қўйди, оддий айрибошлашни афзал кўрди. 1919 йилда 1 қадоқ совун - 2 қадоқ сўкка; 22 қадоқ керосинни -15 қадоқ нўхатга; 1 шинелни -10 қадоқ ёрмага; 3 қадоқ тузни - 30 қадоқ сулига; 1 жуфт этикни - 30 қадоқ қорабуғдой ёрмасига алмашишарди.

Кўп аср муқаддам бўлганидек, товар-пуллар пайдо бўлди. Улар ҳар хил эдилар. Кўпинча ун ва туз шу вазифаларни ўтар эди. 1 пуд жавдари унга:

30 қадоқ керосин;

10 қадоқ совун,

100 газ чит берарди.


Г.Елизаветин “Пулнома ” 209 бет. “ЁШ ГВАРДИЯ” нашриёти Тошкент -1979 й.

2.3. Пул- тўлов воситаси

Пулнинг тўлов воситаси эканлиги насияга сотилган товарлар ва кўрсатилган хизматларга уларнинг ҳақи тўланганда, кредит қарзга олинган маблағлар қайтарилганда намоён бўлади.


Товарлар ҳар доим ҳам нақд пулга сотилавермайди. Товар сотувчи товарни сотиш учун олиб чиққан вақтда, истеъмолчининг шу товарни сотиб олиш учун етарли миқдорда нақд пули бўлмаслиги мумкин. Натижада товарни насияга сотишга зарурат туғилади, яъни товарнинг пулини тўлаш муддати кечиктирилади. Истеъмолчи сотиб олган товари учун унинг пулини тўлов муддати келгандан кейингина тўлайди. Бу ҳолда товарлар ҳаракати билан пул ҳаракати бир вақтнинг ўзида содир бўлмайди. Товар ҳаракати содир бўлгандан сўнг маълум муддат ўтгач пул ҳаракати амалга ошади.

Масалан, 10 августда товарлар етказиб берилди, пули эса 20 августда тўланди.



Аксарият ҳолларда товар учун аввалдан аванс (бўнак) тўланади, сўнг товарлар етказиб берилди. маълум муддат ўтгач эса, охириги ҳисоб - китоблар амалга оширилади.

Масалан, 1 августда товарлар учун бўнак тўланди, 10 августда товарлар етказиб берилди, 20 августда эса охириги ҳисоб - китоблар қилинди.



Пулнинг тўлов воситаси эканлиги иқтисодиётда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни келтириб чиқаради. Пулнинг тўлов воситаси эканлиги қуйидаги ҳолларда кўринади:

- корхоналар ва ташкилотлар ўртасида етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланганда;
- давлат бюджетига солиқлар тўланганда;
- банклардан олинган қарзлар қайтарилганда, фоизлари тўланганда;
- иш ҳақи, нафақа, стипендия ва бошқалар тўланганда;
- бошқа ҳар хил қарзлар ва мажбуриятлар тўланганда.

Пул тўлов воситаси вазифасини бажарганда тўловлар нақд пул ёки нақд пулсиз амалга оширилиши мумкин.

2.4. Пул - жамғарма тўплаш воситаси

Кишиларнинг олган даромадлари қилган сарф-харажатларидан кўп бўлса, даромаднинг қолган қисмини жамғариб боришларига имконият туғилади. Улар ўз жамғармалари ҳисобидан турли моддий бойликлар (квартира, дала ҳовли, автомашина ёки уй жиҳозлари) сотиб олишлари, тўй-маърака қилишлари, саёҳатга боришлари, даволанишлари мумкин.

Агар товар ишлаб чиқарувчи товарни сотгандан сўнг, маълум муддат давомида бошқа товар сотиб олмаса, пул жамғармага айланади, яъни ҳаракатдан маълум муддатга четга чиқади ва бўш туриб қолади.


Пулнинг жамғарма ва бойлик тўплаш воситаси бўлишига асосий сабаб, унга ҳоҳлаган вақтда, жуда тез фурсатда ҳоҳлаган товарни сотиб олиш, уни ҳар қандай тўловни тўлашга ишлатиш мумкин. Пул бойлик жамғаришнинг энг қулай воситаси ҳисобланади, чунки у юқори **ликвидлик** даражасига эга.

Кишилар ўз бойликларини пулда эмас, балки бошқа шаклларда, масалан, олтин, қимматбаҳо металллар ва тошлар, санъат асарлари, ноёб буюмлар, уй-жой, ер, машина, асбоб-ускуна, давлат ёки корхоналарнинг қимматли қоғозлари ва бошқаларда мужассамлаштиришлари мумкин. Аммо уларни пулга айлантирмасдан туриб, бошқа мақсадларда сарфлаб бўлмайди.

Кимдир ўз пулини уйида, кимдир эса банкда сақлайди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”-ги Қонуни қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиш зарур. Яратилган кафолатлар аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада оширмоқда ва уларнинг банклардаги депозитлар хажмини юқори суръатларда ўсиши кузатилмоқда.

Хусусан, фақат аҳолининг омонатлари хажми 2000 йилда 18,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич

2005 йилга нисбаттан қариб 25 баробар ошиб, 449,5 млрд. сўмни, 2010 йилда эса мазкур кўрсаткич 2000 йилга нисбаттан 244 баробарга ошиб, 4 446,9 млрд. сўмни ташкил этгилгани юқорида қайд этилган фикирларни тасдиқлаб турибди.



Пул маблағларини банкларда **омонатлар** шаклида сақлашнинг қулайликлари қуйидагилардан иборат:

- ишончли ва беҳавотир сақланади;
- ишлаб чиқаришга сарфлаш ва иқтисодиётни ривожлантиришга имконият яратилади;
- фоиз кўринишида даромад келтиради, яъни ўз-ўзидан кўпайиб боради.

2.5. Пулнинг жаҳон пуллари вазифаси

Агар тарихга назар ташласак, мамлакатлар ўртасида савдо-сотик, халқаро иқтисодий алоқалар ва кредит муносабатлари аста-секин ривожланиб борган. Бу жараён барча мамлакатлар томонидан тан олинадиган ва қабул қилинадиган ягона жаҳон пулини келтириб чиқарган. Бу вазифани асрлар давомида **олтин** бажариб келган. Яъни мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар, товарлар ва хизматлар учун тўловлар бир мамлакатдан бошқа мамлакатга куйма шаклидаги соф олтин тўлаш воситасида амалга оширилган.

1867 йилдан бошлаб олтин давлатлар ўртасидаги ягона жаҳон пули сифатида расман қабул қилинган.

Олтин стандарти ўзининг уч ривожланиш босқичини бошидан кечирди (уч шакилда кўринди): олтин танга, олтин куйма, олтин девиз.

Биринчи бўлиб олтин танга стандартига Англия (1774 й.) ўтилган. кейнроқ :

1871 й. – Германия;

1872-1876 йй. – Скандинавия давлатлари;

1875 й. – Нидерландия;

1878 й. – Франция;

1879 й. – Австрия-Венгрия;

1897 й. – Япония ва Россия;

1900 й. – АҚШ.

Олтин танга стандарти даврида олтин тангалар пул бирлиги бўлиб ҳисобланган. Бундан ташқари, муомалада номиналига қараб олтинга алмаштириладиган қоғоз банкноталар, ҳамда майда чақалар бўлган.

Олтин танга стандарти то биринчи жаҳон уруши давригача фаолият юритган (1914-1918 йй.). Унинг ўрнига олтин куйма стандарти кириб келди унда олтин факат ҳисоблаш вазифасини ўтаб келди ва муомала вазифасини ўтамади. Олтин куйма шаклида Марказий банкда сақланиб келинган, муомалада эса курсга қараб алмаштириб бериладиган банкноталар ва тангалар ишлатилган.

Олтин куйма стандартига:

Филипинда 1903 й.;

Хинд Британиясида 1906 й.;

Австрияда 1922 й.;

Германияда 1924 й.;

Англияда 1925 йилда киритилган.

1929 йилдан бошлаб эса бу тизимга 84 мустакил давлатлардан 80 таси қўшилган.

Олтин куйма стандартининг устунликлари шундан иборат бўлганки, олтин тангалар зарб қилиниши иқтисод қилинади. Олтин тангаларнинг муомала жараёнидаги ишқаланишдан емирилмайди (мутахасисларнинг ҳисобларига кўра олтин танганинг муомала жараёнидаги йўқотилиши йилда 1 тонна олтинга тенг бўлган, яъни емирилган). Давлатларнинг олтин захиралари бир жойда марказлаштирилган, бу пул муомаласини мутадиллаштирган.

1922 йилдан эътиборан АҚШ доллари ва Англия фунт стерлинги олтиннинг ўринбосари сифатида эълон қилинди, ҳамда халқаро тўловларда қўлланила бошланди. 1944 йилдан кейин жаҳон пули вазифаси олтинда

қолдирилган ҳолда, халқаро тўловларда АҚШ долларидан кўпроқ фойдаланишга имконият яратилди.

1970 йилдан бошлаб халқаро тўловларда Халқаро Валюта Фонди томонидан киритилган махсус ҳисоб ва тўлов бирлиги **СДР «Махсус карз олиш ҳукуки» (СДР)** қўлланила бошланди.

1976 йилда Халқаро Валюта Фондига аъзо мамлакатлар олтиндан жаҳон пули сифатида фойдаланишни бекор қилдилар. Ҳозирда олтиндан халқаро заҳира сифатида фойдаланилмоқда.

1979 йилдан европанинг бир қатор мамлакатларида халқаро ҳисоб-китобларни олиб бориш учун халқаро ҳисоб бирлиги **ЭКЮ (ЕКУ)** қўлланила бошланди.

1999 йилдан эътиборан Европа иттифоқига кирувчи 12 мамлакатда, ягона пул бирлиги сифатида **ЕВРО (ЕВРО)** нақд пулсиз ҳисоб – китобларда, 2002 йил 1 январдан эса нақд пул сифатида ҳам қўлланила бошлади.

Халқаро тўловларда СДР ва ЕВРО билан бир қаторда иқтисодий қудратли ва ривожланган мамлакатларнинг миллий пул birlikларидан ҳам фойдаланилмоқда. Улар жумласига АҚШ доллари, Канада доллари, Англия фунт стерлинги, Япония иенаси Россия рубли ва бошқалар киради.

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар

Пулнинг функцияларини сананг

Пулнинг қиймат ўлчови вазифаси нимада?

Пулнинг муомала воситаси вазифаси нимада?

Пулнинг тўлов воситаси вазифаси нимада?

Пулнинг жамғарма тўплаш вазифаси нимада?

Жамғарма тўплаш вазифаларни нималарда амалга ошириш мумкин?

Пулнинг жахон пули вазифаси нимада?

Минтакавий пуллар деганда қайси пуб белгиларини биласиз?

СДР «Махсус карз олиш ҳукуки» (СДР) қачон ва қайси фонд томонидан қўлланила бошланди.

1979 йилдан европанинг бир қатор мамлакатларида халқаро ҳисоб-китобларни олиб бориш учун қандай халқаро ҳисоб бирлиги қўлланила бошланди.

Европа иттифоқига кирувчи қайси мамлакатларда, ягона пул бирлиги сифатида **ЕВРО** пул сифатида қўлланилади .

3. ПУЛ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Асосий тушунчалар

Натурал пуллар

Танга пуллар


Қоғоз пуллар

Кредит пуллар

Электрон пуллар

3.1. Буюм шаклидаги «натурал пуллар»

Кишилик жамияти ўз тараққиётининг дастлабки даврларидан бошлаб, токи ҳозирги кунгача маҳсулотлар айирбошлашда у ёки бу турдаги пуллардан фойдаланиб келган. Асрлар давомида пул турлари ривожланиб борган ва бугунги кўринишгача етиб келган. Пул турларини қуйидагича таснифлаш мумкин:



Дастлаб кишилар пул ўрнида турли буюм ва нарсалардан умумий эквивалент сифатида фойдаланишган. Бундай буюм ва нарсалар «**натурал пуллар**» деб юритилади. Масалан, қадимги Юнонистон ва Римда, шунингдек, араб ва ҳинд қабилаларида пул вазифасини ҳайвон бажарган. Тинч Океани ва Африка қитъаси халқларида қимматли чиғаноқлар, Марказий Африкада фил суяги, Қадимги Мисрда-буғдой, Хитойда-туз, Мўғилистонда-тошчой, Қадимги Шумер давлатида-асал, Қадимги шимол халқларида-мўйна ва мовутдан пул

сифатида фойдаланилган. Қадимги Спарта, Карфаген ва Скандинавия халқларида пул вазифасини ҳайвон териси ўтаган.

Шунингдек, пул ўрнида ичимликлар, қуллар, тақинчоқлар ва ипақдан, ҳатто темир омов ва михдан ҳам фойдаланишган. Каролина оролларида тегирмон тошидек тош пуллар ҳам бўлган.

Аста - секинлик билан муомалага натурал пул сифатида темир, мис, бронза, кумуш ва олтин каби металллар кириб келган. Бу металллардан аввалига уй-рўзғор буюмлари ва қуроллар - болта, пичоқ, жуволдуз, мих, камон ўқининг учи, найза, идишлар ясаганлар. Уларга ҳамма товарларни алмаштираверганлар. Аммо, бора-бора улардан баъзиларигина алоҳида товар яъни пул бўлиб қолган. Немисларда това, Шарқда пичоқ, Мексикада «Т» ҳарфи шаклидаги мис парчаси, Ҳинди-Хитойда йўғон мис чивиклар, Шимолий Америкада кўрғошин соққачалар, Африкада тақага ўхшаш темир парчаси, Комбоджада темир ромбчалар пул хизматини ўтаган.

3.2. Танга пуллар

Дунёда энг қадимий биринчи танга пуллар Юнонистон, Мидия (Кичик Осиё) ва Хитойда милоддан аввалги VIII-VII асрларда муомалага киритилган. Ўзбекистон қадимдан товвар-пул муносабатлари ривожланган давлатлардан бири бўлганлиги учун бу ҳудуда сиёсий, иқтисодий мустақиллик рамзи бўлган

танга пуллар бундан тахминан 2500 йиллар муқаддам зарб қилинган.

Танга пуллар эрамиздан аввалги VII асрдан то XIX аср ўрталаригача товар айирбошлашда муомалада бўлган. Тангалар олтин, кумуш ва мис каби металллардан турли шакллар ва вазнларда тайёрланган.

Ҳозирги ўзбек тилидаги “танга” сўзи қадимги турк тилидаги “тамға” сўзидан келиб чиққан бўлиб, қадимда ҳар бир ҳукумрон ҳокимлар турли металл, олтин, кумуш, мисларга ўз тамғасини босиб муомалага чиқарганлар ва бу пуллар “тамға” пул деб юритилган, кейинроқ бориб бу “танга” сўзига айланиб қолган. Рус тилидаги “Денги” сўзи ҳам “танга” сўзидан олинган.

Баъзи тадқиқотчилар рус тилидаги “копейка” (тийин) сўзи Марказий Осиёда ҳукумронлик қилган Чигатой хонларидан Кепакхон (1318-1326 й.) номи билан боғлиқ деб тушунча берадилар.

(Ирпон Тўхтиев) (13 б.)

Дастлаб тангалар учбурчак, тўртбурчак, ромб, халқа ва тухум (овал) шаклида ясалган. Тангаларни турли шаклларда яшаш узоқ вақт давом этган ва ниҳоят муомала учун энг қулай бўлган, яъни гардиш шаклида ясай бошлаганлар.

Танга лотинча **монета** бўлиб, унинг олд томони - **аверс**, орқаси-**Реверс** ва қирраси-**гурт** дейилади.



аверс



Реверс



гурт

Тарихий маълумотларга кўра биринчи тангалар бундан 26 аср аввал Лидия ва Хитойда, VII асрларда Марказий Осиё давлатларида, IX-X асрларда Киев Русида зарб қилина бошлаган.

Маълумки, ҳар бир ҳукмдор тахтга ўтиргач, ўз номидан танга зарб қилдирган. Танганинг олд томонида ҳукмдорнинг расми ёки номи, айрим ҳолларда шиори, орқа томонида эса танганинг қиймати тасвирланган. Масалан, Амир Темур томонидан зарб қилинган тангаларнинг олд томонида унинг уч ҳалқали белгисидан иборат тамғаси билан бирга «Аллоҳдан бошқа тангри йўқ», «Муҳаммад Аллоҳнинг Расули», тўрт ҳалифа: Абу Бакр, Умар, Усмон, Али номлари битилган. Тангаларнинг орқа томонига эса «Амир Темур Кўрогон» деган сўзлар, танга зарб этилган йил ва шаҳар номи битилган.

Тангалар асосан олтин ва кумушдан зарб қилинган бўлиб, қонунда белгиланган шакл ва вазнга эга бўлган. Тангалар муомалада узоқ вақт пул вазифасини бажарган.

Танга пулларнинг афзалликлари билан бирга бир қатор **камчиликлари** ҳам бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- тангалар узоқ вақт муомалада бўлиши, қўлдан - қўлга ўтиши натижасида емирилган ва вазни камая борган;
- айрим ҳукмдорлар тангалар вазнини сунъий равишда камайтира бошлаганлар ёки унинг таркибини бузиб, бошқа қотишмаларни ҳам қўшганлар;

- капиталистик саноатнинг ривожланиши билан товар ишлаб чиқариш шиддатли равишда кўпайиб борган. Аммо товар айирбошлаш учун етарли миқдорда тангалар зарб қилиш учун зарур бўлган нодир металларни қазиб олиш товар ишлаб чиқаришдан нисбатан орқада қолган.

Ана шу сабабларга кўра муомалага танга пуллар ўрнига қоғоз пуллар киритила бошлаган.

3.3. Қоғоз пуллар

Тарихий манбаларда қоғоз пуллар дастлаб Хитойда XII асрда чиқарилган деб кўрсатилади. Лекин, тарихий маълумотларга асосан Бухоро давлатида 700 – йилларда муомалага кумуш тангалар чиқарилгунга қадар, қоғоздан пул сифатида фойдаланилган экан.

Қоғоз пуллар Европа ва Америкада XVII-XVIII асрларда чиқарилган.

Қоғоз пуллар деб, ҳукумат томонидан бюджет тақчиллигини қоплаш учун чиқарилган, муайян курси белгилаб қўйилган пул белгиларига айтилади. Дастлаб қоғоз пуллар маълум миқдордаги олтинни ўзида ифодалаган, яъни **олтин билан таъминланган**. Аста – секинлик билан қоғоз пулларни олтин билан таъминлаш даражаси пасайиб борган ва ниҳоят бекор қилинган.

Қоғоз пуллар мамлакат Молия вазирлиги ёки Марказий банки томонидан чиқарилади. Улар ўз

табиатига кўра қадрсизланишга, яъни **инфлясияга** мойил бўлади.

Пул муомалага товар айланиши эҳтиёжига қараб чиқарилиши лозим. Амалда эса, қоғоз пуллар бундан ташқари бюджет тақчиллиги ва давлатнинг бошқа харажатларини қоплаш учун ҳам чиқарилади. Натижада, муомалада товарлар билан таъминланмаган пул пайдо бўлади. Бу ўз навбатида нарх-навонинг ўсиши, яъни пулнинг қадрсизланишига олиб келади.

Собиқ СССР даврида муомалага ҳукумат томонидан чиқарилган 1, 3, 5 рубллик **хазина билетлари** амалда бўлган.




Ҳозирги даврда хазина билетлари кўринишидаги қоғоз пуллар жаҳондаги 10 мамлакатда – АҚШ, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқаларда сақланиб қолган, холос.

Муомалага қоғоз пулларнинг чиқарилиши натижасида уларни **қалбакилаштиришдан химоялаш** муаммоси пайдо бўлади. Ҳозирги қоғоз пуллар турли даражада химояланган. Улар махсус олий нав қоғоздан қилинади, қоғоз орасига ёруққа тутилганда кўринадиган

белгилар ишланади. Қоғоз пул бетини қоплайдиган мураккаб суратлар, ёзувлар, майда тўр безаклар чизилади. Пул тайёрлашда махсус бўёқлардан ва кимёвий элементлардан фойдаланилади.

Масалан, Англияда пул тайёрлашда қоғозга юпқа, эгилювчан металл ип ёпиштириб, пресслаб юборилади, сув белгилари чизилади. Япония иеналарини тайёрлашда эса, нусха кўчириш аппаратларида чиқариб бўлмайдиган махсус бўёқлар ишлатилади. Канада пулларидаги бўёқлар турли томонлардан қаралганда, ўз рангларини ўзгартириб туради.

Куйида АҚШ долларини химояланиши чораларини кўриб чиқамиз:



3.4. Кредит пуллар

Ишлаб чиқариш ва товар айирбошлашнинг ривожланиши, металл пулларнинг етишмаслиги кредит муносабатларининг ривожланишига олиб келди. Товар ва тўлов айланиши эҳтиёжини қоплаш мақсадида муомалага олтин, кумуш тангалар билан бир қаторда кредит воситалари, -Чек, Вексел ва банкнотлар чиқарилган.

Кредит пуллар деб, кредит муносабатлари асосида юзага келувчи, тўлов воситасини бажарувчи қиймат белгиларига айтилади. Кредит пуллар қоғоз пуллардан фарқ қилиб, улар бир вақтнинг ўзида қийматни ифодалайди ва кредит ҳужжати бўлиб, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни акс эттиради.

Кредит пуллари қуйидагича ривожланиш йўлини босиб ўтган: Вексел, банкнот, Чек, Кредит карточкалари, электрон пуллар.

Вексел- немисча **Вечсел** сўзидан олинган бўлиб, дастлаб XII-XIII асрларда Италияда пайдо бўлган. **Вексел**-бу қарздорнинг кўрсатилган суммани, келишилган муддатда, белгиланган жойда тўлаши тўғрисидаги ёзма мажбуриятидир. Вексел, содда қилиб айтганда, қарздорлик тўғрисидаги тилхатдир.

Векселнинг қуйидаги турлари мавжуд: тижорат векселлари- оддий ва ўтказма Векселлар, молиявий вексел, хазина вексели, банк вексели, муддатли вексел ва бошқалар.

Банкнот – Кредит пулларининг етакчи турларидан бўлиб, Марказий банклар томонидан Векселларни ҳисобга олиш йўли билан чиқарилган. Банкнотлар дастлаб, XVII аср охирларида чиқарилган бўлиб, у пайтда банкнотни хоҳлаган вақтда банкга топшириб, ўрнига унда кўрсатилган суммага мувофиқ олтин ёки кумуш олиш мумкин бўлган. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида Германия, Россия ва АҚШ да банкнотларни олтин билан таъминланганлиги 30-50%ни ташкил этган. Бугунга келиб ҳеч қайси мамлакатда банкнотлар олтин ёки кумуш билан таъминланмаган.

Ҳозирда мамлакатларнинг Марказий эмиссия банклари қатъий белгиланган номиналга эга бўлган банкнотларни муомалага чиқармоқдалар. Бу банкнотлар мамлакатда миллий пул бирлиги бўлиб ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Марказий банки ҳам муомалага турли номиналга эга бўлган банкнотларни чиқарган, масалан:



Иқтисодий адабиётларда **Чеклар**–дастлаб 1683 йилда Англияда қўлланила бошлаган, деб ёзилган. Ҳолбуки, Овropa сиёсий иқтисодчиларидан 4 аср муқаддам савдо-сотик ишларининг давлат учун жуда ката даромад манбаи эканлигини яхши билган Амир Темур

давлат ичкарисида ва ташқарисидаги савдо ишига кенг йўл очиб берган ва савдогарларни молиявий қўллаб-қуватлаган. Самарқанд тўқимачилик ва бошқа ҳунармандчилик турлари ривожланган халқаро савдосотиқ маркази ҳисобланар эди. Клавихонинг ёзишига кўра, ҳатто Искандария бозорларида ҳам бу ердаги нарсаларни топиб бўлмасди. Дашти Қипчоқ ва мўғул юртларидан тери, Чиндан ипак, Хўтандан олмос, ёкут каби қимматли тошлар келтириларди.

“Ҳозирда ҳамманинг оғзида бўлган Чек тизими дастлаб ўша узоқ замонлардаёқ жорий қилинган эди. Чек (чак) тушунчаси аслида европаликларга биз орқали кириб борган бўлиб, савдогарлар йирик савдо тадбирларини амалга ошираётганларида ёнларида катта маблағни олиб юрмасдан, ҳар бир шаҳарда мавжуд ишончли саррофлар (пул майдалаб берувчилар, алмаштирувчи)ларга нақд пул топшириб, шу ҳақда ҳужжат, яъни чек олганлар. Мўлжалдаги шаҳарга бориб худди шундай саррофларга ёки йирик савдогарларга чекни кўрсатиб, ўз режаларини амалга оширганлар.Шуниси диққатни тортадики, Маҳмуд Қошғарий луғатида чек аслида ип-газлама турларидан биридир, деб ёзилган. Маҳмуд Қошғарий Келтирган Чек газлама тури билан савдо муомаласида ишлатилган чек ўртасида боғлиқликка шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Зеро, бундан минг йил бурун ёзув объекти ўрнида қоғоз билан бир қаторда газлама парчаларидан фойдаланилган” – деб ёзади Азамат Зиё ўзининг “Ўзбек давлатчилиқ тарихи” асарида

Демак, савдогар ва тадбиркорлар бир шаҳардан иккинчи шаҳарга оғирдан-оғир тилла, кумуш танга пулларни кўтариб юрмай ўзаро “Чек” билан ҳисоб-китоб қилишган бўлиб, бу ҳам уларнинг ишини енгиллатиш учун қилинган қулай чора-тадбирлардан бири эди. (И.Т.) (37-38 б.)

Чек мижознинг ўз банкига унда кўрсатилган маблағни нақд пулда берилиши ёки бошқа ҳисоб рақамига (счётига) ўтказилиши тўғрисидаги буйруғидир.

Чекнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- муайян бир шахс номига ёзилган Чек;
- ордерли чек;
- кўрсатувчига бериладиган Чек;
- ҳисоб-китоб чеки;
- аксептланган Чек ва бошқалар.



Кредит карточкаси – бу банк ёки махсус кредит (савдо) муассаси томонидан бир киши номига берилган пул ҳужжати бўлиб, унда пул эгаси ҳисобидаги сумма кўрсатилади. Бу кредит карточкаси ўз эгасига чакана

савдо тармоқларида нақд пулсиз товарлар ва хизматлар харид килиш ҳуқуқини беради. Кредит карточкасига биноан харидор ҳисобидаги пул суммаси унинг ихтиёридан олиниб, товар сотган корхона ҳисобига ўтказилади.

Дастлабки Кредит карточкалари XX аср бошларида АҚШ да қўлланила бошланган. Ҳозирда жаҳондаги аксарият мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам жорий этилмоқда.

Банклар фаолиятида электрон ҳисоблаш машиналарининг қўлланилиши электрон пуллардан фойланиш имкониятини берди.

Электрон пул - электрон карточка бўлиб, унинг хотирасига эгасининг ҳисобидаги пул суммаси ёзилган бўлади. Пул тўлаш учун электрон карточка ЭҲМ га киритилади, карточкадан автоматик равишда тўланиши зарур бўлган пул суммаси ўчирилади ва бу сумма пул олувчи электрон ҳисобига ёзиб қўйилади.

Ҳозир Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган катор тижорат банклари ўз амалиётларида электрон карточкалардан фойдаланишмоқда: Шунингдек, аҳолига тўловларни амалга оширишда қулайликлар яратиш ва пул муомаласи барқарорлигини янада мустахкамлаш мақсадида дебет пластик карточкалари муомаласи йўлга қўйилди. Ушбу жараён 2002 йил августидан бошланган эди.

Пластик карточкалардан фойдаланишни ривожлантириш орқали банк тизимида аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турларини

кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида, бугунги кунга келиб, 2011 йил 1 июль ҳолатига банклар томонидан 7,8 млн.дан зиёд пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида 89,9 мингта терминаллар ўрнатилди.



Ўз навбатида, пластик карточкалар ва терминаллар ёрдамида амалга оширилган ўтказмалар ҳажми йилдан – йилга юқори суръатларда ошиб бормоқда. Мисол учун, 2010 йилда пластик карточкалар орқали 5,7 трлн. сўмлик ўтказмалар амалга оширилиб, ушбу кўрсаткич аввалги йилга нисбатан 2,5 баробардан кўпроқни ташкил этади.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар

Пул турларини таснифланг

Қандай жисимлар ўз даврида пулнинг вазифаларини ўтаган?

Олтин тангаларнинг хақиқий пуллар деб аталишига сабаб нимада?

Олтин қандай шакилларда пулнинг вазифасини ўтаган?

Метал пуллар қандай кўринишларда пулнинг вазифасини бажармоқда?

Танга пуллар қандай камчиликлардан иборат?
Қоғоз пуллар қачон ва қаерда пайдо бўлган?
Қоғоз пулларнинг химоя белгилари қандай вазифани ўтайди?
Қоғоз пуллар нима учун табиатига кўра қадрсизланишга, яъни инфлясияга мойил бўлади?
Кредит пулларни санаб ўтинг?
Чекнинг қандай турлари мавжуд?
Электрон пуллар хақида тушунча беринг.
Пластик карточкалар ва терминаллар ёрдамида бажариладиган ўтказмалар қандай амалга оширилади?

4. ПУЛ АЙЛАНИШИ ВА УНИНГ ШАКИЛЛАРИ

Асосий тушунчалар

Пул айланиши

Нақд пуллар

Нақд пулсиз

Саррофлар

4.1. Пул айланиши тушунчаси, унинг асосий шакллари ва структураси


Аввал таъкидлаганимиздек, пул доим ҳаракатда бўлади ва товарлар ҳаракатини таъминлайди. Товарларни сотиш ва сотиб олиш, кўрсатилган хизматларга ҳақ

тўлаш, турли мажбуриятларни бажариш жараёнида вужудга келадиган нақд пул воситасидаги ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар йиғиндиси **пул айланишини** ташкил этади. Пул айланиши товар айланишига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у товарлар сотилиши ва сотиб олинисидан ташқари қуйидаги жараёнларни ҳам қамраб олади:

- меҳнатга ҳақ тўлаш;
- молиявий ресурслардан фойдаланиш;
- молиялаштириш, кредитлаш ва инвестициялаш жараёнлари;
- суғурталаш ва бошқалар.

Пул айланиши деганда пулнинг, ўз вазифаларини бажариш чоғидаги ҳаракатлари йиғиндиси тушунилади. Пул айланиши жараёнида жамиятнинг барча структуравий тузилмалари - давлат муассасалари, маҳаллий ҳокимиятлар, корхоналар, ташкилотлар, банклар, биржалар, фирмалар ва аҳолининг барча гуруҳлари иштирок этади.

Пул айланиши икки шаклда, яъни нақд пул иштирокида ва нақд пулсиз ҳисоб - китоблар шаклида амалга оширилади:




Пул айланиши умумий ҳажмидаги пул айланиш шаклларининг салмоғи **пул айланиш структураси** дейилади. Мамлакат иқтисодиёти ва банк тизими

тараққиётига қараб тўлов ва ҳисоб-китобларнинг ривожланиши натижасида нақд пул айланиши билан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ўртасидаги нисбат ўзгариб боради. Агар XIX-аср охирларигача нақд пул айланиши салмоғи кўпроқ бўлган бўлса, ҳозирги даврда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳиссаси кўпайиб бормоқда.

Ривожланган мамлакатларда умумий пул айланишининг 90% игача нақд пулсиз ҳисоб-китобларга, қолган 10% идан ортиғи эса нақд пул айланишига тўғри келади. Масалан, АҚШда нақд пул айланиши умумий пул айланиши ҳажмининг қарийиб 8% ини ташкил этади. Оддий америкаликларнинг ҳамёнида камдан-кам ҳолларда 10 доллардан ортиқ нақд пули бўлади. Улар нақд пулни энг майда харажатларга – гаражга машина қўйиш, газета ва журналлар сотиб олиш кабиларга сарфлайдилар, холос.

Россия Федерациясида нақд пул айланиши ҳиссасига умумий пул айланишининг 30% идан ортиғи, Ўзбекистонда эса 40% га яқини тўғри келади.




4.2. Нақд пул айланиши ва унинг фаолият этиш соҳалари

Нақд пул айланиши пулнинг муомала воситаси вазифасидан келиб чиқади.

Нақд пул айланиши деганда, маълум даврда нақд пуллар воситасида амалга оширилган барча тўловлар йиғиндиси тушунилади. Бу тўловлар банкнот ёки тангалар орқали амалга оширилади.


Нақд пуллар ҳаракати банкдан бошланади, улар банкдан чиқиб корхона ва ташкилотларнинг кассаларига келиб тушади. Корхона ва ташкилотлар эса бу пулларни иш хақи, стипендия, нафақа ва бошқа тўловлар сифатида кишиларга тўлайдилар. Кишилар ўз навбатида бу пулларга товарлар сотиб оладилар, ўзларига кўрсатилган

хизматлар ҳақини тўлайдилар. Бу пуллар яна савдо ва хизмат кўрсатувчи корхоналар кассаларига келиб тушади. Улар эса нақд пул тушумларини ўзларига хизмат кўрсатувчи банкка топширадилар. Нақд пуллар ҳаракати ана шу тарзда яқунланади ва янгидан бошланади. Бу ҳол тўхтовсиз такрорланаверади, яъни:




Нақд пул айланиши қуйидаги ҳолларда рўй беради:


- Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар билан аҳоли ўртасида иш ҳақи, мукофотлар ва бошқа тўловларни тўлаш, товарлар сотиб олиш, ҳамда кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш жараёнида:




- Давлат муассасалари билан аҳоли ўртасида пенсия, нафақа, стипендия, ютуқлар, солиқлар ва бошқаларни тўлаш жараёнида:



- Банк тизими билан аҳоли ўртасида қарз олиш ва уни қайтариш, қарз фоизини тўлаш, омонатлар қўйиш ва олиш жараёнида:



- Аҳолининг турли қатламлари ўртасида бозорда турли маҳсулотлар сотиб олиш, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш жараёнида:



Нақд пул айланиши пул айланиши иштирокчиларидан бири албатта, аҳоли вакили бўлишини тақозо этади.

Нақд пуллар чекланган миқдорда муомалага чиқарилади ва бунинг устидан банклар назорат олиб борадилар. Банка топширилган нақд пул осонликча пул топширувчининг ҳисоб–рақамидаги ёзувга айланади. Ҳисоб рақамидаги ёзувлар эса ўз навбатида нақд пулга айланиши мумкин. Мамлакат Марказий банки муомаладаги нақд пул массасини қўйидагича аниқлайди ва бошқариб боради:

$$\begin{matrix}
 \text{М} & \text{Л} & \text{Д} & \text{Г} & \text{И} & \text{Н} & \text{Қ} & \text{Д} \\
 \text{П} & \text{Л} & & & & & &
 \end{matrix}
 =
 \left\{
 \begin{array}{l}
 \text{Х} & \text{Л} & \text{Қў} & \text{Л} & \text{И} & \text{Д} & \text{Г} & \text{И} & \text{Н} & \text{Қ} & \text{Д} & \text{П} & \text{Л} & \text{Л} \\
 \text{К} & & \text{Н} & \text{Л} & \text{К} & & \text{Қ} & \text{Л} & \text{Д} & \text{И} & \text{П} & \text{Л} & \text{И} \\
 \text{Б} & \text{Н} & \text{К} & \text{Л} & & \text{Л} & \text{Д} & \text{Г} & \text{И} & \text{Н} & \text{Қ} & \text{Д} & \text{П} & \text{Л} & \text{Л}
 \end{array}
 \right.$$

Муомаладаги нақд пул массасининг асосий қисмини аҳоли қўлидаги пул ташкил этади. Уларни ҳисоблаш ва тартибга солиш ниҳоятда қийин жараёнدير. Ана шу сабабли аҳоли қўлида ҳаддан ташқари кўп

миқдорда нақд пул тўпланиб қолиши салбий оқибатларга олиб келади.

Аҳоли қўлидаги нақд пулларни қуйидагича тартибга солиш мумкин:

- аҳоли эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун сифатли товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш;
- товарлар ва хизматларга ҳақ тўлашда чеклар, кредит ва пластик карточкалар ҳамда бошқаларни жорий этиш;
- аҳоли маблағларини турли - туман омонатлар ва жамғармалар сифатида банкларга жалб қилиш;
- аҳолига қийматли қоғозларни сотиш, уларнинг маблағларини иқтисодиётни ривожлантиришга сарфлаш ва бошқалар.

Мустақиллик йилларида пул муомаласини тартибга солиш механизмлари такомиллаштирилди, савдо ва хизмат кўрсатиш фаолиятидан тушадиган нақд пул тушумини тўлиқ инкассация қилиш ҳамда корхоналар ва аҳолининг нақд пулга бўлган талабини уларнинг биринчи мурожатига кўра таъминлаш борасидаги қонунчилик талаблари кучайтирилди. Ушбу жараёнларни мониторинг қилиш агар муаммо юзага келганда уни тезкор ҳал қилишнинг самарали тизими шакиллантирилди.

Хусусан, пул муомаласини бошқаришнинг бозор иқтисодиётига хос бўлмаган усуллари ва механизмлари бекор қилинди.

Амалга оширилган тадбирлар натижасида инфляция даражасининг кескин пасайишига эришилди.

4.3. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тушунчаси, уларни жорий этиш зарурати ва афзалликлари


Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар пулнинг тўлов воситаси вазифасидан келиб чиқади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар жуда қадим замонларда келиб чиққан, аммо нақд пул муомаласидан сўнг. Ҳозирги банкирларнинг ўтмишдаги касбдошлари бўлмиш **саррофлар** пул алмаштириш ва пул сақлаш билан бир қаторда нақд пулсиз ҳисоб- китобларни ҳам амалга оширганлар.

Нақд пулсиз ҳисоб - китоблар деганда, пул маблағларининг банкдаги бир ҳисоб рақамидан бошқа ҳисоб рақамига нақд пул иштирокисиз, фақат ҳужжатлар асосида ўтказиш тушунилади. Одатда, нақд пулсиз ҳисоб - китобларни кўпчилик «пул кўчириш» ёки «пул ўтказиш» деб тушунади.


Бошқача қилиб айтганда, пул маблағлари маҳсулот сотиб олувчининг банкдаги ҳисоб рақамидан маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб рақамига ўтказилади. Яъни, биринчи ҳисоб рақамидаги маблағлар камайтиради, иккинчисидаги эса кўпайтиради.

Нақд пулсиз ҳисоб - китоблар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:


- корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар ўртасидаги етказиб берилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўланганда:




- корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар билан давлат муассасалари ўртасида солиқларни тўлашда, бюджетдан маблағларни олишда:



- корхона, ташкилотлар ва хўжаликлар билан банклар ўртасида кредитлар олиш ва қайтаришда, фоизларни тўлашда, депозитлар қўйиш ва олишда:



- корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар билан фуқаролар ўртасида товарлар сотиб олишда, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлашда:



Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар нақд пул муомаласига нисбатан қуйидаги **афзалликларга** эга:

- корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжи кескин қисқаради;
- нақд пулсиз ҳисоб-китоблардан фойдаланиш нақд пулдан фойдаланишга нисбатан арзонга тушади;
- пул маблағларининг ҳавфсизлиги таъминланади;

- пул ҳаракати тезлашади;
- ҳисоб-китоблар банклар орқали амалга оширилиши туфайли, уларнинг қонунийлигини назорат қилиш имконияти туғилади ва бошқалар.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қуйидаги **асосий тамойиллар** (принциплар) асосида ташкил этилади:

1. Барча корхона, ташкилот ва хўжаликлар банкларда ўз ҳисоб рақам(счёт) ларини очишлари ва маблағларини шу ҳисоб рақамларида сақлашлари шарт.

2. Барча ҳисоб-китоблар фақат банклар орқали амалга оширилади.

3. Товарлар ва хизматлар учун тўловлар пул эгасининг розилиги билан амалга оширилади.

4. Тўловлар пул тўловчининг ўз маблағлари ёки банкдан олган кредити ҳисобидан амалга оширилади ва бошқалар.

Мамлакатимизда 90-йиллардан бошлаб ҳукуратимиз томонидан Марказий банк олдиға тўлов тизимини халқаро андозалар асосида ташкил этиш, тўловларнинг амалга оширилишини кескин жадаллаштириш масаласи қўйилган эди. Мазкур ишнинг иқтисодиёт ривожида нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон республикаси Президенти томонидан ноанъанавий чоралар таклиф этилди.

Хусусан, банклар бир қатор солиқлардан озод қилинди ва уларнинг солиқдан озод қилинган маблағлари моддий-техника базасини ровожлантиришга

йўналтирилди. Дунё банк амалиётида камдан-кам учрайдиган бу тадбир мамлакатимиз рахбари томонидан банк тизимига билдирилган улкан ишонч бўлиб, у банк тизимининг моддий-техника базасини жаҳон андозалари даражасига етказиш ва республикамизда Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчи бўлиб, ягона электрон тўлов тизимини яратиш имконини берди.

Бунда, мижозлар тақдим этган тўлов ҳужжатларини бир банк муассасидан бошқасига почта орқали етказиш усулига асосланган эски тўлов тизими ўрнига ҳар томонлама қулай, тизимдаги трансакциялар сонидан қатъи назар, саноқли дақиқалар ичида мамлакатдаги исталган банкка тўловларни ўтказиб беришга қодир бўлган замонавий тўлов тизими ишга туширилди.

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар

Пул айланиши ҳақида тушунча беринг

Пул айланишининг асосий шакллари

Пул айланиш структурасини таҳлил қилиб боришдан мақсад нимада?

Нақд пуллар ҳаракати қаердан бошланади ва қандай ҳаракатланади?

Нақд пул айланишида пулнинг кайси вазифаси амалга оширилади?

Аҳоли кўлидаги нақд пулларни қандай йўллар билан тартибга солиш мумкин?

Нақд пулсиз пул айланишида пулнинг кайси вазифаси амалга оширилади?

Нақд пулсиз пуллар пулнинг кайси тулов воситалари орқали амалга оширилади?

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар нақд пул муомаласига нисбаттан қандай афзалликларга эга?

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар қандай асосий тамойиллар (принциплар) асосида ташкил этилади?

Банкирларнинг ўтмишдаги касбдошлари бўлмиш саррофлар қандай ишларни амалга оширганлар?


Ўзбекистонда жорий этилган тўлов тизимнинг афзалликлари нималардан иборат?

ВЕНА ДИОГРАМАСИ:

Пул айланишининг ўхшамаслик жихатлари:

Нақд пулсиз пул айланиши:

- тўлов воситаси,
- нақд пул қўлдан қўлга ўтмайди,
- чек, пластик, кредит карточкалар ва бошқа воситаларда амалга оширилади ,
- банкларда ҳисоб рақам очилади,
- маблағлар ҳаракатини назорат қилиш ва хаф..



Пул айланишининг ўхшаш жихатлари:

- пул муомаласи,
- товарлар ва хизматларнинг ҳаракати амалга
ошади,
- пуллар айланиб туради,
- барча иштирок этади
-

5. ПУЛ МУОМАЛАСИ ҚОНУНИ, ПУЛ МАССАСИ ВА УНИНГ АЙЛАНИШ ТЕЗЛИГИ

Асосий тушунчалар

Пул муомаласи

Пул эммисияси

Пул массаси

Пул агрегатлари

Квазим пуллар

Мажбурий резерв

Очиқ бозор

Кайта молиялаш

5.1. Пул муомаласи қонуни ва унинг моҳияти.

Пул муомаласи – бу пулларнинг мамлакатнинг ички иқтисодий айланиши, ташқий иқтисодий алоқалар тизимидаги, товарлар ва пулли хизматларнинг сотилишига, шунингдек, уй хўжалигидаги товарсиз тўловларга хизмат кўрсатадиган нақд пуллик ва нақд пулсиз шакиллардаги ҳаракатидир. Товар ишлаб чиқариш пул муомаласининг объектив негизи бўлиб, ундаги товар олами товарларнинг икки турига: товарларнинг ўзига ва товар-пулларга бўлинади. Нақд пуллик ва нақд пулсиз шакиллардаги пуллар ёрдамида товарлар, шунингдек, ссуда ва фиктив капиталларнинг муомаласи жараёни амалга оширилади.

Иқтисодиётнинг ҳолатига қараб ҳар бир мамлакатда турли миқдордаги пул айланиб туради. Аҳолиси кўп ва иқтисодиёти ривожланган АҚШ ва Япония билан,

иқтисодиёти заиф ва аҳолиси кам Мавритания ёки Фиджи учун бир хил миқдорда пул талаб қилинмайди.

Иқтисодиётнинг асл талаби шуки, ҳар қандай шароитда ҳам пул муомалага керагидан ортиқча чиқарилмаслиги лозим. Шу сабабли пул эмиссияси билан давлат шуғулланади.

Давлат томонидан муомалага пул чиқарилиши **пул эмиссияси** дейилади. Иқтисодиёт учун зарурий пул миқдори икки нарсага боғлиқ:

1. Сотиш учун бозорга чиқарилган товар ва хизматларнинг пулга чақилган миқдори. Бозорга қанча кўп ва қиммат маҳсулотлар чиқарилса, шунча кўп пул керак бўлади ва аксинча, қанча кам ва арзон маҳсулотлар чиқарилса, шунча кам пул керак бўлади.

2. Пул айланиш тезлиги. Бу пул бирлигининг йил давомида неча марта олди-сотдига хизмат қилгани, яъни «қўлдан-қўлга» ўтганини билдиради. Пул қанчалик тез айланса шунча кам, қанчалик секин айланса, шунча кўп керак бўлади.

Пул муомаласи қонунига кўра, муомала учун зарур бўлган пул миқдори сотиладиган товарлар ва хизматлар нархининг жами суммасига тўғри, пул айланиш тезлигига эса тескари мутаносибдир, яъни:

= _____

Пул айланишини тезлатиш пул операцияларини ўтказиш техникасига боғлиқ. Касса аппаратларининг бўлиши, пул санайдиган машиналарни ишлатиш, йиғилган пулни тезюрар воситалар билан етказиб бериш, пул операцияларини автоматик тарзда хужжатлаштириш кабилар пул ҳаракатини тезлаштиради.

Банк операцияларини автоматлаштириш бир ҳисоб рақамидан иккинчисига пул ўтказишни ғоят тезлаштиради. Пул тўлаш қанчалик тез бўлса, олди-сотди ҳам тез битади. Қонуният шундайки, иқтисодиёт ривож топган сари, кам миқдордаги пул билан кўп миқдордаги пул операцияларини ўтказиш мумкин бўлади.

5.2. Пул массаси ва унинг таркибий қисмлари

Жамиятда кредит пулларнинг ривожланиб кетиши, аста-секинлик билан нақд пулларнинг муомаладан сиқиб чиқарилиши, бу борада давлатларнинг ролини ошиб бориши пулнинг массасини тахлил қилиб борилишини талаб қилиб борди.

Агарда XIX асрнинг юзинчи йилларида пул массаси қонунларига пулнинг табиийлиги, турлари унинг вазибалари, баҳо масшабни, пул тизими ҳамда пулнинг сотиб олиш қобилиятларининг ўзгаришлари таъсир этган бўлса, XX-XXI асрларда бу муаммо кескин ўзгарди. Энди, пулнинг ишлаб чиқаришдаги роли, пул массасининг иқтисодий ўсишга таъсири, давлат сиёсатининг пул-кредит сиёсатига таъсири асосий масала бўлиб қолди.

Пул массаси жуда мураккаб, ўзгарувчан ва турли категорияли, ҳозирги банк-молия тизимининг махсули бўлиб ривожланиш босқичларига таъсир кўрсатади.

Пул массаси тижорат банклари тизимидаги пул базасининг ошиши натижасида вужудга келади ва муомаладаги нақд пуллардан ва мижозлар ҳисобварақларидаги пуллар қолдиқларидан иборат бўлади.

Пул массаси – бу, барча хужалик субъектлари, аҳолии, давлат ташкилотларидаги пул воситаларининг ялпи хажмини ўзида ифода этади.

Ҳозирги вақтда жами пул массасини шартли равишда пул агрегеталарига таксимлаш ва фойдаланиш қабул килинган.

Пул агрегатлари – бу, пул массасининг бир қисми ҳисобланиб, белгиланган муддат ва давр ичидаги пул активларининг жамланмасига айтилади.

Пул агрегатлари турли давлатларда турлича статистик ҳисоботларда олиб борилади ва умуман олганда улар қуйидагича ифодаланилади:

M_0 = муомаладаги нақд пуллар (банкноталар, танга пуллар) ва жорий банк счётларидаги маблағларни уз ичига олади.

$M_1 = M_0 +$ тижорат банклардаги муддатли жамғармалар ва ҳисоб рақалардаги қуйилмалардан таркиб топади.

$M_2 = M_1 +$ банклардаги муддатли ва муддатсиз жамғармалар.

$M3 = M2 +$ иқтисослашган кредит-банк муассалардаги жамғармалар.

$M4 = M3 +$ акциялар, облигациялар, депозит сертификатлар, жисмоний шахсларнинг банклардаги активлари.

$M5 = M4 +$ жисмоний ва юридик шахсларнинг хорижий валюталардаги жамғармалари.

Пул массаси ва пул агрегатлари турли мамлакатларда турлича аниқланилади, масалан: АҚШ да 4 та пул агрегатлари, Японияда ва Германияда 3 та ва Францияда 2 та пул агрегатларидан фойдаланилади.

Ўзбекистонда 4 та пул агрегатларидан фойдаланилади.

$M0$ – нақд пуллар;

$M1 = M0 +$ счётлардаги пул колдиги + маҳаллий бюджет маблағлари + бюджет, жамоа ва бошка ташкилот жамғармалари;

$M2 = M1 +$ Халк банкидаги муддатли жамғармалар;

$M3 = M2 +$ Сертификатлар, мақсадли заём облигациялари, давлат заём облигациялари, хазина мажбуриятлари.

Пул массаси ва таркибини ҳамда динамикасини таҳлил қилиш Марказий Банк томонидан пул кредит сиёсатини олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

3. Пул муомаласини тартибга солиш усуллари.

Турли давлатларда пул муомаласи маълум қоидалар асосида тартибга солиб турилади. Бозор иқтисодиёти

шароитида пул муомаласи маълум усуллар ёрдамида тартибга солиб борилади.

Бизба пул муомаласини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан кўйидаги усуллардан фойдаланилади:

1. Мажбурий резерв ставкаси нормасини белгилаш.
2. Тижорат банклари очик бозорда қатнашиши.
3. Марказлашган кредитлар учун қайта молиялаштириш ставкасини белгилаш.

Марказий эмиссия банки активларининг кўпайтирилиши айна бир вақтда унинг пасивларининг ҳам тегишлича ўсишини англатади, яъни пул базасининг ташкил этилишиго олиб келади.

Пул базаси муомаладаги нақд пуллардан, шунингдек, тижорат банкларнинг мамлакат Марказий банкидаги мажбурий ва мажбурий бўлмаган (ихтиёрий ва ортиқча) захиралардан иборат бўлади.

Умуман олганда, тижорат банкларининг захиралари деганда, банк омонатчилари тўсатдан катта миқдордаги тўлов талабларини кўйгани ҳолда, унинг тезкорлик билан муомалага киритадиган активлари тушунилади. Тижорат банкларининг Марказий банкдаги захиралари мажбурий ва мажбурий бўлмаган (ихтиёрий ва ортиқча) захиралардан таркиб топади.

Мажбурий захиралар деганда тижорат банкларининг Марказий банкдаги омонатлари (депозитлари)нинг қонуний тартибда белгилаб кўйиладиган энг кам нормаси тушунилади.

Мустақиллик йилларида макориктисодий барқарорлик ва ўсишни таъминлаш учун муомаладаги пул массасининг асоссиз юқори суръатларда ўсишининг олдини олиш мақсадида монетар сиёсатнинг билвосита инструментларини қўллаш усуллари такомиллаштирилди, улардан фойдаланиш қўламлари янада кенгайтирилди. Шунингдек, ушбу даврда очик бозордаги операцияларда қўлланиладиган қимматли қоғозлар турларини кенгайтириш мақсадида Марказий банкнинг юридик ва жисмоний шахслар учун облигациялар ва депозит сертификатлари муомалага чиқарилди.

Банкларнинг барқарорлигини янада мустахкамлаш ва уларнинг ликвидликни тартибга солиш мақсадида 2008 йилнинг 1 ноябридан бошлаб, тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралар фондига ўтказмалар бўйича меъёр миллий ва хорижий валютада жалб қилинган депозитлар учун бир хил, яъни 15 фоиз этиб белгиланди.

Шунингдек, 1991-2010 йиллар давомида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 300 фоиздан 12 фоизгача босқичма-босқич камайтирилди. 2011 йилнинг 1-январидан бошлаб, амалдаги қайта молиялаш ставкаси йиллик 12 фоиз этиб белгиланиши тижорат банкларининг депозитлар ва кредитлар бўйича фоиз ставкаларига таъсир кўрсатиши натижасида тижорат банкларида узоқ муддатли кредитлар олишга, шунингдек мос равишда иқтисодиётнинг реал тармоқларига ажратиладиган

кредитлар хажмининг сезиларли даражада ошишига замин яратилади.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар

Пул эмиссияси деб нимага айтилади ва у билан ким шугулланади?

Муомалага қанча пул талаб килинади?

Пул айланиш тезлиги деб нимага айтилади?

Пул муомаласи қонунига кура муомала учун зарур пулнинг тугри ва мутаносиблиги нимада?

Пул массаси деб нимага айтилади?

Пул агрегатлари деб нимага айтилади?

M_0 = агрегатида муомаладаги қайси пуллар ифодаланилади?

$M_1 = M_0 +$ агрегати қайси пуллардан таркиб топади?

$M_2 = M_1 +$ агрегати қандай жамғармалардан таркиб топган?

$M_3 = M_2 +$ агрегати қандай жамғармалардан таркиб топган?

$M_4 = M_3 +$ агрегати қандай активлардан таркиб топган?

$M_5 = M_4 +$ агрегати қандай жамғармалардан таркиб топган?

Ўзбекистонда қайси пул агрегатларидан фойдаланилади?

Пул массасининг назорати ким томонидан олиб борилади?

Пул муомаласини тартибга солишда қандай асосий механизмлардан фойдаланилади?

!Мажбурий резерв ставкаси нормасини белгилаш сиёсати
!Тижорат банкларнинг очик бозорда қатнашиш сиёсати
!Марказлашган кредит учун қайта молиялаштириш
ставкасини белгилаш сиёсати

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк томиндан пул муомаласини тартибга солишда қандай ижобий ўзгаришлар амалга оширилди ва уларнинг самараси нимада?

6. ПУЛ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ КИСИМЛАРИ

Асосий тушунчалар

Пул тизими

Монометаллизм

Биметаллизм

Пул бирлиги

Баҳолар масштаби

Пул белгилари

Эмиссия тизими

Эмитент банк

6.1. Пул тизими тушунчаси ва унинг турлари

Пул тизими мамлакатда тарихан таркиб топган ва миллий қонунчилик билан тасдиқланган пул муомаласини ташкил қилиш шаклидир.

Ҳозирги пул тизими XVI–XVII асрларда вужудга келган. Муомаладаги пул турларига қараб, вақт ўтиши билан пул муомаласининг 2 тизими ажралиб чиққан. Улар қуйидагилар:

1. Металл тангалар муомалада бўлган пул тизими. Бунда олтин ва кумуш тангалар муомалада бўлган, қоғоз пуллар эса биринчи талаб биланоқ металл пулларга алмаштирилиб берилган.

Металл тангалар бир ёки икки хил металлдан зарб қилинган. Агар тангалар фақат бир хил металлдан, яъни олтин ёки кумушдан зарб қилинса-**монометалл**, аксинча,

икки ва ундан ортиқ хил металлдан, яъни олтин, кумушдан ва мисдан зарб қилинса **биметалл** пул тизими дейилади. Булардан ташқари муомалада мис чақалар, кредит ва қоғоз пуллар ҳам мавжуд бўлган. Аммо уларнинг салмоғи жуда кам бўлган.

2. Кредит ва қоғоз пуллар муомалада бўлган пул тизими. Бу тизимда олтин ва кумуш муомаладан батамом чиқариб юборилган, қоғоз пуллар эса олтин ёки кумушга алмаштирилиб берилмаган.

Мамлакат Марказий банки томонидан муомалага чиқарилган банкнотлар миллий пул бирлигига айланган. Пул муомаласида нақд пулсиз ҳисоб - китоблар устун бўлган. Пул муомаласи давлат томонидан тартибга солиб турилган. Бу пул тизими 1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий танглиги натижасида вужудга келган ва ҳозирги даврда барча мамлакатларда амал қилмоқда.

6.2. Пул тизимининг таркибий қисмлари

Пул тизими қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

- а) пул бирлиги
- б) баҳолар масштаби
- в) тўлов кучига эга бўлган нақд пул белгилари
- г) пул эмиссияси тизими
- д) пул муомаласини тартибга солувчи давлат муассаси

Пул бирлиги – қонуний тарзда белгиланган тўлов воситаси бўлиб, барча товарлар ва хизматлар баҳосини

ифодалайди. Кўпинча пул бирлиги майда бўлинувчи қисмларга ажралади, масалан:

АҚШ да – доллар, 1 доллар = 100 Сент;

Буюк Британияда – фунт стерлинг, 1 фунт стерлинг = 100 пенс;

Ҳиндистонда – рупия, 1 рупия = 100 пайс;

Россияда – рубл, 1 рубл = 100 копеек.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳар бир мамлакат мустақил равишда ўзининг миллий пул бирлигига эга бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда баъзи мустақил давлатлар биргаликда бир хил пул бирликларидан фойдаланишлари ҳам мумкин. Масалан, ҳозирда Европа Иттифоқига кирувчи 17 та мамлакат биргаликда ЕВРО пул бирлигидан фойдаланишмоқда.


Баҳолар масштаби деганда, миллий пул бирлигининг қонунда белгиланган олтин мазмуни, яъни олтинга тенглаштирилиши тушунилади. Масалан, собиқ СССР да 1961 йилда муомалага киритилган 1 рубл 0,987412 грамм олтин асосига, 1976 йилга қадар 1 АҚШ доллари 0,767405 грамм олтин асосига эга, деб белгилаб қўйилган эди.

Бирок, 1976 йилдан бошлаб олтиннинг қатъий белгиланган баҳосининг бекор қилиниши сабабли, баҳолар масштаби тушунчаси ўз иқтисодий моҳиятини йўқотди.

Пул тизимининг яна бир муҳим таркибий қисми нақд пул сифатида қонуний **тўлов кучига эга бўлган пул белгилари** бўлиб, улар банкнотлар, қоғоз пуллар ва

тангалардир. Масалан, АКШда муомалада қуйидаги нақд пуллар мавжуд: 100, 50, 20, 10, 5 ва 1 долларлик банкнотлар, 50, 20, 10, 5 ва 1 сентлик тангалар. Буюк Британияда эса 50, 20, 10, 5 ва 1 фунт стерлинглик банкнотлар, 50, 10, 5, 2, 1 ва 1/2 пенслик тангалар. Шунингдек, 2 ва 1 шиллинглик эски тангалар ҳам юритилади.

1998 йил 1 январидан бошлаб Россияда муомалада 500, 100, 50, ва 10 рубллик банкнотлар 5, 2, 1 рубл ва 50, 10, 5, 1 копейкалик тангалар амал қилмоқда. Россия Марказий банкининг 1997 йил намунасидаги банкнотлари структураси қуйидагича:



Тўлов кучига эга бўлган пул белгилари намуналари мамлакат Марказий банки томонидан ишлаб чиқилади, танланади ва тасдиқланади. Янги намунадаги банкнот ва тангалар муомалага киритилиши олдидан оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади ва тасвирланади, фуқаролар эътиборига етказилади.

Эммисия тизими деганда, муомалага пул белгиларини чиқаришнинг қонунда белгиланган тартиби

тушунилади. Ривожланган мамлакатларда банк билетлари эмиссияси Марказий банклар томонидан, хазина билетлари ва тангалар эса қонунда белгиланган эмиссия ҳуқуқига асосан, хазина муассасалари томонидан чиқарилади. Муомалага пул белгиларини чиқарувчи банк **эмитент банк** дейилади.

Ҳар бир мамлакатда пул муомаласини тартибга солувчи **давлат муассаси** қонунда белгилаб қўйилади. Масалан;

АҚШ да 12 та йирик банкларни бирлаштирувчи Федерал Резерв тизими, Покистонда Давлат банки, Буюк Британияда Англия банки, Россияда Марказий банклар пул муомаласи бўйича мутлақ ҳуқуқга эгадирлар. Бу банклар пул муомаласини тартибга солишда қуйидагиларни амалга оширадilar:

- муомаладаги пул массаси структураси, яъни нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб- китоблар нисбатини белгилайди;
- пул муомаласини прогнозлаш-режалаштириш тартибини ўрнатади;
- пул- кредит сиёсатини бошқариш тартибини ишлаб чиқади;
- валюта курсини белгилаш тартибини аниқлайди;
- нақд пул муомаласи бўйича хўжаликларда касса интизоми тартибини жорий этади.

6.3. Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида танилиши унинг мустақил пул тизимига эга бўлишини тақозо этди. Мустақил пул тизими ташкил топишининг I-босқичи 1993 йилдан бошлаб, муомалага «сўм-купон»ларнинг чиқарилиши, (Белгиларини илова қилиш) II-босқичи эса 1994 йил 1 июлдан бошлаб муомалага миллий валюта «сўм»нинг киритилиши ҳисобланади.

Ҳозир Ўзбекистон Республикаси пул тизими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ амал қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги – сўм, 1 сўм = 100 тийин. Сўм Ўзбекистонда ягона чекланмаган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муомалага банкнот ва тангалар чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга бўлиб, мамлакатда пул муомаласи ҳолатига жавобгардир. Марказий банк банкнот ва тангаларнинг янги намуналарини тасдиқлайди, уларнинг тасвирини оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади.

Ҳозирда муомалада 1,3,5,10,25,50,100,200,500, ва 1000 сўмлик банкнотлар, 1,10,25,50 сўмлик ва 1,3,5,10,20,50 тийинлик тангалар амал қилмоқда. (пул белгиларини илова қилиш)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки пул, кредит ва валюта бошқаруви, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ва халқаро ҳисоб- китобларни амалга ошириш, миллий

валютани чет эл валютасига алмаштириш тартиб-қоидаларини ва бошқаларни ишлаб чиқади, ҳамда жорий этади.

Шунингдек, Марказий банк ҳузурида унинг бош функцияларидан бири бўлган пул эмиссияси сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган муҳим ёрдамчи корхоналар: Қоғоз фабрикаси, Босмахона, Зарбхона, шунингдек, Қимматбаҳо металллар Агентлиги ва Республика Инкассация бирлашмаси ташкил этилган.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар

Пул тизими деб нимага айтилади?

Метал тангалар муомалада булган пул тизимида тангалар неча хил металллардан зарб килинган?

Кредит ва коғоз пуллар муомалада булган пул тизими даврида нима ўзгарган?

Пул тизимининг таркибий қисмлари нималардан иборат?

Пул бирлиги деб нимага айтилади?

Баҳолар масштаби нима сабабдан уз иктисодий моҳиятини йўқотган?

Тулов кучига эга булган пул белгиларига нималар киради?

Эмиссия тизими деб нимага айтилади ва у билан ким шуғулланади?

Ўзбекистон Республикасида пул тизими неча босқичдан иборат?

Марказий банк эмиссия сиёсатини амалга оширишга кўмаклашадиган қандай корхонала фаолият юритади?

7. ИНФИЛЯЦИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

Асосий тушунчалар

Ўрмаловчи инфляция

Сузувчи инфляция

Югурувчи инфляция

Товарлар тақчиллиги

Пул ислохоти

7.1. Инфляциянинг моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари

Инфляция сўзи лотинча бўлиб, луғавий маъноси «бўртиш», «кўпчиш», мантиқан пулнинг қадрсизланиши ва нарх-навонинг мунтазам равишда ошиб бориши каби маъноларни билдиради.


Инфляция тушунчаси муомалада ҳақиқий пуллардан, яъни олтин ва кумуш тангалардан фойдаланилган даврларда аҳамият касб этмаган. Инфляция тушунчаси фақат кредит пулларга тегишлидир.

Инфляция шароитида қуйидагилар рўй беради:

- муомалада керагидан ортиқча пул пайдо бўлади;
- товарлар баҳоси ва хизматлар ҳақи тўхтовсиз ўсиб боради;
- пулнинг қадр – қиймати ва харид қобилияти пасайиб боради;
- пул қадрсизланади, обрўсизланади, «касалланади».

Инфляцияни куйидаги **сабаблар** келтириб чиқаради:

1. Давлат ўз харажатларини ўз даромадлари ҳисобидан қоплай олмай қолган шароитда, муомалага кўшимча пул чиқариш ҳисобидан қоплайди. Натижада муомалада товар ва хизматлар билан таъминланмаган пул пайдо бўлади, бу эса ўз навбатида пулнинг қадрсизланишига олиб келади.
2. Ишлаб чиқаришнинг қисқариши. Ишлаб чиқариш пасайганда муомаладаги пул камаймайди, товарлар миқдори эса камаяди, натижада нарх ошади, пул қадри пасаяди.
3. Мамлакатда четдан келтирилган (импорт) товарлар нархининг кўтарилиши. Бу ўз навбатида мамлакатда ишлаб чиқарилган ўхшаш ва ўринбосар товарлар нархини оширади.
4. Кредитнинг ҳаддан ташқари ривожланиб кетиши. Моддий неъматлар яратиш билан боғлиқ бўлмаган соҳаларга берилган кредитларнинг тез суръатлар билан ўсиши муомаладаги пул массасининг кўпайишига олиб келади.
5. Пулга нисбатан халқ ишончининг йўқолиши, бозорда талабга жавоб бермайдиган товарларнинг кўпайиб кетиши, мамлакат тўлов баланси ҳолати ва бошқалар.



7.2. Инфляция турлари

Ўрмаловчи, сузиб юрувчи ва югурувчан инфляция

Инфляция асосан 3 хил бўлади:

Ўрмаловчи, эвида бўладиган инфляция. Бунда нарх-наво секин ўсади ва инфляция суръатлари йилига 1-3% дан 5-10% гача бўлади. Мамлакатда иқтисодий ўсиш давом этади, ишсизлик катта бўлмайди. бундай инфляция, одатда, иқтисодий ривожланган мамлакатларга хосдир. Масалан, 1998 йилда инфляция суръатлари Австрия, Белгия ва Германияда – 1,0%, Испания, Буюк Британия ва АҚШ да – 2%, Грецияда эса 4,8 % ни ташкил этган. Булардан ташқари бу гуруҳга Ғарбий европанинг бошқа мамлакатлари, Канада, Япония, Сингапур, Малайзия, Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва бошқалар киради.

Сузиб юрувчи ёки йўртиб борувчи инфляция. Бунда йиллик инфляция суръатлари 10%дан 100%гача, айрим ҳолларда 200% гача етади. Мамлакатда нарх-наво тезроқ ўса бошлайди, иқтисодий ўсиш суръатлари

пасаяди, ишсизлик кўпая боради. Бундай инфляция ривожланаётган мамлакатларга хосдир. Масалан, 2001 йилда Россияда инфляция – 18%ни, Ўзбекистонда эса – 24%ни ташкил этган. 2002 йил Ўзбекистонда инфляция даражаси анча пасайди, унинг ўртача ойлик миқдори 1,6 фоиздан иборат бўлди.

Югурувчан инфляция ёки гиперинфляция. Бу ҳаддан ташқари инфляция бўлиб, унинг йиллик суръатлари 100% дан кўп бўлиб, айрим ҳолларда 1000 % дан ҳам ортади. Нарх-наво шиддат билан ўсади, пул қадри ғоят тез пасаяди, пул топишга бўлган интилиш энг паст даражага келади. Гиперинфляция шароитида корхоналар ва аҳоли нима қилиб бўлса ҳам, қадрли пул бўлган иқтисодий қудратли мамлакатларнинг валюталарини йиға бошлайдилар. Нарх-навони мутлақо тартибга солиб бўлмайди, нархлар ойига 50% атрофида ўсади. Товарларни пул иштирокисиз, бир бирига бевосита алмаштириш, яъни бартер пайдо бўлади. Пул муомаласи издан чиқади.

Гиперинфляция суратлари 1985 йилда Боливияда-38000%, 1990 йилда Никарагуада-8500%, Перуда-8291,5%ни ташкил этган. 1991 йилда СССР парчаланиб кетгандан сўнг, собиқ Иттифоқдош Республикаларда ҳам гиперинфляция рўй берди. Жумладан Ўзбекистонда 1994 йилда инфляция ўз чўққисига чиқиб, 1282%ни ташкил этди.

7.3.Инфляциянинг оқибатлари, унинг аҳоли турмуш даражасига, иқтисодиётга ва банк тизимига таъсири

Инфляция иқтисодиётни издан чиқаради ва турли салбий оқибатларга олиб келади.

Инфляция кишиларда қўрқув ва саросима ўйғотади. Ишлаб чиқаришга пул сарфлаш хатарли ишга айланади, негаки сарфланган пул эгасига қайтиб келгунича ўз каддини йўқотиб қўяди.

Инфляция шароитида қарз берган ютқазади, қарз олган эса ютади. Бу ишлаб чиқаришга қўйиш учун пул топишни қийинлаштиради, чунки қарз бериб ютқазгандан кўра, уни бошқа йўлда ишлатиш маъқул кўрилади.

Инфляция натижасида пул жамғармалари кескин кадрсизланади, пулга тенглаштирилган қийматли қоғозлар – суғурта полислари, акциялар, облигациялар, чеклар, сертификатлар ва бошқаларнинг реал қиймати ҳам пасайиб кетади.

Қатъий даромадга, яъни пенсия, стипендия, нафақа ва белгиланган иш хақиға яшовчилар турмуши ёмонлашади, ҳатто улар қашшоқлашиб боради. Нарх оша борган ҳолда пул даромадларининг ошмаслиги ёки нархга нисбатан секинроқ ошиб бориши, товарларни олдингидан озроқ истеъмол этилишига олиб келади.

Иқтисодиётда ишлаб чиқаришнинг стихиялилиги кучаяди, тармоқлар ўртасида мутаносиблик бузилади. Пул маблағлари ишлаб чиқариш соҳасидан муомала (савдо) соҳасига оқиб ўтади.

Савдо-сотиқ ҳам издан чиқади, сабаби турли худудларда баҳоларнинг турлича бўлиши товарлар

нормал ҳаракатини бузади. Уларнинг бозордан бозорга кўчиб юришига олиб келади. Олиб-сотарликка кенг йўл очилади. Баҳоларнинг ўсиб бориши туфайли товарларни кўплаб сотиб олиб, сақлаб, сўнг қимматга сотиш авж олади.

Пул эгалари қадрсизланаётган пулдан қутилиш мақсадида ўзларига керак бўлган ва керак бўлмаган, тўғри келган товарларни сотиб ола бошлайдилар. **Товарлар тақчиллиги** пайдо бўлади. Пулга ўз қадрини йўқотмайдиган мол- мулк (ер, уй, иншоотлар), келажакда яхши мулк бўлиб қоладиган осори-атика(антиквар)лар ва ноёб буюмлар (қадимий санъат асарлари, китоблар, қўл ёзмалар), нодир металллар ва қимматбаҳо тошлар, шунингдек, барқарор валюталар (АҚШ доллари, ЕВРО ва бошқаларни) сотиб олиш оммавий тус олади.

Инфляция банк тизимини ҳам четлаб ўтмайди. Банк имкониятлари қадрсизланади. Узоқ муддатли қарз беришга барҳам берилади, чунки қадрли пулларда берилган кредитлар маълум муддатлардан сўнг қадрсизланган пулларда қайтарилади. Банк кредити учун тўланадиган фоизлар ўсиб боради. Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи йўқолади ва банкка ўз жамғармаларини омонатлар сифатида қўйиш деярли тўхтайтиди. Хўжаликлар ўртасидаги ҳисоб - китоблар ҳам маълум даражада чигаллашади.

7.4.Инфляцияни тизгинлаш борасида амалга ошириладиган тадбирлар

Инфляцияни тизгинлаш ва охир – оқибатда тўхтатиш ҳамда пул муомаласини барқарорлаштириш мақсадида қуйидаги чора - тадбирлар кўрилиши мумкин:

- 1. Мамлакатда пул ислоҳотини ўтказиш**
- 2. Инфляция жараёнининг давлат томонидан бошқариб борилиши**

Мамлакатда пул муомаласини тартибга солиш ва мустаҳкамлаш мақсадида давлат томонидан пул тизимининг тўла ёки қисман ўзгартирилиши **пул ислоҳоти** дейилади. Пул ислоҳотлари мамлакат иқтисодиёти ва пулнинг қадрсизланиш даражасига қараб турли усулларда ўтказилиши мумкин. Масалан, 1991 йилда СССР парчаланиб кетгандан сўнг, собиқ иттифоқдош республикалар Мустақил давлатларга айландилар. Уларнинг барчаси пул ислоҳотларини ўтказдилар ва ўз миллий пул бирликларини муомалага киритдилар.

Ўзбекистонда ҳам 1993 –1994 йилларда пул ислоҳоти ўтказилди ва 1994 йил 1 июлидан эътиборан муомалага миллий валюта «сўм» киритилди.

Инфляция жараёнини давлат томонидан бошқариб боришда қуйидагилар амалга оширилади:

- **ишлаб чиқаришни жонлантириш.** Товарлар ва хизматлар кўп яратилса, ортиқча пулларнинг ташналиги қондирилади, нарх-наво ва пул қадри барқарорлашади. **Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш** мақсадида **солиқлар** камайтирилади, **ишлаб чиқаришга арзон**

- кредитлар берилади, тадбиркорларга бюджетдан ёрдам кўпайтирилади, экспорт ва импорт бўйича имтиёзлар жорий этилади ва бошқалар;
- **пул массаси ортишини чеклаш ва тўхтатиш, муомаладаги пул миқдорини камайтириш.** Шу мақсадда аҳолининг пул даромадлари - иш хақи, нафақа, пенсия ва бошқаларнинг ўсиши чекланади ёки тўхтатилади, ортиқча пул маблағларини банкларга жалб қилиш мақсадида омонатларга тўланадиган фоизлар оширилади. Пул эмиссияси жиддий чекланади ёки умуман тўхтатилади.

Ўзбекистонда қатъий пул- кредит сиёсатини олиб бориш, пул массаси, кредит ва нақд пул эмиссиясини камайтириш бўйича аниқ чора - тадбирлар амалга оширилди натижасида, пул массасининг ўсиш суръати кескин камайди, инфляция даражаси, яъни унинг асосий кўрсаткичи бўлган истеъмол нархлари индекси 1994 йилда 1132,2 фоизни (мустақиллик йилларидаги энг юқори даража) ташкил этган бўлса, кейинги йилларда унинг шиддат билан пасайишига эришилди. Жумладан, ушбу кўрсаткич 2000 йилда 28,1 фоизни, 2003 йилдан бошлаб 8 фоиздан паст даражани, 2010 йилда 7,3 фоизни ташкил этади ва 2011 йилнинг 6 ойида эса белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Инфляция даражасининг ушбу давр мобайнида кескин пасайиши бошқа омиллар билан биргаликда иқтисодиётга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг юқори суъратлар билан ўсишига ёрдам берди.

Юртбошимиз “Иқтисодиётдаги ўсиш – инфляцияга қарши, молиявий барқарорлик ва пул муомаласи тизимини мустахкамлаш борасидаги тадбирларнинг мувофақиятли амалга оширилиши натижасидир”, - деганларидек, мамлакат ялпи ички махсулотининг реал ўсиш суръатлари 1991 йилда манфий кўрсаткични, яъни 4,2 фоизни ташкил этган бўлса, давлатимиз томонидан олиб борилган ва бугунги кунда изчил давом этаётган оқилона иқтисодий сиёсат натижасида мамлакатимизда иқтисодиётнинг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблик сақланмоқда.

Юртимизда ялпи ички махсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда 8,5 фоизга етгани, жорий йилда ҳам 8,5 фоиз даражасида белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар

Инфляция сўзи қандай маънони англатади?

Инфляция шароитида нималар рўй беради?

Инфляцияни қайси сабаблар келтириб чиқаради?

Инфляция қандай турлардан иборат?

Инфляция оқибатида нималар содир булади?

Инфляцияни тизгинлаш борасида қандай ишлар амалга оширилади?

Ўзбекистонда инфляция кўрсаткичи даражаси қанча фоизни ташкил этмоқда?

Юртимизда инфляция даражасининг кескин пасайиш омиллари қандай иқтисодий кўрсаткисларнинг ўсишига таъсир кўрсатмоқда?

“Пул ва пул муомаласи” бўлими бўйича ўз билимни мустақил синаш учун тестлар:

1. Пул:

- А. Ҳамма бошқа товарлар учун умумий эквивалент вазифасини бажаради
- В. Ҳамма бошқа товарлар сингари ўз қийматига эга
- С. Ҳамма бошқа товарлар сингари ўз истеъмол қийматига эга
- Д. Ҳамма бошқа товарларни харид этиш воситаси бўлиб хизмат қилади
- Е. Нотўғри жавоб йўқ

2. Қадимда қайси мамлакатда пул вазифасини буғдой бажарган?

- А. Римда
- В. Африкада
- С. Мисрда
- Д. Хитойда
- Е. Мўғулистонда

3. Қадимги даврларда қуйидагиларнинг қайси бири айирбошлаш чоғида пул вазифасини бажарган?
- А. Чорва
 - В. Қимматли чиғаноқлар ва металллар
 - С. Фил суяги
 - Д. Туз, чой, асал, буғдой
 - Е. Нотўғри жавоб йўқ.
4. Пул:
- А. Товарлар қийматини ўлчай олади
 - В. Муомала воситаси вазифасини бажаради
 - С. Жамғаришнинг энг қулай воситаси
 - Д. Тўлов воситаси ҳисобланади
 - Е. Нотўғри жавоб йўқ
5. Қуйидаги омиллардан қайси бири товар нархини пасайтиради?
- А. Юқори нафлик
 - В. Кучли рақобат
 - С. Талабнинг ортиши
 - Д. Таклифнинг камайиши
 - Е. Нотўғри жавоб йўқ
6. Бартер - бу:
- А. Бевосита пул иштирокида бўладиган товар алмашувидир
 - В. Бозор иқтисоди тақозо этадиган товар-пул муносабатидир

С. Товар топиш жуда ҳам осон бўлган шароитдаги товар алмашувидир

Д. Бевосита товарни товарга алмаштиришдир

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

7. Муомала воситаси деганда:

А. Пулнинг товар харид этиш ёки пулни товарга айирбошлаш вазифасини бажариши тушунилади

В. Пулнинг ўзида ижтимоий меҳнатни мужассамлаштирилиши тушунилади

С. Пулнинг жамланган бойлик шаклига қириши тушунилади

Д. Пулнинг мамлакатлар ўртасидаги ҳисоб - китоблар, товарлар ва хизматлар учун тўловларни бажариши тушунилади

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

8. Банкнот:

А. Марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган фоизсиз кредит билетидир

В. Белгиланган муддатда қарзга олинган пулни тўлаш учун берилган тилхат

С. Пулнинг харид қобилиятининг пасайиб кетиши

Д. Фуқаро, корхона, фирма ёки банкнинг маблағ етишмаслиги сабабли ўз қарзларини тўлашга қурби етмаслиги

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

9. Қуйида қайд этилганларнинг қайси бири кредит пуллари ҳисобланади?

- A. Банкнотлар
- B. Векселлар
- C. Чеклар
- D. Кредит карточкалари
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

10.Чек – бу:

- A. Марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган фоизсиз кредит билети
- B. Қўшимча маҳсулотнинг пул шакли
- C. Акционер жамият фойдасининг акция эгасига тегадиган, бинобарин, унинг даромадига айланган қисми
- D. Имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкка берилган ёзма фармойишни ифода этувчи ҳужжат
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

11.Кредит карточкаси - бу:

- A. Марказий эмиссия банклари томонидан чиқариладиган фоизсиз кредит билети
- B. Муайян миқдордаги қарзни белгиланган муддатда катъий тўлаш мажбурияти юкланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдириб расмийлаштирилган қарздорлик тилхати
- C. Имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкка берилган ёзма фармойишни ифода этувчи ҳужжат

- Д. Банк ёки махсус кредит (савдо) муассасаси томонидан бирор киши номига берилган пул хужжати
Е. Нотўғри жавоб йўқ.

12. Вексел – бу:

- А. Муайян миқдордаги қарзни белгиланган муддатда қатъий тўлаш мажбурияти юкланган, қонун билан тасдиқланган ҳолатда тўлдирилиб расмийлаштирилган қарздорлик хужжати
В. Имзолаганнинг жорий ҳисобидан муайян суммани бериш ёки бошқа ҳисобга ўтказиш ҳақида банкка берилган ёзма фармойишни ифода этувчи хужжат
С. Марказий эмиссия банклар томонидан чиқариладиган фоизсиз кредит билети
Д. Банк ёки махсус кредит (савдо) муассасаси томонидан бирор киши номига берилган пул хужжати
Е. Нотўғри жавоб йўқ.

13. Электрон пул – бу:

- А. “Қуйма” шаклидаги пул
В. “Кредит карточкаси” шаклидаги пул
С. “Банкнот” шаклидаги пул
Д. “Чек” шаклидаги пул
Е. Нотўғри жавоб йўқ.

14. Қуйидагиларнинг қайси бири муомаладаги нақд пул массасининг таркибига киради?

- А. Аҳоли қўлидаги нақд пуллар
В. Иш юритувчи барча субектларнинг касса қолдиқлари

- С. Жамоа ташкилотларининг касса қолдиқлари
- Д. Барча банкларнинг оборот кассаларидаги нақд пуллар
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

15. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар деганда:

- А. Нақд пул ишлатмасдан пул маблағларини банклар орқали счётдан-счётга ўтказиш тушунилади
- В. Нақд пул иштирокисиз сотувчи ва сотиб олувчи счётларидаги ёзувлар орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоб тушунилади
- С. Пул оборотининг асосий қисмини ташкил қилувчи пул айланиш шакли тушунилади
- Д. “Пул кўчириш” ёки “Пул ўтказиш” маъносини билдиради
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

16. Пул тизими деганда:

- А. Пул муомаласини ташкил қилишда қўлланиладиган услублар мажмуаси тушунилади
- В. Параллел валюталар тизими тушунилади
- С. Икки ёқлама валюта тизими тушунилади
- Д. “Оқсоқланувчи” валюта тизими тушунилади
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

17. Пул бирлиги деганда:

- А. Мамлакат пул бирлигининг олтинга тенг қисми тушунилади
- В. Мамлакатдаги ягона тўлов воситаси тушунилади
- С. Баҳолар масштаби тушунилади

- Д. Муомаладаги пул массасини тартибга солувчи усуллар тушунилади
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

18.Эмиссия деганда:

- А. Товар, хизмат ва капиталларни мамлакат ташқарисига чиқариш тушунилади
- В. Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ҳуқуқи берилган банклар тушунилади
- С. Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ҳуқуқи берилган кооперативлар, акционерлик жамиятлари тушунилади
- Д. Муомалага банк билетлари, пул ва қимматбаҳо қоғозларни чиқариш тушунилади
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

19.Баҳолар масштаби деганда:

- А. Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини пулда ифодаланиши тушунилади
- В. Товарлар қийматини ўлчаш ва муомала воситаси сифатида хизмат қилувчи бирлик тушунилади
- С. Мамлакат пул бирлигининг олтинга тенглаштирилиши тушунилади
- Д. Мамлакатдаги тўлов воситаси бирлиги тушунилади
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

20.Биметаллизм деганда:

- А. Олтин ва кумушга қонуний тартибда умумий эквивалент ролини бириктириб қўйилиши тушунилади

- В. Битта металлга барча товарлар қийматини ўзида акс эттирувчи умумий эквивалент ролини бириктириб қўйилиши тушунилади
- С. Пулни олқишловчи назария тушунилади
- Д. Олтинни пулнинг барча вазифаларини бажаришдан маҳрум этилиши тушунилади
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

21. Монометаллизм деганда:

- А. Параллел валюта тизимида қонуний тартибда умумий эквивалент ролини бириктириб қўйилиши тушунилади
- В. Икки ёқлама валюта тизимида қонуний тартибда умумий эквивалент ролини бириктириб қўйилиши
- С. “Оқсоқланувчи” валюта тизимида қонуний тартибда умумий эквивалент ролининг бириктириб қўйилиши тушунилади
- Д. Битта металлга барча товарлар қийматини ўзида акс эттирувчи умумий эквивалент ролининг бириктириб қўйилиши тушунилади
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

22. Пул муомаласи деганда:

- А. Пулнинг товар ва хизматларни харид этиш, чет эл валюталарига алмаша олиш қобилияти тушунилади
- В. Пулнинг товарлар ва хизматлар олди-сотдиси жараёнидаги узлуксиз ҳаракати тушунилади
- С. Пул массаси ҳажми ва таркиби тушунилади

Д. Муомалага чиқарилган металл тангалар ва қоғоз пуллар (хазина ва банк билетлари)нинг жами миқдори тушунилади

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

23. Пул айланишида:

А. Фақат нақд пул иштирок этади

В. Фақат ҳисоб - китоб ҳужжатлари иштирок этади

С. Фақат реал пуллар қатнашади

Д. Нақд пул ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари иштирок этади

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

24. Қуйидаги қайси жавобда пул муомаласи қонунининг таърифи тўғри берилган? Муайян даврда муомалага зарур бўлган пул миқдори:

А. Барча товарлар нархи суммасига тескари пропорсионал, пул обороти тезлигига тўғри пропорсионал ўзгаради

В. Барча товарлар нархи суммасига тўғри пропорсионал, пул обороти тезлигига тескари пропорсионал ўзгаради

С. Мамлакат экспорти миқдорига боғлиқ

Д. Мамлакат импорти миқдорига боғлиқ

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

25. Инфляция деганда:

А. Муомалада керагидан ортиқча пулнинг пайдо бўлиши тушунилади

В. Нарх –навонинг ўсиб кетиши тушунилади

С. Пулнинг қадр – қиймати ва харид қобилиятининг пасайиши тушунилади

Д. Пулнинг қадрсизланиши, обрўсизланиши тушунилади

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

26. Куйида қайд этилганларнинг қайси бири инфляцияни вужудга келтирувчи сабаблар ҳисобланади?

А. Давлат бюджети тақчиллиги

В. Кредитнинг ҳаддан ташқари ривожланиб кетиши

С. Мамлакат тўлов балансининг пассив бўлиши

Д. Давлатнинг улкан ноишлаб чиқариш харажатлари, курулланишга зўр бериши

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

27. Инфляция шароитида:

А. Қарз берганлар ютади, қарз олганлар ютқазади

В. Пулга тенглаштирилган қоғозлар, суғурта полислари, акциялар, облигациялар, чеклар, сертификатларнинг реал қиймати ошади

С. Ишсизлар сони камайиб боради

Д. Тўлов баланси тақчиллик томон ўрмалайди

Е. Тўғри жавоб йўқ.

28. Ўрмаловчи, эвида бўладиган инфляция шароитида:

А. Нарх-наво шиддат билан ўсади, пул қадри ғоят тез пасаяди

В. Нарх-наво тезроқ ўса бошлайди, иқтисодий ўсиш суръатлари сусаяди, ишсизлар сони кўпаяди

- С. Нарх – наво аста-секин орта бошлайди, иқтисодий ўсиш бўлиб туради, ишсизлик юқори бўлмайди
Д. Иқтисодий танглик инфляция билан биргаликда юз беради
Е. Нотўғри жавоб йўқ.

29. Сузиб юрувчи инфляция шароитида:

- А. Инфляция йилига 10%дан 100% гача бўлади
В. Йиллик инфляция суръатлари 2-3% атрофида бўлади
С. Нархлар ойига 40-50% атрофида ўсади
Д. Ишсизлик камая боради
Е. Нотўғри жавоб йўқ.

30. Гиперинфляция шароитида:

- А. Пул топишга интилиш минимал даражага тушади
В. Нарх - навони мутлақо тартибга солиб бўлмайди
С. Пул ишлаб чиқаришга қуйилмасдан қимматбаҳо буюмларни сотиб олишга сарфланади
Д. Корхона, ташкилотлар ва аҳоли қадрсизланган пулдан қутулишга, қадрли пул- валюта йиғишга шошилади
Е. Нотўғри жавоб йўқ.

31. Инфляцияга қарши курашда:

- А. Ишлаб чиқаришни жонлантиришга зўр берилади
В. Пул массасининг ортишини чеклашга эътибор қаратилади
С. Банклараро кредит ресурслари аукционлари кенгайтирилади
Д. Ишлаб чиқаришга арзон кредит берилади

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

32. Ҳозирги даврда жаҳон пули вазифасини қайси пуллар бажаради?

А. Эркин конвертирланадиган валюталар

В. Олтин

С. АҚШ доллари

Д. СДР

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

33. Ўзбекистон миллий валютаси “сўм” қачон муомалага киритилган?

А. 1991 йил 1 сентябрда

В. 1992 йил 8 декабрда

С. 1993 йил 1 июлда

Д. 1994 йил 1 июлда

Е. Тўғри жавоб йўқ.

34. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нечанчи моддасида Ўзбекистон Республикаси мустақил молия ва пул-кредит тизимига эга эканлиги белгилаб қўйилган?

А. 98 моддасида

В. 120 моддасида

С. 122 моддасида

Д. 124 моддасида

Е. Тўғри жавоб йўқ.

35. Пулнинг келиб чиқишига асосий сабаб?

- А. Хусусий мулкнинг пайдо бўлиши
- В. Товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг ривожланиши
- С. Биринчи меҳнат тақсимоти – чорвачилиқдан дехқончиликни ажралиб чиқиши
- Д. Кишиларда ўз эҳтиёжларидан ортиқча маҳсулотнинг пайдо бўлиши
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

36. Қоғоз пулларнинг келиб чиқишига асосий сабаблар?

- А. Танга пулларнинг етишмаслиги
- В. Танга пулларнинг емирилиши, сунъий равишда уларнинг вазнини камайтирилиши
- С. Танга пуллар таркибига ҳар хил арзон металлларнинг қўшилиши
- Д. Танга пуллар зарб қилиш учун зарур бўлган нодир металллар қазиб олиш суръатларини товар ишлаб чиқариш суръатларидан нисбатан ортда қолиши
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

37. Қоғоз пуллар энг биринчи қайси давлатда муомалага чиқарилган?

- А. Ҳиндистонда
- В. Хитойда
- С. Римда
- Д. Мисрда
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

38. Пул айланиш тезлиги деганда нима тушунилади?

- A. Пулнинг банкдан чиққандан сўнг банкка келиб тушгунча бўлган давр
- B. Пулнинг савдо-сотикдаги иштироки
- C. Маълум давр мобайнида пулнинг қўлдан-қўлга ўтиш сони
- D. Пулнинг кассадан чиққач банкка тушгунча ўтган вақт
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

39. Пул айланиш структураси деганда нима тушунилади?

- A. Ҳисоб - рақамлардаги ёзувларнинг ўзгариши
- B. Пулнинг савдо – сотикдаги иштироки
- C. Пул айланиши умумий ҳажмидаги пул айланиши шакллариининг салмоғи
- D. Банклар воситасида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги пул муомаласи
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

40. Муомала учун зарурий пул миқдори қандай аниқланади?

- A. Сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар баҳосининг йиғиндисини орқали
- B. Пул айланиш тезлиги воситасида
- C. Инфляцияни ҳисобга олган ҳолда
- D. Сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар баҳоси йиғиндисининг пул айланиши тезлигига нисбати орқали
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

41. Инфляция қандай пул турларига таъсир этмайди?

- A. Қоғоз пулларга
- B. Электрон пулларга
- C. Кредит пулларга
- D. Нодир металлдан зарб қилинган танга пулларга
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

42. “Инфляция” сўзининг луғавий маъноси нима?

- A. Пулнинг қадрсизланиши
- B. Нарх-навонинг ошиши
- C. Ишсизликнинг кучайиши
- D. Кўпчиш, кўтарилиш, бўртиш
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

43. Ўзбекистонда 2010 йилдаги инфляциянинг ўртача йиллик даражаси?

- A. 2,1 %
- B. 3,0 %
- C. 5,6 %
- D. 7,3 %
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

44. “Банкнотларни химоя қилиш” деганда нима тушунилади?

- A. Банкнотларни эмиссия қилишни сир сақлаш
- B. Банкнотларни қалбакилаштиришга қарши кўрилган чора – тадбирлар
- C. Банкнотларни махсус қоғозда чиқариш, уларга металл ипларни кўшиш ва сув белгиларини чизиш

Д. Банкнотларни чиқаришда махсус ранглардан фойдаланиш

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

45. Қоғоз пулларни “таъминланган” лиги деганда нима тушунилади?

А. Қоғоз пулларни қалбакилаштиришдан ҳимоялаш

В. Қоғоз пулларни маълум нисбатда олтин ва кумушга алмаштирилиши

С. Бир мамлакат пулини бошқа мамлакат пулига алмаштирилиши

Д. Қоғоз пулни танга пулга алмаштирилиши

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

46. Қадимги тангалар қандай шаклларда зарб қилинган?

А. Юмалоқ

В. Тўртбурчак

С. Учбурчак

Д. Эллипс яъни тухумсимон

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

47. Танганинг олд томони нима дейилади?

А. Аверс

В. Реверс

С. Гурт

Д. Монета

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

48. “Реверс” деганда нима тушунилади?

- A. Танганинг олд томони
- B. Танганинг орқа томони
- C. Танганинг айлана қирраси
- D. Тангадаги Герб ёки ҳукмдор расми
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

49. “СДР” яъни “махсус қарз олиш ҳуқуқи” пул бирлиги қандай халқаро ташкилот фаолиятида қўлланилади?

- A. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
- B. Халқаро Валюта Фонди
- C. НАТО харбий блоки
- D. Жаҳон банки
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

50. “ЕВРО” пул бирлиги қайси мамлакатларда қўлланилади?

- A. Ғарбий Европа мамлакатларида
- B. Марказий Европа мамлакатларида
- C. Европа Иқтисодий Ҳамжамияти мамлакатларида
- D. Европа қитъаси мамлакатларида
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

*Қарз Аллоҳ таоллонинг ердаги бир
байроғики, агар бир бандани хорлагиси келса
унинг бўйнига қўйади*

*Муҳаммад пайгамбар алайҳис-салом
қиссаси.*

Ҳадислар

КРЕДИТ ВА КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

II-бўлим

1. Кредитнинг моҳияти ва зарурати

Асосий тушунчалар

Судхурлик кредити

Кредит субъектлари

Кредит объектлари

Кредит ресурслари

Кредитнинг тамоиллари

Қайтариб беришлик

Муддатлилик

Таъминланганлик

Тўловлилик

Мақсадлилик

Самарадорлилик

1.1. Кредитнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ва ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётидаги ўрни

«Кредит» лотинча сўз бўлиб, «қарз» маъносини билдиради. Кредит қадимий тушунча сифатида товар, пул, бозор, баҳо ва бошқа атамалар билан бир даврда пайдо бўлган ва уларнинг доимий ҳамроҳидир.

Маълумки, кишилик жамиятининг дастлабки босқичи ибтидоий жамоа тузуми емирилиши натижасида жамият аъзолари бой ва камбағал оилаларга ажралди. Бой оилалар қўлида жамиятдаги моддий бойликлар тўпланиб қолди, камбағаллар эса ана шу бойликлардан маҳрум бўлдилар. Натижада моддий бойликлар ва пул маблағлари зодагонлар, катта ер эгалари, савдогарлар, саррофлар қўлида ва черковларда жамлана борган. Ерсиз деҳқонлар, майда хунармандлар ва бошқа қуйи табақага мансуб кишилар эса кун куриш учун улардан маълум ҳақ тўлаш эвазига ер ва ишлаб чиқариш жиҳозларини ижарага, турли маҳсулотлар ва пул маблағларини қарзга олишга мажбур бўлганлар. Ана шундай қилиб, кредитнинг энг қадимий шакли **судхўрлик кредити** пайдо бўлган.

Кредит кишилик жамиятининг кулдорлик, феодализм ва капитализм даврларида ривожланди ҳамда такомиллашиб борди. Унинг янгидан-янги турлари ва шакллари пайдо бўлди. Кредит жамиятнинг барча соҳаларига кириб борди. Кредит жамият такрор ишлаб чиқариш жараёнида беқиёс ўринга эга бўлиб, пул – товар муносабатларининг ажралмас қисмига айланди.

Ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланиши кредит муносабатларининг иқтисодий асосидир:

... Пул Ишлаб чиқариш \rightarrow $\left| \begin{array}{c} \text{Ишлаб} \\ \text{чиқариш} \\ \text{ресурслари} \end{array} \right| \rightarrow$ Товарлар \rightarrow Пул... \rightarrow

Фондларни доиравий айланишида товар ишлаб чиқариш вақти билан уни сотиш вақтининг ўзаро мос келмай қолиши натижасида қўшимча маблағларга эҳтиёж туғилади. Айрим ҳолларда эса маблағлар бекор туриб қолади. Бир томондан маблағларнинг етишмаслиги, бошқа томондан эса уларнинг бекор туриб қолиши ўртасида қарама-қаршилик юзага келади. Бу зиддиятни кредит муносабатлари бартараф этади.

Кредит – бу вақтинча бўш турган пул маблағлари ёки товарларни маълум муддатга, ҳақ тўлашлик шарти билан, қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Кредит ёрдамида товар-моддий бойликлар, турли машина ва механизмлар сотиб олинади, истеъмолчилар маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда тўловни кечиктириб насияга товарлар сотиб олиш ва бошқа ҳар хил тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар. Кредит воситасида жамиятда кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш узлуксизлигига эришилади.

2001-2009 йиллар мобайнида республикамизтижорат банклари кредит қуйилмалари мутлақ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган.

Мазкур тенденция республикаимиз банкларининг ресурс базаси ҳажмининг ошиб бораётганлиги билан изоҳланади. Лекин тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг ЯИМдаги салмоғини ушбу давр мобайнида пасайиши кузатилган.


Агар 2001 йилда ушбу кўрсаткич 37,8 фоизни ташкил қилган бўлса, 2002 йилда – 35,2%, 2003 йилда – 28,2%, 2005 йилда – 24%, 2006 йилда – 19,0%, 2007 йилда – 16,9 %, 2008 йилда эса, 17,3 фоизни ташкил қилди, 2009 йилда эса, ушбу кўрсаткич 17,8 фоизни ташкил этди

1.2.Кредит субъектлари ва объектлари, ресурслари ва манбалари

Кредит муносабатларида 2 томон, яъни қарз берувчи (Кредитор) ва қарз олувчи иштирок этади. Уларни кредит **субъектлари** дейилади. Кредит субъектлари таркибига корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, банклар, давлатлар, халқаро ташкилотлар, турли фондлар ва аҳолининг турли тоифалари киради.

Кредит 2 шаклда, яъни пул маблағлари ёки товарлар шаклида берилади. Уларни кредит **объектлари** дейилади. Кредит объектлари ҳар қандай пул маблағлари ва товарлар эмас, балки вақтинча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пул маблағлари ва товарлардир.

КРЕДИТ СУБЪЕКТЛАРИ



Қарз берувчилар-

Корхоналар, фирмалар,
компаниялар, банклар,
давлат идоралари,
мамлакатлар,
халқаро ташкилотлар
турли фондлар
аҳоли ва бошқалар

Қарз олувчилар-

Корхоналар, фирмалар,
компаниялар, банклар,
давлат идоралари,
мамлакатлар
халқаро ташкилотлар
турли фондлар
аҳоли ва бошқалар

Кредитга зарурат туғилганда қуйидаги бўш пул маблағларидан **кредит ресурслари** сифатида фойдаланиш мумкин:

1. Асосий фондларни тиклаш ва капитал таъмирлаш учун ажратиладиган амортизасия фондлари сифатидаги пул маблағлари;
2. Товарларни сотиш ва зарурий ишлаб чиқариш ресурсларини сотиб олиш вақтларининг бир-бирига мос келмаганлиги туфайли вужудга келган бўш пул маблағлари;
3. Товарларни сотишдан тушган пул тушумлари билан иш ҳақини тўлаш вақтлари орасида вақтинча бўш туриб қолган пул маблағлари;

4. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида йиғиладиган ва капиталлаштириш учун мўлжалланган қўшимча маблағлар;
5. Аҳолининг даромадлари, жамғармалари ва бўш пул маблағлари.

Республика тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамланиши уларнинг кредитлаш салоҳиятининг ошишига олиб келди. Банкларнинг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредитлари қолдиғи 34,8 фоизга ошди ва 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра 11 трлн. 539,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг узок муддатли кредитлари қолдиғи 2010 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 35,2 фоизга ошиб, жами кредит қўйилмаларидаги салмоғи 78,6 фоизни ташкил қилди.

2010 йил мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан 3 трлн. 250 млрд. сўмдан зиёд ёки 2009 йилга нисбатан 35 фоизга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Хозирги даврда кредит ресурслари таркибида аҳоли маблағлари салмоғи ортиб бормокда. Аҳолининг банклардаги омонатлари қолдиғи 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига нисбатан 1,5 баробарга кўпайди ва 2011 йил 1 январ ҳолатига 4446,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

1.3.Кредитнинг вазифалари

Кредит куйидаги вазифаларни бажаради:

1. Кредитнинг **энг муҳим вазифаси** ижтимоий ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлашдан иборатдир. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш вақти, ана шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурсларни сотиб олиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш вақти билан ўзаро мос келмайди. Ана шу сабабли ишлаб чиқарувчиларда айрим ҳолларда пул маблағлари етишмайди, бошқа ҳолларда эса пул маблағлари бўла туриб, унга эҳтиёж бўлмайди, яъни пул бўш туриб қолади. Ушбу жараённи пахта етиштириш мисолида кўриб чиқамиз:

Й и л о й л а р и											
XI	XII	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X
ер ҳайдаш		Ўғ	Чигит	Ғўза		Пахта териш			ва сотиш		
		ит-	экиш	парвариши							
		Ла									
		ш									
Ҳаражатлар кредит ҳисобидан копланади.									Кредит қайтарилади		

Аксарият корхоналар ишлаб чиқариш ресурсларини сотиб олиш учун ўз маблағлари етарли бўлмаган ҳолларда зарур бўлган пул маблағлари ва товарларни кредитга олишлари мумкин.

2. Кредит воситасида муомалага пулга тенглаштирилган тўлов воситалари бўлган вексел, чек,

сертификат, кредит карточкалари ва бошқалар чиқарилади. Бу воситалар ёрдамида нақд пулли операсияларни нақд пулсиз ҳисоб-китоблар билан алмаштирилади. Натижада тўловлар тезлашади, муомала ҳаражатлари тежаллади.


3. Кредит орқали пул маблағлари турли тармоқлар ва соҳалар ўртасида қайта тақсимланади. Маълумки кредитдан фойдаланганлик учун ҳақ тўланади, яъни кредит сотиб олинади. Қайси ишлаб чиқарувчига пул маблағлари зарур бўлса, уни сотиб олади ва ундан фойдаланади. Шундай қилиб, пул маблағлари ва ишлаб чиқариш ресурсларининг турли тармоқлар ўртасида эркин кўчиб юриши таъминланади.

4. Кредит воситасида жамиятдаги бўш пул маблағлари жамғариб борилади ва ҳаракатдаги капиталга айлантдирилади яъни у ёки бу соҳани ривожлантиришга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланади.

5. Кредит воситасида жамиятда иқтисодий ўсиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш имконияти туғилади. сабаби, қарз олувчи нафақат олган кредитини қайтариш ва кредит фоизини тўлаш учун ишлайди, балки ўзи ҳам даромад олишни кўзлайди. Бунинг учун эса ўз фаолиятида юқори самарадорликка эришишига ҳаракат қилади.

1.4.Кредитлаш тамойиллари

Кредит муносабатлари қуйидаги тамойиллар (принциплар) га риоя этган ҳолда амалга оширилади.



1. **Кредитнинг қайтариб беришлик** тамойилига асосан кредитга берилган маблағлар белгиланган муддатда қайтариб берилиши лозим, яъни кредит «еб кетарга» берилмайди. Берилган кредитни қайтармаслик ёки ундан кечиб юбориш бозор иқтисодиёти қонунларига зиддир.

*Яхшиларингиз қарзни яхши адо этувчи кишилардир
 Муҳаммад пайғамбар алайҳис-салом
 қиссаси.
 Ҳадислар*

2. **Кредитнинг муддатлилик** тамойилига кўра кредит маълум муддатга берилади. Бу муддат кредит шартномасида белгилаб қўйилади. Агар қарз олувчи кредитни ўз муддатида қайтармаса, қарз берувчи томонидан иқтисодий жазо чоралари қўрилиши, яъни жарималар солиниши, кредит фоизининг оширилиши, кредит муддатини қисқартирилиши мумкин. Бу чоралар

хам ёрдам бермаса қарз берувчи кредитни хўжалик суди орқали ундириб олиши мумкин.

Қарзни ўз вақтида бермасдан чўзиб юриш зулумдир.

Муҳаммад пайғамбар алайҳис-салом

қиссаси.

Ҳадислар

3. Кредитнинг таъминланганлик тамойили олинган кредит суммасини қайтариб берилишини кафолатлайди. Ҳозирда кредитларни таъминланиши қуйидаги усуллар ёрдамида амалга оширади:

- қарз олувчининг мол мулкини гаровга олиш орқали;
- кредит суммасини суғурта компаниялари томонидан суғурталаш йўли билан;
- учинчи шахслар томонидан ишонч хатлари ёки кафолатномалар бериш орқали.

Таъминланмаган кредит берилиши уни қайтарилмаслиги асосидир.

Кафил бўлгунча , кафтинг билан чўз ушла.

(Ўзбек халқ мақоллари)

4.Кредитнинг тўловлилик тамойили олинган кредитдан фойдаланганлик учун ҳақ тўланишини билдиради. Одатда кредит учун тўланадиган ҳақ «фоиз», «ссуда фоизи» ёки «банк фоизи» дейилади.

Ссуда фоизи том маънода кредитнинг баҳосидир. Айрим ҳолларда фоизсиз яъни имтиёзли кредитлар ҳам берилиши мумкин.

Жаноби Расулulloҳ қарздордан ҳақини сўраб гапирган одам тўғрисида бундай деганлар: “ Ҳақдор одамнинг гапиришига ҳаққи бор”

***Муҳаммад пайгамбар алайҳис-салом
қиссаси.***

Ҳадислар

5. Кредитнинг мақсадлилиқ тамойили қарз олувчи томонидан олинган кредит аниқ бир мақсадга сарфланиши лозимлигини билдиради. Қарз берувчи берилган кредитни шартномада кўрсатилган мақсадда сарфланиши устидан назорат ўрнатади. Агар кредит бошқа мақсадларга сарфланаётгани маълум бўлиб қолса, кредит бериш тўхтатилади ва берилган кредитни муддатидан аввал ундириб олиш чоралари кўрилади.

Қарздор қарзини узар, хотин ёнида қолар.

(Ўзбек халқ мақоллари)

6.Кредитнинг самарадорлиги тамойили кредитдан оқилона фойдаланишни тақозо этади. Бу тамойил нафақат кредитнинг қайтарилиши ва фоиз суммасининг тўланиши, балки ундан ташқари шу кредит ёрдамида қарз

олувчи қанча даромад олиши, фойда кўришини ҳам белгилайди. У ёки бу лойиҳа бўйича кредит беришдан аввал, бериладиган кредит самарадорлигини аниқлаш ва бошқа лойиҳалар билан таққослаб кўриш лозим. Кайси лойиҳа самаралироқ бўлса, ана шу лойиҳага кредит бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Самарадорлик тамойили ва унга риоя қилиш кредитни бошқа тамойилларини бажарилиши учун асос ҳисобланади.

Қарз товуш чиқармаса ҳам, ухлагани қўймас.

(Ўзбек халқ мақоллари)

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар

Кредит сўзининг луғавий маъноси нимани англатади?

Судхўрлик кредитининг пайдо булиш сабаби нимада?

Кредит- қандай иктисодий муносабатлар йигиндиси булиб ҳисобланади?

Кредитнинг мохияти нимада?

Кредитнинг зарурати нимада?

Кредитнинг субъектлари кимлар?

Кредитнинг объекти нима?

Қандай бўш пул маблағларидан кредит ресурслари сифатида фойдаланилади?

Кредитнинг энг муҳим вазифалари нималардан иборат?

Кредитнинг кайси тамоилларига риоя этилади?

Кредитнинг кайтариб беришлик тамоилидан мақсад нимада?

Кредитнинг муддатлилиқ тамоилидан мақсад нимада?

Кредитнинг таъминлаганлик тамоилидан мақсад нимада?

Кредитнинг туловлилик тамоилидан мақсад нимада?

Кредитнинг мақсадлилиқ тамоили нимага талаб қилинади?

Кредитнинг самарадорлик тамоили қандай иқтисодий самара беради?

2. КРЕДИТНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКИЛЛАРИ

Асосий тушунчалар

Кредитларни таснифлаш

Қисқа муддатли

Узоқ муддатли

Кредитнинг турлари

Муддатли кредитлар

Муддати узайтирилган кредитлар

Муддати ўтган кредитлар

Тижорат кредити

Товар кредити

Лизинг кредити

Банк кредити

Ипотека кредити

Истеъмол кредити


Давлат кредити

Халқаро кредит
Ломбард кредити
Судхурлик кредити

2.1. Кредитнинг турлари ва уларнинг таснифланиши

Кредитларни таснифлаш (классификациялаш) деганда уларни у ёки бу белгиларига қараб гуруҳлаш тушунилади. Кредитлар қуйидагича таснифланади:

I.Кредитлар берилиш муддатига қараб қуйидаги турларга бўлинади:



Бирқатор мамлакатларда кредитлар берилиш муддатларига қараб қуйидагича таснифланилади

Муддат Лари	Россия	АҚШ	Англия	Франция	Ўзбекистон
1.Қисқа муддатли	1 йилгача	1 йилгача	3 йилгача	1 йилгача	1 йилгача
2.Ўрта муддатли	1-3 йилгача	1-6 йилгача	3-10 йилгача	1-7 йилгача	
3.Узоқ муддатли	3 йилдан ортиқ	6 йилдан ортиқ	10 йилдан ортиқ	7 йилдан ортиқ	

Қисқа муддатли кредитлар 1 йилгача бўлган муддатга берилади. Бундай кредитлар асосан, товар-

моддий бойликларни сотиб олиш ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун сарфланади.

Ўрта муддатли кредитлар (бирқатор мамлакатларнинг кредит бериш муддатларидан келиб чиққан ҳолда) одатда 1 йилдан 7 йилгача муддатга берилади ва асосан, ишлаб чиқариш жиҳозларини сотиб олиш, созлаш ҳамда уларни таъмирлаш учун сарфланади.


Ўзбекистонда ҳозирда банк амалиётида ўрта муддатли кредитлар муддатларига қараб таснифланмайди. Республикамиз банк амалиётида ўрта муддатли кредитлар тоифаси мавжуд эмас (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2004 йил 17 июлдаги 478-сонли йўриқномасига асосан республикамиз банк амалиётидаги ўрта муддатли кредитлар тоифаси бекор қилинди).

Узоқ муддатли кредитлар 3 йилдан ортиқ муддатга берилади. Бундай кредитлар бино ва иншоотлар қуриш, асбоб-ускуналар ва технологиялар сотиб олиш, ишлаб чиқариш воситаларини қайта жиҳозлаш ва капитал таъмирлаш учун сарфланади.

Иқтисодиётда инфляция юқори суръатларда мавжуд бўлса, узоқ муддатли кредитлар бериш мақсадга мувофиқ эмас. Сабаби кадрли пулда берилган кредит, кадрсиз пулда қайтарилади. Қарз берувчи ютқазади. Ўзбекистон тижорат банклари томонидан 1999-2001 йилларда инвестицияга йўналтирилган кредитларнинг умумий кредит қўйилмаларидаги салмоғи 58 фоиздан 74 фоизга ўсган бўлса, 2010 йил мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан

қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан 3 трлн. 250 млрд. сўмдан зиёд ёки 2009 йилга нисбатан 35 фоизга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

II. Кредитлар қайтарилиши муддатига қараб қуйидаги турларга бўлинади:




Муддатли кредитлар деганда ҳали қайтариш муддати етиб келмаган кредитлар тушунилади.

Муддати узайтирилган кредитлар. Иқтисодиётда шундай ҳолатлар юз берадики, қарз олувчи айрим сабабларга кўра олган кредитни шартномада белгиланган муддатда қайтариш имкониятига эга бўлмайди. Бундай ҳолларда қарз олувчи аввалдан қарз берувчига кредитни ўз муддатида қайтара олмаслик сабабларини кўрсатган ҳолда, кредит муддатини узайтиришни сўраб мурожаат қилади. Агар қарз берувчи кўрсатилган сабабларни узрли ҳисоблаб, розилик берса, кредит муддатини узайтириш тўғрисида қўшимча шартнома тузилади. Акс ҳолда бундай кредит муддати ўтган кредит ҳисобланади.

Муддати ўтган кредитлар деганда кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтарилмаган ва қайтариш муддати узайтирилмаган кредитлар тушунилади. Бундай ҳолларда кредит берувчи кредитни

ундириб олиш учун кредит бериш чоғида расмийлаштирилган чоралардан фойдаланади. Агар қарз олувчининг мол-мулки гаровга олинган бўлса, уни «ким-ошди» савдосига қўйиб сотилади ва кредит қопланади. Агар кредит суммаси суғурталанган бўлса, суғурта компаниясидан, кафолатланган бўлса кафолат берувчидан ундириб олинади.

III. Кредитлар ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнига қараб куйидаги турларга бўлинади:



- айланма фондларни тўлдириш учун сарфланадиган кредитлар. Бундай кредитлар хом-ашё, материаллар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар ва бошқаларни сотиб олиш учун сарфланади;
- асосий фондларни қуриш ва таъмирлаш, сотиб олиш, созлаш, жиҳозлаш ҳамда қайта жиҳозлаш ва бошқаларга сарфланадиган кредитлар;
- муомала фондига сарфланадиган кредитлар. Бундай кредитлар тайёр ва ярим тайёр маҳсулотларни сақлаш, қадоклаш, ташиш ва сотиш билан боғлиқ ҳаракатларга йўналтирилади.

IV. Таъминланганлик нуқтаи назаридан кредитлар бевосита таъминланган, учинчи шахслар

воситасида таъминланган ва таъминланмаган кредитларга бўлинади.

V. Тўланадиган **фоиз даражасига** қараб ўртача (нормал) фоизли, паст фоизли ва фоизсиз (имтиёзли) кредитларга бўлинади.

А: Кредитлар бошқа белгиларига қараб ҳам таснифланиши мумкин.

2.2.Кредит шакллари ва уларнинг хусусиятлари.

Кредит муносабатларининг субъектлари ва объектларига, фоиз ставкаси ва ҳаракат доирасига қараб кредитнинг қуйидаги мустақил шакллари амалиётда қўлланилиши мумкин:

- 1.Тижорат кредити:
 - 1.1.Товар кредити
 - 1.2.Лизинг кредити
- 2.Банк кредити
 - 2.1.Ипотека кредити
- 3.Истеъмол кредити.
- 4.Микрокредит
- 5.Давлат кредити
- 6.Халқаро кредит
- 7.Ломбард кредити
- 8.Судхўрлик кредити

1. Тижорат кредити кредит муносабатларининг илк шаклларида бири бўлиб, вексел муомаласини келтириб чиқарган ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг

ривожланишига ёрдам берган. Тижорат кредити фақат товар шаклида берилади.


Тижорат кредитида қарз берувчи сифатида мол етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона, қарз олувчи сифатида эса мол сотиб олувчи ёки хизматдан фойдаланувчи корхона иштирок этади.

Тижорат кредити корхоналар ўртасида товар ва хизматларнинг тўлов муддатини кечиктириш орқали сотилишида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда товарлар ва хизматлар **насияга** сотилади. Тижорат кредитида фоиз ставкаси очиқчасига белгиланмайди, балки насияга сотилган товарлар баҳосига қўшилади. Масалан, агар товар 10000 сўм нақд пулга сотиладиган бўлса, насияга эса 10500 сўмга сотилади. Бу ҳолда кредит фоизи 500 сўм яъни 5 % ни ташкил этади.

1.2.Тижорат кредитининг яна бир шакли лизингдир. «Лизинг» инглизча сўз бўлиб, маъноси «ижарага бермоқ» дир. Лизинг объектлари бўлиб узоқ муддат ишлатиладиган ишлаб чиқариш воситалари, яъни заводлар, фабрикалар, иншоотлар, транспорт воситалари (Кемалар, самолётлар, автомашиналар), тракторлар, комбайнлар, станоклар, жиҳозлар ва бошқа асосий фондлар ҳисобланади. Лизингнинг оддий ижарадан фарқи шундаки, лизинг объектининг баҳоси ундан фойдаланиш вақтида тўланган ижара ҳақи ҳисобига камайиб боради. Маълум муддат ўтгач, ижарага олувчи лизинг объектини қолдик қиймати бўйича сотиб олиши мумкин бўлади.

Лизинг опрасияларида ижарага берувчи сифатида лизинг компаниялари ва фирмалари ҳамда тижорат

банклари, ижарага олувчи сифатида эса саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, транспорт корхоналари ва аҳоли иштирок этади. Лизинг операциясини қуйидаги мисолда кўриш мумкин:



Тижорат банклари Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолиятлари тўғрисида”, “Лизинг тўғрисида”ги қонуни, “Фуқаролик кодекси” ва Марказий банкининг меъёрий ҳужжатлари асосида лизинг амалиётларини амалга оширади.

Молиявий лизинг - бу ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, бунда бир томон (лизинг олувчи) нинг топшириғига биноан учинчи томонидан (сотувчидан) мулк (лизинг объекти) ни лизинг шартномасида белгиланган шартларда лизинг олувчига тўлов асосида фойдаланиш ва эгалик қилиш учун ҳамда кейинчалик лизинг олувчининг хусусий мулкига ўтиши шarti билан бериш мақсадида сотиб олади.

Лизинг шартномасида икки томонлама келишув асосида, лизинг - олувчига мулк сотиб олиш ҳуқуқи, шартнома амал қилиш муддати тугамасдан олдин ёки лизинг шартномаси муддати тугаганидан сўнг, лизинг олувчи лизинг объектини қатъий белгиланган баҳода сотиб олиш шarti билан берилиши мумкин.

Лизинг хизматлари юридик шахс мақомига эга бўлган молиявий барқарор хўжалик субъектларига, якка

тартибдаги тадбиркорларга ва жисмоний шахсларга (банк Кенгашининг рухсати асосида бюджет, бюджетдан ташқари фондлар, жамият ва жамоачилик ташкилоти ҳамда уюшмаларга) банк томонидан лизинг объектини сотиб олиш учун сарфланган маблағларининг қайтаришлик, тўловлилик, муддатлилик ва таъминланганлик шарти билан кўрсатилади.

Лизингда томонлар келишуви бўйича қонунчиликда белгиланган чегаралардаги амортизациянинг жадаллаштириш коэффицентини қўллашга рухсат этилади.

Лизинг объекти ноликвид, ўз хусусиятлари ёки бозор конъюнктурасига мос келмаганлиги сабабли унинг сотилиши қийин бўладиган тақдирда лизинг шартномаларини тузишга ва уни ижро этишга рухсат этилмайди.

Лизинг берувчи бўлиб банкнинг ўзи ёки унинг филиаллари бўлиши мумкин.

Лизинг берувчи – лизинг олувчи ва сотувчи лизинг амалиётининг субъектларидир.

Лизинг берувчи – тижорат банки лизинг фаолиятини амалга оширади.

Лизинг олувчи - лизинг шартномаси бўйича лизинг объектига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун оладиган юридик шахс, якка тартибдаги тадбиркор.

Ишлаб чиқарувчи (сотувчи) - юридик шахс, бевосита ишлаб чиқарувчи ва лизинг объектини сотилишини амалга оширувчи, шунингдек сотувчи корхона, ишлаб

чиқарувчининг ҳуқуқи ва жавобгарлиги асосида ўзи иштирок этмаган ҳолда лизинг мулкларини сотади.

Лизинг объекти бўлиб, ер майдонлари ва бошқа табиат объектларидан ташқари, истеъмол қилинмайдиган ва тадбиркорлик фаолиятида ишлатиладиган буюмлари чиқади.

Шу жумладан лизинг объекти бўлиши мумкин:

- мини заводлар ва ҳар ҳил турдаги хом ашёни қайта ишловчи цехлар;

- ҳалк хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчи ускуналар;

- қишлоқ хўжалиги ва қурилиш техникаси;

- транспорт ва алоқа воситалари, оргтехника;

- бошқа турдаги ускуналар ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган мулклар.

Лизингнинг асосий таъминот тури бўлиб, лизинг учун бериладиган мулк ҳисобланади. Лизинг берувчи лизинг олувчидан лизинг шартномаси билан боғлиқ ҳаражатларга сарфланган маблағларининг қайтишини кафолати сифатида, шу жумладан, гаров, банк кафолати ёки учинчи шахс кафиллиги шаклларидаги таъминот талаб қилиниши мумкин.

Республикамізда тижорат банкларининг лизинг операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2006 йил 21 октябрдаги 25/6-сонли қарори билан тасдиқланган “Тижорат банкларида лизинг операцияларини амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия

хисобини юритиш тартиби тўғрисида”ги Низоми асосида амалга оширилади ва тартибга солинади. Ўзбекистондаги лизинг операциялари ҳажми 2003 йилдаги 37,9 млн. АҚШ долларидан 2008 йилда 266,2 млн. АҚШ долларига етди¹.

Халқаро молия корпорацияси, Ўзбекистон лизингга берувчилар ассоциацияси ва «Prime Rating» рейтинг агентлиги томонидан амалга оширилган таҳлилларнинг натижалари шуни кўрсатадики, лизинг операцияларининг ривожланиш даражаси мамлакатимиз минтақаларида жуда паст:

- 2008 йилда республикамиз бўйича амалга оширилган лизинг операцияларининг 31,0 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келди;


- 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига, мамлакатимизда мавжуд бўлган 29 та лизинг компаниясидан фақат 5 таси – «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг», Ўзавтосаноатлизинг, Пахтализинг, Қурилиш лизинг, Alfa Lizing – республиканинг барча минтақаларида лизинг битимларини амалга оширган;

¹ «www. Ifc.org» сайти маълумотлари.

- лизинг кредитлари бериш амалиётига эга бўлган 20 та тижорат банкдан фақат 3 таси – Асака банк, Ипотека банк ва Микрокредитбанк – республикамизнинг барча минтақаларида лизинг операцияларини амалга оширмоқдалар.

2. Кредит шакллари ичида энг кенг тарқалгани банк кредитидир. **Банк кредити** фақат пул шаклида берилади ва **ссуда** дейилади. Банк кредитида қарз берувчи сифатида банк муассасалари чиқади. Банклар турлича бўлиб, улар таркибига марказий, тижорат, инвестиция, ипотека, жамғарма, халқаро ва ихтисослашган банклар киради.

Банкларнинг кредитга бериладиган пул маблағлари уларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардан ташкил топади. Банклар ўз фаолиятларида корхоналар, ташкилотлар ва аҳолининг вақтинчалик бўш пул маблағларини маълум ҳақ тўлаш (фоиз) эвазига депозитлар ва омонатлар сифатида жалб қиладилар. Банклар бу маблағларни ўз номларидан кредит сифатида беришлари мумкин. Қарз олувчилар сифатида эса турли тармоқлар ва соҳаларда фаолият кўрсатувчи корхоналар, ташкилотлар фирмалар, давлат идоралари ва аҳоли катнашади.



Қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилади. Банк кредити бўйича олинадиган даромад ёки ставка томонлар ўртасида келишилади ва банк фоизи ёки ссуда фоизи шаклида бўлади. Биз аввал кўриб чиққан кредит тамойиллари ва кредит турлари, асосан, банк кредитига тегишлидир.

Республика тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамланиши уларнинг кредитлаш салоҳиятининг ошишига олиб келди. Банкларнинг иқтисодиёт реал секторига йўналтирилган кредитлари қолдиғи 34,8 фоизга ошди ва 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра 11 трлн. 539,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Уларнинг узоқ муддатли кредитлари қолдиғи 2010 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 35,2 фоизга ошиб, жами кредит қуйилмаларидаги салмоғи 78,6 фоизни ташкил қилди.

2010 йил мобайнида корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадларига тижорат банклари томонидан 3 трлн. 250 млрд. сўмдан зиёд ёки 2009 йилга нисбатан 35 фоизга кўп инвестицион кредитлар ажратилди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини банкларга жалб этиш борасидаги чора-тадбирлар натижасида аҳолининг банклардаги омонатлари қолдиғи 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига нисбатан 1,5 баробарга кўпайди

ва 2011 йил 1 январ ҳолатига 4446,9 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057-сонли Фармониға мувофиқ, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъий назар, тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан қафолатланганлиги аҳолининг банк тизимиға бўлган ишончини мустаҳкамланишиға хизмат қилди.

2.1 Банк кредити турларидан бири **ипотека кредитидир**. Ипотека кредити кўчмас мулклар, яъни ер, бинолар, иншоотлар ва бошқаларни гаровға олиш йўли билан узоқ муддатға берилади. Бундай кредитлар ерларни ўзлаштириш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шунингдек ишлаб чиқариш ва турар-жой биноларини қуриш мақсадларида берилади. Ҳозирда Ўзбекистонда ипотека кредити Ўзбекистон Республикасида 2006 йил 4 октябрдан қабул қилинган Ипотек тўғрисидаги Қонунға биноан берилмоқда ва бундай кредитлар билан «Ипотека банк» ва бирқатор банклар шуғуланмоқда.

3. **Истеъмол кредитида** қарз берувчи сифатида банклар билан бир қаторда товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар, қарз олувчи сифатида эса аҳоли иштирок этади. Истеъмол кредити товар ва пул кўринишида берилади ҳамда аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун хизмат қилади. Пул шаклидаги истеъмол кредити банклар томонидан, товар шаклидагиси эса савдо корхоналари томонидан тўлов муддатини кечиктириш орқали берилади.

Истеъмол кредити аҳолига уй-жой қуриш ва сотиб олиш, узоқ муддат фойдаланадиган товарлар, автомобиллар, мебел, аудио-видео техника ва шу кабиларни сотиб олиш, шунингдек таълим олиш ва даволаниш каби мақсадлар учун берилади.

Истеъмол кредити хорижда жуда кенг тарқалган бўлиб, ундан аҳолининг барча қатламлари кредит карточкалари тизими воситасида фойдаланади.

Ўзбекистонда 2006 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Истеъмол кредити тугрисида”ги Қонунга биноан барча банкларда истеъмол кредити, 2001 йилдан бошлаб, шартнома бўйича пул тўлаб таълим олаётган талабалар учун «Таълим Кредитлари» ҳам жорий этилди. Таълим кредитлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги “Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш” тўғрисидаги 318 сонли қарори ва унга илова “Олий ўқув юртларида тўлов контракт асосида ўқиш учун таълим кредитларини бериш тўғрисида”ги Низомига асосан берилади.

Таълим кредитлари тижорат банклари филиаллари томонидан олий таълим муассасаларининг кундўзги бўлимларига тўлов-контракт асосида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқороси бўлган талабаларнинг ўқиши учун талабаларнинг ўзларига, уларнинг ота-оналарига ёки васийларига берилиши мумкин.

Таълим кредитлари, олий таълим муассасаларида ўқиш даври ҳисобга олган ҳолда, бакалавриятга ўқишга қабул қилинган талабаларга 10 йилгача, магистратурага ўқишга қабул қилинган талабаларга 5 йилгача бўлган муддатга берилади. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ даври бу муддатга кирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сонли қарорига мувофиқ банк филиаллари томонидан берилган таълим кредитлари бўйича қуйидаги фоиз ставкалари белгиланади:

-чин етимларга, “Меҳрибонлик уйлари”да тарбияланганларга ҳамда болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига-ноль фоиз ставкаси (фоизсиз кредит);

-талабаларнинг қолган тоифаларига - Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасидан юқори бўлмаган ўзгарувчан фоиз ставкалари.

Кам таъминланган оилалардан бўлган талабалар учун кредит бўйича қўшилган фоизларнинг 50 фоизи меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари томонидан иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан тўланади.

Таълим кредитлари бўйича фоиз ставкаси ва банк филиаллари томонидан қўшиладиган фоизлар учун тўловлар миқдори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгаришига қараб ўзгариши мумкин, бу кредит шартномасида қайд этилиши керак.

Банкка таълим кредитини олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

1. Таълим кредити олиш тўғрисида ариза.

2. Талаба ва олий таълим муассасаси ўртасидаги тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақида белгиланган тартибда расмийлаштирилган шартнома (контракт). Контрактда ўқишнинг белгиланган муддати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим. Ўқиш учун тўлов миқдори кейинги йилларда ўзгарган ҳолларда контрактларга тегишли ўзгартиришлар киритилади, бу ҳақда олий таълим муассасаси ўн кун муддатда банкка ёзма равишда маълум қилади, сўнгра қарз олувчи, банк ва олий таълим муассасаси ўртасидаги кредит шартномасига зарур ўзгартиришлар киритилади.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан қарз олувчининг яшаш жойи тўғрисида берилган маълумотнома.

4. Кредитни қайтаришининг таъминланиши тўғрисида ҳужжат:

Агар учинчи шахс томонидан кафиллик берилса, аввал кафилнинг молиявий аҳволи ва тўлов қобилияти ўрганилиб чиқилади ва сўнгра кафил билан шартнома тузилади. Кафиллик шартномаси кредитнинг тўлик суммасини ва унинг фоизларини ўзида жамлаб олиши лозим. Агар кафиллик берувчи юридик шахс бўлса, унда кафиллик шартномасида:

■ кафилнинг банк ҳисоб рақами аҳволи тўғрисида маълумот;

■ кафилнинг бошқа банкдаги ҳамма банк ҳисоб рақамлари ҳамда ундаги қолдиқлари билан бирга кўрсатилган маълумотнома;

■ кафилнинг банк олдида ссуда бўйича ва бошқа қарзлари йўқлиги тўғрисидаги кўрсатма;

■ кафилда картотека №2 йўқлиги тўғрисидаги маълумотномалар илова қилинади.

Агар кафиллик берувчи жисмоний шахс бўлса, албатта унинг иш жойидан иш ҳақининг ҳажми ва бошқа тўловлар ҳақида маълумот ҳамда паспорти бўлиши керак.

5. Суғурта компаниясининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслиги хавфи суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси. Бунда суғурта мукофоти суммаси нафақат кредит суммасини қоплаши керак, балки унинг фоизларини ҳам. Суғурта полисида банк суғурта мукофотини олувчи эканлиги аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Шунингдек, суғурта полиси бўйича суғурта тўлови тўланганлиги тўғрисидаги исботловчи кўрсатмани кўрсатиши керак;

6. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги(фақат чин етимлар ва “Меҳрибонлик уйлари” да тарбияланганлар, болаликдан I ва II гуруҳ ногиронлари ва кам таъминланган оилалардан чиққанлар учун).

Қарз олувчи юқоридаги ҳужжатларни банкка тақдим этиш билан айтиш бир вақтда паспортни шахсан ўзи кўрсатади. Банк паспортдан ва тақдим этилган бошқа ҳужжатлардан зарур кўчирмалар ва нусхалар олишга ҳақлидир.

4.Микрокредит Микрокредит - қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдоридан ошмайдиган пул маблағидир.

Бошланғич (старт) сармоясини (капитални) шакллантириш учун микрокредитлар:

- юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда;

- микрофирмалар ва дехқон хўжаликлари учун (юридик шахс мақомига эга бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваригача миқдорда;

- фермер хўжаликлари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваригача миқдорда берилади.

Бюджетдан ташқари жамғарма кредит линияси - бюджетдан ташқари жамғарма томонидан кичик бизнес субъектларини мақсадли асосда кредитлаш учун тижорат банкларига уларнинг балансида унинг суммасини акс эттирган ҳолда ажратиладиган маблағлар.

“Махсус имтиёзли кредитлаш жамғармаси” - кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига имтиёзли кредитлар, шунингдек, микрокредитлар бериш мақсадида ташкил қилинган жамғармадир. Имтиёзли кредит бериш жамғармаси ҳисобидан бериладиган микрокредитлар бўйича фоиз ставкалари микрокредит берилган кундаги Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади.

Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан кредитлаш Марказий банкнинг Адлия вазирлигида 2006 йил 8 августда 1308-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига бюджетдан ташқари жамғармалар ва Микрокредитбанк кредит линиялари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан амалга оширилади.

5. Давлат кредитининг асосий хусусияти кредит муносабатларида давлатнинг қатнашувидир. Давлат кредитида давлат қарз берувчи ва қарз олувчи сифатида ҳам иштирок этиши мумкин.

Давлат қарз берувчи сифатида молия вазирлиги, Марказий банк ёки бошқа идоралар орқали иқтисодийнинг у ёки бу соҳаларини жадал ривожлантириш мақсадида тижорат банклари ва корхоналарга **марказлаштирилган кредит ресурслари** ажратади. Бундай кредитлар, одатда, имтиёзли кредитлар бўлиб, жуда паст фоизларда ёки фоизсиз берилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида нефт ва газ саноатини ривожлантиришга, олтин ва нодир металллар қазиб олиш ва қайта ишлаш корхоналарига, ғалла ва пахта етиштиришга марказлаштирилган кредитлар ажратилди. Хозирда бундай кредитлар асосан, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ажратилмоқда.

Давлат ўз ҳаражатларини ўз даромадлари ҳисобидан қоплай олмай қолган тақдирда, яъни бюджет камомadini қондириш мақсадида банклар, корхоналар ва

аҳолидан қарз олади. Давлат ўз идоралари томонидан давлат облигасиялари ва заёмлари, давлат хазина мажбуриятлари, давлат қисқа муддатли облигасиялари каби қийматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали корхоналар, банклар ва аҳолининг пул маблағларини йиғади. Бу маблағлар давлат қарзи ва бюджет камомадини қоплашга сарфланади.

6. Кредит муносабатларининг халқаро миқёсда, яъни мамлакатлар ўртасида амалга оширилиши **халқаро кредитни** юзага келтиради. Халқаро кредитнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, қарз берувчилар ва олувчилар бошқа-бошқа мамлакатларда фаолият кўрсатадилар. Қарз берувчи ва қарз олувчилар сифатида давлатлар, давлат идоралари, банклар, компаниялар, фирмалар, халқаро ва минтақавий молия-кредит ташкилотлари қатнашадилар. Халқаро кредит товар ва валюта шаклида берилади. Халқаро кредит асосан, ривожланган давлатлар, халқаро молия-кредит ташкилотлари, йирик компаниялар, фирмалар ва банклар томонидан ривожланаётган мамлакатларга берилади.

Ҳозирда Ўзбекистон иқтисодиётида АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Исроил, Жанубий Корея ва бошқа мамлакатлар, Халқаро валюта фонди, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осие тараққиёт банки, Халқаро молия корпорасияси каби халқаро молия-кредит ташкилотлари томонидан берилган кредитлардан фойдаланилмоқда. Халқаро молия институтлари ва хорижий давлатлар ҳукуматларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш
мақсадларига қуйидаги ҳажмда жалб этиш
режалаштирилган:

75 млн. долл. – 2011 йилда
90 млн. долл. – 2012 йилда
110 млн. долл. – 2013 йилда
130 млн. долл. – 2014 йилда
155 млн. долл. – 2015 йилда

7. **Ломбард кредити** деганда осон ва тез сотиладиган, кўзгалувчан мол-мулкни гаровга олиш орқали қисқа муддатга бериладиган кредит тушунилади.

Ломбард кредитини олиш учун қарз олувчи ўз мулкни ломбард муассасасига олиб бориб гаровга қўяди. Бундай мулклар қаторига қимматбаҳо металллар ва тошлардан тайёрланган заргарлик буюмлари, идишлар, санъат асарлари, қадимий ва ноёб қимматбаҳо ашёлар, аудио-видео аппаратура, қимматбаҳо қоғозлар ва бошқалар кириши мумкин. Гаровга қўйилган мулк қиймати мутахассис томонидан баҳоланади. Қимматбаҳо қоғозлар қиймати эса биржа курси бўйича аниқланади. бериладиган кредит суммаси гаровга қўйилган мулк қийматининг белгиланган қисмини ташкил этади. Масалан, қимматбаҳо металллар ва тошлар бўйича – 90 % гача, бошқа мулклар бўйича – 75 % гача, қийматли қоғозлар бўйича – 50 % дан 80 % гача.

Ломбард кредити 3-4 ойгача берилади. Агар кредит олувчи белгиланган муддатда кредитни қайтарса, гаровга

кўйилган мулк унга қайтариб берилади. Агар кредит қайтарилмаса, мазкур мулк ломбард мулкига айланади.

Ҳозирда хорижий мамлакатларда ломбард кредитидан кенг фойдаланилади. Ломбард муассасалари деярли барча шаҳарларда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда ҳозирда 58 та ломбардлар булиб улар асосан Тошкент шаҳри ва барча вилоят марказлари ҳамда йирик шаҳарларида фаолият кўрсатган. Жумладан Самарканд шаҳрида “Хазина холд” ва “Малахит” ломбард ташкилотларини мисол келтириш мумкин.

8. Судхўрлик кредити Кредитнинг энг қадимий шаклидир. Судхўрлик кредити барча мамлакатларда кенг тарқалган. Амалда судхўрлик кредити расмий идоралар томонидан тегишли рухсатномага эга бўлмаган кишилар ва корхоналар томонидан маблағларни вақтинча фойдаланиш учун Берилади.

Судхўрлик кредити учун тўланадиган фоиз қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасида келишилган ҳолда белгиланади ва одатда жуда юқори фоизларда берилади. Унинг даражаси ойига 10-15 %, айрим ҳолларда ундан ҳам юқори бўлади. Миллий кредит тизими ривожланиб борган сари барча тоифадаги қарз олувчилар эҳтиёжлари тобора тўларок қондирилиши натижасида судхўрлик кредити йўқолиб боради.

1995 йилдан бошлаб Ўзбекистонда махсус нобанк Кредит ташкилотлари ташкил қилинмоқда. Бозор иқтисодига ўтишни тезлаштириш, корхона ва ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш мақсадида махсус молия-кредит муассасалари – «Бизнес-фонд»,

«Мадад» суғурта компанияси, Хусусийлаштириш Инвестисия Фондлари ва бошқалар ташкил қилинди. Бу муассасалар ҳам ўз навбатида ишлаб чиқарувчиларга кредит маблағлари ажратмоқдалар.

Юқорида кўриб ўтилган кредит шаклларидан ташқари иқтисодиётда кредитнинг бошқа шакллари ҳам учраб туради. Масалан, кредит кооперативлари, ва ўзаро ёрдам кассалари томонидан бериладиган кредитлар.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш ва уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда кредит бозорида ўзаро рақобатни кучайтириш мақсадида 2002 йилда «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Кредит уюшмалари кичик тадбиркорларнинг бошланғич даврда кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳозирда 58 та ломбардлар, 35 та кредит ташкилотлар ва 119 та кредит уюшмалари фаолият кўрсатмоқда.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар

Кредитларни таснифлашнинг ахамияти нимада?

Кредитнинг берилиш муддатига қараб неча турларга булинади?

Кредитлар қайтарилиш муддатига қараб қандай турларга булинади?

Кредитларни ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнига қараб қандай сарфланади?

Кредитнинг қандай шаклларида амалиётда қўлланилади?

Тижорат кредити қандай шаклда берилади?

Микрокредитлар қанча миқдордан берилади?

Товар кредитида товарлар ва хизматлар қандай берилади?

Лизинг кредитида объектларига нималар қиради?

Банк кредити қандай шаклда берилади?

Ипотека кредитида нималар гаровга қўйилиб берилади?

Истемол кредитида қимматли иштирок этади?

Таълим кредити бериш тартиб қоидалари ҳақида фикр берин.

Давлат кредитининг асосий хусусиятлари нимада?

Халқаро кредитнинг юзага келишдан мақсад нимада?

Синдикатлашган кредитлар беришдан

Ломбард кредитида гаровга нималар қўйилади?

Судхурлик кредити амалда қандай қўлланилади?

3. КРЕДИТ ХАВФ-ХАТАРИ ВА УНИ БОШКАРИШ.

Асосий тушунчалар

Кредит хавф-хатари

Таваккалчилиги

Фоиз хавф-хатари

Таминлагнганлиги

Яхши кредитлар, стандарт кредитлар

Субстандари кредитлар

Шубхали кредитлар

Умидсиз кредитлар

3.1. Кредит хавф-хатари тушунчаси ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Фоиз хавф-хатари

Кредит муносабатларининг энг муҳим шarti
Кредитнинг қайтарилишини таъминлашдир. Ана шу

сабабли кредит берувчи кредит беришдан олдин, кредит олувчи фаолиятини атрофлича ўрганиб чиқади ва берилган кредитни тўлиқ, ўз муддатида қайтарилиши учун барча чора-тадбирларни кўради. Аммо ҳаётда кўрилган барча чора-тадбирларга қарамасдан кредитнинг қайтарилмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Натижада кредит берувчи зарар кўради, яъни берилган кредитга «куяди». Ана шу туфайли кредит муносабатларида «кредит ҳавф-хатари», яъни «таваккалчилиги», «фоиз ҳавф-хатари», кредитнинг «таъминланганлиги» каби тушунчалар вужудга келган.

Кредит ҳавф-хатари ёки таваккалчилиги деганда берилган кредитларни белгиланган муддатда қайтарилмаслиги натижасида кўриладиган зарар ҳавфи тушунилади.

Фоиз ҳавф-хатари деганда берилган кредитлар бўйича фоиз ставкалари даражаси ва ҳаракатининг ўзгариши натижасида кўриладиган зарар ҳавфи тушунилади.

Кредит ва фоиз ҳавф-хатарининг келиб чиқишига куйидагилар **асосий сабаб** бўлади:

- Кредит олувчининг иқтисодий аҳволи ёмонлашуви, унинг фаолиятида истеъмолчилар талаблари ўзгариши ҳамда ишлаб чиқариш ва савдода йўл қўйилган хатолар туфайли кўзда тутилмаган молиявий қийинчиликларнинг пайдо бўлиши;

- мамлакатда сиёсий ҳолатнинг ўзгариши, кутилмаганда иқтисодиётда рўй берадиган ислохотлар,

ишлаб чиқаришнинг тинчлик шароитидан уруш шароитларига ўтказилиши ва бошқалар;

- Кредит олувчининг виждонсизлиги, унинг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги лаёқатсизлиги, бошқарув таркибидаги ўзгаришлар ва бошқалар.

Кредит ва фойиз ҳавф-хатаридан химояланиш мақсадида кредит берувчи томонидан қуйидагилар амалга оширилиши лозим:

1. Кредит беришдан аввал кредит олувчининг тўловга лаёқатлилигини ўрганиш.
2. Кредит бериш чоғида бериладиган кредитлар бўйича етарли даражада таъминланганликни ҳосил қилиш.
3. Берилган кредитни мақсадли сарфланиши ва қарздор фаолияти устидан назорат қилиб бориш.
4. Кредитни ундириб олиш муддатини чўзмаслик, тезкорлик қилиш.

3.2. Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш усуллари

Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш деганда, олинган кредитни тўлашнинг аниқ манбаи ва ундан қарз берувчининг фойдаланиши, унинг етарлилиги, бутлиги ва яроқлилиги устидан назорат қилиш ҳуқуқи тушунилади.

Бошқача қилиб айтганда, кредитнинг таъминланганлиги кредит олувчи ўз мажбуриятларини бажармаган шароитда, кредит берувчининг мулкдорлик

манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлайди ва кредитни бирор гаров ёки молиявий кафолат асосида берилишини тақозо этади.

Аввалги мавзуларда кўриб ўтилган кредит шаклларида айримларининг таъминланиши тўғрисида тўхталамиз:

Ипотека кредити берилишида унинг таъминоти сифатида кредит олувчининг кўчмас мулклари - ер, бино, иншоотлар ва бошқалар гаровга олинади.

Ломбард кредити асосан қарз олувчининг тез ва осон сотиладиган, қўзғалувчан мулкларини – заргарлик буюмлари, қийматли қоғозлар, қимматбаҳо, ноёб, қадимий ва бошқа ашёларни гаровга олиш йўли билан берилади.

Истеъмол кредити эса, қарз олувчининг мол-мулкни гаровга олиш ёки унинг қариндош-уруғларининг ишонч хатлари асосида берилади.

Халқаро кредит муносабатларида таъминот сифатида қарз олувчи мамлакат ҳукумати кафолатлари, расмий олтин ва валюта резервлари, халқаро суғурта ташкилотлари суғурта ҳужжатлари ва бошқалардан фойдаланилади.

Банк кредити қуйидаги усуллар воситасида таъминланади:

-мол-мулк ва қийматли қоғозларни гаровга олиш орқали;

-суғурта компаниялари томонидан Кредит суммасини суғурталаш йўли билан;

-молиявий барқарор корхоналар, банклар ва фуқаролар томонидан бериладиган кафолатнома ва ишонч хатлари асосида.

Банклар ўзларининг энг ишончли мижозларига таъминланмаган, яъни «ишончли» кредитлар беришлари мумкин. Бундай мижозлар қаторига юқори рентабеллик даражасига эга бўлган, молиявий барқарор ва юқори даражада ўз капитали билан таъминланган корхоналар киради.

3.3. Кредитларнинг ҳавф-хатари даражасига қараб таснифланиши

Кредит берувчилар томонидан берилган кредитлар таснифлаб борилади ва кўрилиши мумкин бўлган зарарнинг олдини олиш ҳамда уни қоплаш бўйича чоратadbирлар кўрилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 11 июндаги 242-сонли “Активлар сифатини таснифлаш, тижорат банклари томонидан улар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун заҳираларни шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги йўриқномасига мувофиқ, заҳира ташкил

қилиш мақсадида кредитлар тўрт гуруҳга – стандарт, субстандарт, шубҳали ва умидсиз кредитларга бўлинади. Стандарт кредитлар суммасининг 10 фоизи миқдориди, субстандарт кредитларнинг 25 фоизи, шубҳали кредитларнинг 50 фоизи, 100 фоизи миқдориди фойда ҳисобидан заҳира шакллантирилади. Берилган кредитларнинг сифатини ёмонлашиши улардан кўриладиган заҳира ажратмаларини миқдорининг ошишига олиб келади. Бу эса, тижорат банкининг кредитлаш салоҳиятини пасайтиради. Шунингдек, муддати ўтган фоизлар ҳам тижорат банкининг фоизли даромади ва тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан балансдан ўчирилади.

Бу жараёни Ўзбекистон банклари томонидан берилган кредитлар мисолида кўриб чиқсак. Банклар берилган кредитларни ҳавф-хатари даражасига қараб «яхши», «стандарт», «субстандарт», «шубҳали», «умидсиз» ёки «ишончсиз» кредитлар деб баҳолайдилар.

Кредитларнинг ҳавф-хатар даражаси бўйича таснифланиши

№	Кредит тоифалари	Таъминланганлик даражаси	Кўриладиган зарар эҳтимоли	Заҳиряратиш даражаси
1.	Яхши	Юқори	-	-
2.	Стандарт	тўлиқ эмас	10 %	10 %
3.	Субстандарт	етарли эмас	25 %	25 %
4.	Шубҳали	Паст	50 %	50 %
5.	Умидсиз	Йўқ	100 %	100 %

Яхши кредитлар. Бундай кредитлар берилган мижозлар молиявий жиҳатдан барқарор, хўжалик обороти юқори даражада ўз капитали билан таъминланган, юқори самарадорлик кўрсаткичларига эга, дебитор ва кредиторлик қарзлари тўланиш муддати қисқа бўлади. Мазкур мижозлар аввал олган кредитлар ва фоиз суммаларини мунтазам равишда ўз вақтида тўлаб келганлар. Ушбу тоифадаги мижозларга берилган кредитларда қайтарилмаслик белгилари бўлмайди, яъни ҳар қандай гумондан ҳоли бўлади. Бундай мижозлар катта обрў-эътибор ва имкониятларга эгадирлар.

Стандарт кредитлар. Бундай кредитлар берилган мижозлар аввал олган кредитларини вақти-вақти билан ўз муддатида қайтара олмаганлар. Кредит муддатини узайтириш ҳоллари юз берган. Бундай мижозларнинг молиявий аҳволи барқарор, аммо вақтинчалик

кийинчиликлар бўлиб турган. Бундай мижозларга берилган кредитларни қайтарилмаслик ҳавфи кам, яъни «минимал» бўлади. Ана шу сабабли бу кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарар 10 % атрофида баҳоланади ва уни қоплаш учун мос равишда заҳира ташкил қилинади.

Субстандарт кредитлар. Бундай кредитлар берилган мижозлар ишончли молиявий барқарорлик ва юқори даражада тўлов қобилиятига эга бўлмайдилар. Аввал олинган кредитлар ва улар бўйича ҳисобланган фоиз суммаларини ўз вақтида тўламаслик ҳоллари юз берган. Субстандарт кредитлар бўйича 25 % кредитлар қайтарилмаслиги мумкин, деб хулоса қилиниши, кўрилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш учун 25 % заҳира ташкил қилинади.

Шубҳали кредитлар тоифасига тўлиқ таъминланмаган, қайтарилиш эҳтимоли кам кредитлар киради. Бундай кредит олган мижозларнинг молиявий аҳволи Беқарор бўлади. Улар фаолиятида аввал олган кредитларини ўз вақтида қайтармаслик ва кредит муддатларини узайтириш ҳоллари тез-тез рўй бериб турган. Бундай кредитларни қайтарилмаслик эҳтимоли юқори, аммо улар сифатига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар мавжудлиги сабабли йўқотилган деб ҳисобланмайди. Бундай кредитлардан кўрилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш учун 50 % миқдорида заҳира ташкил этилади.

Умидсиз ёки ишончсиз кредитлар тоифасига қайтарилиш эҳтимоли деярли йўқ бўлган, тўлиқ

таъминланмаган ва қайтариш муддати 360 кундан ошган Кредитлар киради. Бундай кредитлар бўйича кўриладиган зарарни қоплаш учун 100 фоиз миқдорида захира ташкил этилади ва банк фойдасидан қопланади.

2000 йил 1 январ ҳолатига Россия Федерацияси банклари томонидан берилган кредитлар умумий ҳажмида стандарт кредитлар салмоғи – 83,3 фоизни, ностандарт Кредитлар – 5,4 фоизни, шубҳали Кредитлар – 2,5 фоизни, умидсиз кредитлар эса 9,8 фоизни ташкил этди. ???

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар

Кредит хаф-хатари ёки таваккалчилиги деганда нима тушунилади?

Фоиз хаф-хатари деганда-чи?

Кредит ва фоиз хаф-хатари келиб чиқиш сабаблари нимада?

Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш қандай амалга оширилади?

Банклар кимларга «ишончли» кредитлар бериши мумкин?

Кредитнинг хаф-хатари даражасига қараб қандай баҳоланади?

Яхши кредитлар берилган кредитларга кимлар киради?

Стандарт кредитлар берилган миқдорлар кимлар?

Субстандарт кредитлар берилган миқдорларнинг ахволи қандай?

Шубҳали кредитлар тоифасига кимлар киради?

Умидсиз ёки ишончсиз кредитлар тоифасига кимлар киритилади?

4. ССУДА ФОИЗИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ

Асосий тушунчалар

Ссуда

Ссуда фоизи

Номинал ссуда

Сузиб юривчи ссуда

Реал ссуда

4.1. Ссуда фоизи тушунчаси ва унинг вазифалари

Ссуда деганда банкдан пул шаклида берилган кредит тушунилади. Ссуда фоизи (проценти) кредитнинг тўловлилик тамойилидан Келиб чиқади. Иқтисодий адабиётларда «ссуда фоизи», «қарз фоизи», «кредит фоиз ставкаси», оддийгина «фоиз» ёки «процент» каби

атамалар учраб туради. Уларнинг барчаси бир хил маънони билдиради.

Ссуда фоизи деганда кредитга олинган маблағлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ тушунилади. Бошқача қилиб айтганда, ссуда фоизи кредитнинг баҳосидир.

Ссуда фоизи бериладиган кредит суммасига нисбатан аввалдан фоизларда белгиланади. Ссуда фоизи даражаси эса ссуда фоизи суммасининг қарз микдорига нисбати билан аниқланади. Масалан, корхона банкдан олган 12 млн. сўм Кредит учун, ҳар ойда 600 минг сўмдан фоиз тўласа, ссуда фоизи даражаси 5 % ни ташкил этади, яъни:

$$\text{Сф.д} = \frac{600000\text{с}}{12\,000\,000} \cdot 100 = 5\%$$

Ссуда фоизи суммасини аниқлаш учун ссуда суммаси ссуда фоизи даражасига кўпайтирилади ва 100 га бўлинади:

$$\text{Сф.с} = 12000000\text{с} \cdot \frac{5}{100} = 600\,000\text{с}$$

Ссуда фоизи қуйидаги **вазифаларни** бажаради:

1. Ссуда фоизи кредит олувчининг ишлаб чиқариш ресурслари ва қарзга олинган маблағлардан унумлироқ фойдаланишга ундайди. Сабаби, ссуда фоизи суммаси кредит олувчи олган даромад ҳисобидан тўланади. Шу туфайли кредит олувчи кўпроқ даромад олишга ҳаракат қилади.

2. Ссуда фоизи олинадиган кредит миқдорини чегаралаб кўяди. Сабаби, кредит олувчи қанча кўп қарз олса, шунча кўп ссуда фоизи тўлайди ва аксинча, қанча кам олса, шунча кам тўлайди. Шунинг учун кредит олувчи ўзига зарур бўлган энг кам миқдордаги қарз олишдан манфаатдордир. У нисбатан камроқ маблағ сарфлаб, кўпроқ даромад олишга интилади.

3. Ссуда фоизи банклар ва бошқа махсус молия-кредит муассасаларининг асосий даромад манбаи ҳисобланади. Улар томонидан жалб этилган маблағлар, яъни депозит ва омонатлар учун тўловлар ҳам ана шу ссуда фоизи ҳисобидан амалга оширилади.

4.2. Ссуда фоизи турлари

Кредит турлари ва шакллари хилма-хил бўлгани каби, улар учун тўланадиган ссуда фоизлари ҳам турлича бўлади. Улардан айримларини кўриб чиқамиз:

1. Кредитни қайтариш чоғида бирдан тўланадиган ссуда фоизи. Масалан, кредит суммаси – 1000 000 сўм, муддати - 3 ой (90 кун), йиллик ссуда фоизи даражаси - 60 % (360 кун учун). Кредит олувчи кредит муддати битгач, Кредитни қайтаради ва 150 минг сўм ссуда фоизи тўлайди.

$$C_{ф.с.} = \frac{1000000 \text{ с} \cdot 60 \cdot 90}{360 \cdot 100} = 150000 \text{ с}$$

2. Кредит берилган муддатда 1 меъёрда тўлаб бориладиган ссуда фоизи. Юқоридаги мисолга

қайтадиган бўлсак, энди қарздор ссуда фоизини ойма – ой 50.000 сўмдан тўлаб боради.

$$C_{\text{ф.с.}} = \frac{1000000 \text{ с} \cdot 60 \cdot 30}{360 \cdot 100} = 50000 \text{ с}$$

3. Кредит берилаётган пайтда бирдан тўланадиган ссуда фоизи. Юқоридаги мисолга қайтамиз, фақат кредит муддати 1 ой (30 кун) деб оламиз. Бу ҳолда қарз олувчи аввалдан 1 ойлик ссуда фоизини, яъни 50000 сўм тўлайди ёки қарз берувчи кредит суммасидан 50000 сўм ушлаб қолиб (1000000 сўм–50000 сўм) 950000 сўм беради.

4. Қатъий белгилаб қўйиладиган ссуда фоизи одатда, кредит шартномаси амал қилган муддатда ўзгармасдан қолади. Бундай ссуда фоизларини **номинал** ссуда фоизи ҳам дейилади. Мазкур ссуда фоизи кредит берувчи манфаатларига зид келиши ҳам мумкин. Айниқса, инфлясия шароитида бунга йўл қўйилмайди.


5. Сузиб юрувчи, яъни ўзгарувчан ссуда фоизи. Бу ҳолда кредит берувчи томонидан ссуда фоизи ҳар ойда кредит ресурслари бозоридаги талаб ва таклифга қараб қайта ҳисоблаб борилади.

6. Реал ссуда фоизи деганда инфлясия даражасини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган ссуда фоизи тушунилади. Масалан, ойлик номинал ссуда фоизи – 5 %, ойлик инфлясия даражаси – 2 %. Бу ҳолда реал ссуда фоизи 7 % (5 %+2 %) ни ташкил этади.

4.3. Ссуда фоизига таъсир этувчи омиллар

Ссуда фоизи даражасига кўп омиллар таъсир этади, улардан асосийлари куйидагилардан иборат:

Ссуда фоизига таъсир қилувчи омиллар



1. Пул бозоридаги, яъни кредит ресурслари «ким ошди» савдосидаги (аукциони) кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклиф нисбати. Агар талаб орца, ссуда фоизи юқори ва аксинча таклиф кўпайса, ссуда фоизи паст бўлади. Ўзбекистонда кредит ресурслари «ким

ошди» савдоси 1995 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда, унда асосан тижорат банклари қатнашмоқдалар.

2.Кредитга олинадиган маблағларни ишлатишдан олинадиган фойда даражаси, яъни кредит самарадорлиги. Агар тадбиркор кредитни 10 % ҳисобидан олса-ю, уни ишлатиш 20 % фойда берса, у қарзни 12 % га ҳам олиши мумкин.

3.Кредит муддати ва шартлари. Агар кредит узок муддатга берилса ва уни қисмларга бўлиб тўлаш мумкин бўлса, ссуда фоизи юқори бўлади. Агар кредит қисқа муддатга берилса ва уни бирданига қайтариш лозим бўлса, ссуда фоизи даражаси паст бўлади.

4. Кредит қандай валютада берилганлиги. Агар кредит эркин муомаладаги валютада берилса, ссуда фоизи даражаси юқори бўлади ва аксинча эркин муомалада бўлмаган валютада берилса, ссуда фоизи даражаси паст бўлади.

5. Пулни муқобил ишлатиш имконияти. Агар пулни қарзга бериш ўрнига бошқача ишлатиш кўпроқ фойда келтирса, кредит таклифи қисқаради ва ссуда фоизи даражаси ортади.

6. Кредит ҳавф-хатари даражаси. Агар кредит ҳавф-хатари юқори бўлса, ссуда фоизи даражаси юқори белгиланади ва аксинча, ҳавф-хатар даражаси паст бўлса, ссуда фоизи даражаси ҳам паст даражада белгиланади.

7. Инфляция даражаси. Агар иқтисодиётда инфлясия даражаси юқори бўлса, ссуда фоизи ҳам юқори, аксинча инфлясия даражаси паст бўлса, ссуда фоизи даражаси ҳам паст бўлади.

8. Жалб қилинган маблағлар учун тўланадиган фоизлар даражаси. Агар депозит ва омонатлар учун тўланадиган фоизлар юқори бўлса, ссуда фоиз даражаси ҳам юқори бўлади.

9. Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Марказий банки тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар бўйича ссуда фоизининг энг юқори даражасини чегаралаб қўймоқда. Агар Марказий банк қайта молиялаштириш ставкаси ойига 12 % деб белгиланган бўлса, тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар учун ссуда фоизи ундан 1,5 баробарга кўп, яъни 13 % гача белгиланиши мумкин.

Ҳозирда Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан ссуда фоизлари белгиланаётганда юқоридаги омиллардан охириги учтаси эътиборга олинмоқда, яъни:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкаси;

- жалб эътилган маблағлар учун тўланадиган фоизлар даражаси;

- инфляция даражаси.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахамлаш учун саволлар

Ссуда деб нимага тушунилади?

Ссуда фоизи деб нимага айтилади?

Ссуда фоизи қандай белгиланилади?

Ссуда фоизи қандай вазифаларни бажаради?

Ссуда фоизининг турлари қандай?

Ссуда фоизига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?

5. КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

Асосий тушунчалар

Кредит сиёсати

Кредит буюртмаси

Кредитга лаёкатлилиқ

Кредит шарномаси

Кредит таъминоти

Кафолатнома

Ишонч хати

Суғурта полиси

5.1. Кредит бериш ва расмийлаштиришнинг умумий тартиби Тижорат банкларининг кредит сиёсати “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”, “Гаров тўғрисида”, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш

тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилнинг 15 январидаги “Банк тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 24-сонли, 2000 йилнинг 24 мартдаги “Банк тизимини ислоҳ қилишга доир кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ги 104-сонли, 2002 йилнинг 4 декабридаги “Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 422-сонли қарорига, Адлия Вазирлиги томонидан 2000 йил 2 мартда 905-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Низоми ва бошқа амалдаги меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилиб, тижорат банкининг молия йили мобайнида кредитлаш жараёнида юзага келувчи таваккалчилигини бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларининг кредит портфелини самарали бошқариш, шунингдек, мижозларни кредитлаш жараёнида кенг қамровли банк хизматларини кўрсатиш соҳасидаги асосий стратегия ва тактикасини белгилайди.


Кредит сиёсати тижорат банкининг даромадли ва барқарор фаолият юритиши, унинг рақобатбардошлигини ошириш нуктаи-назаридан оптимал, ҳар тарафлама мувозанатлашган кредит портфелини шакллантириш ҳамда кредитлаш жараёнида юзага келувчи банк таваккалчилигини бошқаришга йўналтирилади.

Кредит сиёсати тижорат банки стратегиясининг бир қисми сифатида **стратегик жиҳатдан**, кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан кўзлаган мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини, **тактик жиҳатдан** эса молиявий ёки бошқа воситаларни, кредит битимларини амалга оширишдан банкнинг стратегик мақсадларига эришиш йўналишларини ва қоидаларини ҳамда кредитлаш жараёнини ташкил этиш тартибини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Тижорат банклари кредит сиёсатининг асосий мақсади ва стратегияси. Кредит сиёсатининг биринчи навбатдаги мақсади мижозларнинг банк кредитларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, банкнинг ўз ва жалб қилинган маблағларини қулай шарт-шароитларда жойлаштириш орқали даромадлилигини ошириш, банк акциядорларининг юқори даромад олишларини таъминлаш, ликвидлик кўрсаткичларини меъёр талаблари даражасида ушлаб туриш, кредит портфелини диверсификациялаш орқали таваккалчиликлар (рисклар)ни камайтириш, кредитлаш жараёнларида қонун ва меъерий ҳукуқий ҳужжатларга риоя қилинишини таъминлашдан иборатдир.

Аввалги мавзуларда кўриб чиққан турли-туман кредит шаклларини бериш тартиби ҳам хилма-хил бўлади. Ҳар бир банк кредит бериш, расмийлаштириш ва қайтариб олиш тартибини, яъни **кредит сиёсатини** мустақил равишда белгилайди. Аммо шундай тартиб – қоидалар борки, уларни барча банклар ўз амалиётларида ҳеч бир ўзгаришсиз қўллаб келмоқдалар, уларни ўзгартиришга ҳожат ҳам йўқ. Биз қуйидаги чизмада кредит бериш ва расмийлаштиришнинг ана шу умумий тартибини кўриб чиқамиз:

Кредит бериш ва расмийлаштириш тартиби



5.2. Кредит бериш, расмийлаштириш ва қайтариш босқичлари

1. Кредит олувчи кредит олиш учун ўзи танлаган банкка **кредит буюртмасини** беради. Кредит буюртмасида кредит суммаси, муддати ва мақсади кўрсатилади, у Кредит олувчи томонидан имзоланади, ҳамда тасдиқланади.

2. Банк томонидан кредит олувчининг кредитга лаёқатлилиги ва сўралаётган кредит самарадорлигини баҳолаш мақсадида, унинг ўтган даврдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот ҳужжатлари талаб қилинади. Бундай ҳужжатлар таркибига йиллик ҳамда чораклик ҳисоботлар, бухгалтерия баланслари ва бошқалар киради.

Мижознинг **кредитга лаёқатлилиги** деганда, унинг олган кредитини ўз муддатида қайтара олиш қобилияти тушунилади. Кредитга лаёқатлиликни баҳолаш учун банк мутахассиси қарз олувчи тақдим этган ҳужжатлар асосида ўнлаб кўрсаткичларни аниқлайди. Бу кўрсаткичлар қаторига ликвидлик, қоплаш, ўз маблағлари, жалб этилган маблағлар, айланма маблағлар айланувчанлиги, самарадорлик коэффисиентлари ва бошқалар киради. Банк ана шу кўрсаткичлар ёрдамида қарз олувчининг молиявий ҳолатини баҳолаш билан

бирга, унинг моддий – техник таъминоти, ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш жараёнлари, шунингдек ҳамкорлар билан алоқаларини ўрганиб чиқади.

Банк кредитдан фойдаланиш самарадорлигини махсус ҳисоб-китоблар воситасида аниқлайди. Банк қарз олувчи кўрсаткичларини ижобий баҳолаган тақдирда, унга кредит бериш, шунингдек кредит суммаси, муддати ёки фоизини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

3. Банк томонидан кредит беришга қарор қилинган тақдирда қарз олувчи билан **кредит шартномаси** тузилади. Кредит шартномаси банк билан қарз олувчи муносабатларини белгиловчи асосий ҳужжат бўлиб, унда кредит суммаси, муддати, фоизи, мақсади, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартномани бажармаганлик ҳолларида кўриладиган жазо чоралари ҳамда бошқалар кўзда тутилади. Одатда, кредит шартномасига Кредитнинг қайтарилишини кафолатловчи, **кредит таъминоти** воситалари – гаров тўғрисидаги шартнома ёки кафолатнома ёки суғурта ҳужжатлари-илова қилинади.

Гаров тўғрисидаги шартнома банкка кредит қайтарилмаган тақдирда, гаровга қўйилган мулкни сотиш ва кредитни қоплаш ҳуқуқини беради.

Учинчи шахслар томонидан берилган **кафолатнома ёки ишонч хати** кредит қайтарилмаган тақдирда, улардан кредитни ундириб олишга асос бўлади.

Суғурта шартномаси ёки полиси кредит қайтарилмаган тақдирда, кредитни суғурталовчи ташкилот ёки компаниядан ундириб олиш воситасидир.

4. Барча зарурий ҳужжатлар расмийлаштирилгач, банк кредит олувчига кредит беради, яъни унга ссуда счётини очади. Ссуда счётида берилган кредит суммаси, унинг сарфланиши ва қайтарилиши акс эттирилади.

5. Банк томонидан берилган кредитдан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ва кредит шартномасида кўзда тутилган бошқа шартларнинг бажарилиши устидан жорий назорат амалга оширилади. Назорат ҳужжатлар орқали ёки бевосита кредит сарфланаётган жойга бориб қилинади. Бундан ташқари банк қарздорнинг молиявий фаолиятини кузатиб боради ва хавфли ўзгаришларни илғаб олишга ҳаракат қилади.

6. Кредит муддати тугагач қуйидаги ҳоллар юз бериши мумкин:

6 А.Кредит ўз вақтида қайтарилмайди, фоизлар тўланади. банк ҳам, кредит олувчи ҳам хурсанд, улар бундан кейин ҳам ҳамкорлик қилишлари мумкин.

6 Б.Кредит қайтарилмади ва фоизлари тўланмади, яъни банк учун янги муаммолар пайдо бўлди. Банк берилган кредит ва фоиз суммаларини ундириб олиш учун кредит шартномасида кўзда тутилган махсус чораларни қўллайдди.

7 Б.Банк кредит ва фоизларни ундириб олиш учун қуйидаги махсус чора тадбирларни қўллайдди:

- агар кредит шартномаси қарздор томонидан қўпол равишда бузилган ва унинг кредит лаёқати сезиларли

даражада ёмонлашган бўлса, кредит шартномаси бекор қилинади, унга нисбатан иқтисодий жазо чоралари кўрилади;

- агар кредит шартномаси қарздорга боғлиқ бўлмаган сабабларга асосан бузилган бўлса ва бу сабаблар узрли деб ҳисобланса, банк кредит муддатини узайтириши, иқтисодий жазо чораларини қўлламаслиги ҳам мумкин;

-банк кредит суммасини кредит шартномасида кўзда тутилган воситалар орқали коплайди.

8 Б.Агар кредит қарздор мулкани гаровга қўйиш орқали таъминланган бўлса, мазкур мулк «ким ошди» савдосида сотилади ва кредит қопланади.

Агар кредит учинчи шахсларнинг кафолатнома ёки ишонч хатлари асосида берилган бўлса, кафолат берувчилардан ундириб олинади.

Агар кредит суғурталанган бўлса, бу ҳолда қайтарилмаган кредит суммасини суғурталовчи ташкилот ёки компания тўлайди.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар

Кредит сиёсатининг мақсали ва стратегияси нимадан иборат ?

Кредит бериш ва расмийлаштириш тартиби деганда нима тушунилади?

Кредит сиёсати қандай белгиланилади?

Кредит бериш, расмийлаштириш ва қайтариш босқичлари қандай амалга оширилади?

- Кредит буюртмаси кандай берилади?
Мижознинг кредитга лоёкатлиги деганда нима тушунилади?
Кредит шартномаси кимлар томонидан тузилади ва унга нималар илова қилинади?
Кредитни қайтариб олишга кандай хужжатлар асос булла олади?
Суғурта шартномаси ёки полиси кредитлар қайтарилмаса кандай асос бўлади?

“Кредит ва кредит бериш” бўлими бўйича тестлар

1. “Кредит” сўзининг луғавий маъноси нима?
А.Русча сўздан олинган бўлиб, қарз маъносини билдиради
В.Лотинча сўз бўлиб, қарз маъносини билдиради
С.Италянча сўз бўлиб, қарз бериш дегани
Д.Инглизча сўз бўлиб, қарз бериш дегани
Е.Нотўғри жавоб йўқ.
2. Кредит муносабатлари иштирокчилари?
А.Қарз олувчилар ва қарз берувчилар
В.Банклар ва уларнинг миждозлари
С.Кредит объектлари ва субъектлари
Д.Пул эгалари ва пулга эҳтиёжмандлар

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

3. Кредитнинг энг муҳим вазифаси нимадан иборат?

А.Пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини муомалага чиқариш ва хўжалик оборотига жалб қилиш

В.Бўш пул маблағларини жамлаб ҳаракатдаги капиталга айлантириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлаш

С.Пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали ишлаб чиқариш ресурсларини тармоқлараро эркин кўчиб юришини таъминлаш

Д.Ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

4. Кредитлаш тамойилларидан бири?

А.Устуворлик

В.Рентабеллик

С.Меъёрийлик

Д.Муддатлилик

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

5. Кредитнинг самарадорлик тамойили нимани билдиради?

А.Кредитдан оқилона фойдаланиш лозимлигини

В.Кредитни тўлиқ ва ўз муддатида қайтарилиши ва фоизларини тўланишини таъминлайди.

С.Қарз олувчини кредит ёрдамида даромад олишини

Д.Қарз олувчини яхшироқ ишлашга ундайди

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

6. Қисқа муддатли кредитлар қанча муддатга берилади?

А.12 ойгача

В.1 йилдан 5 йилгача

С.5 йилдан ортиқ муддатга

Д.Ўрта муддатга

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

7. Муддати ўтган кредитлар деганда қандай кредитлар тушунилади?

А.Узайтирилган муддати ўтиб кетган кредитлар

В.Кредит шартномасига кўра қайтариш муддатида қайтарилмаган, шунингдек, узайтирилган қайтариш муддати ҳам ўтиб кетган кредитлар

С.Кредит шартномасига кўра қайтариш муддати обектив сабабларга кўра узайтирилган кредитлар

Д.Муддати белгиланмаган кредитлар

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

8. Ломбард кредити деганда қандай кредит тушунилади?

А.Ер, уй-жой ва бошқа қўзғалмас мулкларни гаровга олиш йўли билан бериладиган кредит

В.Тез сотиладиган мулклар ва қийматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан қисқа муддатга бериладиган кредит

С.Тез сотиладиган мулклар ва қийматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан узоқ муддатга бериладиган кредит

Д.Олтин, кумуш ва қимматбаҳо буюмларни гаровга олиш йўли билан бериладиган кредит

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

9. Истеъмол кредити деганда қандай кредит тушунилади?

А.Банк томонидан аҳолига уй-жой қуриш, ўқиш ва турли товарларни сотиб олиш учун бериладиган кредит

В.Корхоналар, фирмалар ва компаниялар томонидан аҳолига турли товарлар сотиб олиш учун бериладиган кредит

С.Истеъмол товарлари сотиб олиш учун бериладиган кредит

Д.Уй-жой қуриш учун бериладиган кредит

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

10. Давлат кредити деганда нима тушунилади?

А.Давлат томонидан аҳолига бериладиган кредит

В.Аҳоли ва банклар томонидан давлат облигациялари ҳамда заёмлари воситасида давлатга бериладиган кредит

С.Давлат томонидан корхона, ташкилот ва банкларга бериладиган кредит

Д.Корхона ва ташкилотлар томонидан давлатга бериладиган кредит

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

11. Судхўрлик кредитининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

- А.Қарз берувчи ҳеч қандай расмий рухсатнома, яъни лицензияга эга бўлмайди
- В.Ссуда фоизи даражаси жуда юқори бўлади
- С.Томонлар кредит шартларини ўзаро келишилган ҳолда белгилайдилар
- Д.Кредитнинг энг қадимий ва норасмий тури
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

12.Кредитларни бериш пайтида қуйидаги тадбирларнинг қайси бири биринчи навбатда бажарилади?

- А.Кредит шартномаси тузилади
- В.Кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари аниқланади
- С.Кредит олиш учун буюртма берилади.
- Д.Кредит бериш ва ундан фойдаланиш устидан назорат қилинади
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

13.Агар берилган кредит шартномада кўзда тутилмаган мақсадларга сарфланаётганлиги аниқланса:

- А.Кредит шартномаси муддатидан олдин бекор қилинади ва берилган кредитни ундириб олиш чоралари кўрилади
- В.Кредит шартномасида кўзда тутилган иқтисодий жазолар ва жарималар қўлланилади
- С.Гаровга қўйилган мол-мулк сотувга қўйилади
- Д.Кредит шартномаси бошқатдан тузилади
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

14.Фоиз хавф-хатари деганда нима тушунилади?

- А.Берилган кредитларни қайтарилмаслиги натижасида зарар кўриш хавфи
- В.Фоиз ставкаларини ўзгариши натижасида зарар кўриш хавфи
- С.Мижознинг банкрот бўлиши натижасида зарар кўриш хавфи
- Д.Банк активлари ва пасивларини бошқариш натижасида зарар кўриш хавфи
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

15. Ссуда фоизи деганда нима тушунилади?

- А.Қарзга берилган пул маблағларидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ.
- В.Қарзга берилган пул маблағлари
- С.Кредит фоиз ставкаси даражаси
- Д.Қарзга олинган ва қайтариб бериладиган пул маблағлари
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

16. Кредит шартномаси:

- А.Қарз берувчи билан қарз олувчи ўртасидаги муносабатларни белгиловчи асосий ҳуқуқий ҳужжат
- В.Кредит суммаси, муддати ва мақсадини акс эттиради
- С.Ссуда фоизи ва уни тўлаш тартибини белгилайди
- Д.Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

17. Кредитлаш принципларидан бири:

- А.Бепуллик

- В.Ҳақ тўлашлик
- С.Устуворлик
- Д.Қарздорлик
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

18.Қуйидаги маълумотлар асосида ссуда фоизи суммасини аниқланг.

Ссуда суммаси – 300,0 минг сўм,
Муддати – 5 октябрдан 5 январгача,
Йиллик ссуда фоизи даражаси – 30 %.

- А.900,0 минг сўм
- В.255,0 минг сўм
- С.22 минг сўм
- Д.90,0 минг сўм
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

19.Кредит деганда:

- А.Қарз олувчи билан қарз берувчи ўртасидаги муносабатлар тушунилади
- В.Пул маблағлари ва товарларни қарзга бериш тушунилади
- С.Вақтинча бўш турган пул маблағлари ва товарларни маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатлар тушунилади
- Д.Ишлаб чиқаришни узлуксизлигини таъминлаш тушунилади
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

20. Кредит объекти деганда нима тушунилади?

- A. Вақтинча бўш турган ва қарзга берилиши мумкин бўлган пул маблағлари ва товарлар
- B. Пул эгалари ва пулга эҳтиёжмандлар
- C. Кредитга бериладиган пул маблағлари
- D. Кредитга берилган ва насияга сотилган товарлар
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

21. Кредитнинг вазифалари нималардан иборат?

- A. Қарз бериш ва қарзни ундириш орқали иқтисодий ўсишни ривожлантириш
- B. Пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини муомалага чиқариб, хўжалик оборотига жалб қилиш
- C. Бўш пул маблағларини ҳаракатдаги капиталга айлантириш ва ишлаб чиқаришга сарфлаш
- D. Пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали ишлаб чиқариш ресурсларини тармоқлараро эркин кўчиб юришини таъминлаш
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

22. Кредитлаш тамойилларидан бири:

- A. Қайтариб беришлик
- B. Узоқ муддатлилик
- C. Режалилик
- D. Фойда келтиришлилик
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

23. Тижорат кредити деганда нима тушунилади?

- A. Товарларни кредитга бериш тушунилади

- В.Сотувчи томонидан товарларни харидорга маълум муддатга насия бериш
С.Автомашина, уй-жой, телевизор, компьютер ва бошқа қимматбаҳо товарларни аҳолига насияга сотиш тушунилади
Д.Тижорат кредитини насияга олувчи Вексел беради
Е.Нотўғри жавоб йўқ.

24. Муддати узайтирилган кредитлар деганда қандай кредитлар тушунилади?

- А.Кредит шартномасига кўра қайтариш муддати бошланмаган кредитлар
В.Кредит шартномасига кўра қайтариш муддати бошланган кредитлар
С.Кредит шартномасига кўра қайтариш муддати бошланишидан аввал қарз олувчи томонидан берилган ёзма тақдимнома асосида қайтариш муддати кечиктирилган кредитлар.
Д.Кредит шартномасига кўра қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар
Е.Нотўғри жавоб йўқ.

25. Лизинг кредити деганда нима тушунилади?

- А.Машиналар, жиҳозлар ва бошқа қўзғалмас мулкларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида узоқ муддатга ижарага бериш
В.Кредитлаш шакли бўлиб, “ижарага бермоқ” маъносини билдиради

С.Ер, уй-жой ва бошқа қўзғалмас мулкларни ижарага бериш

Д.Транспорт воситалари ва уй-жойларни ижарага бериш

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

26.Халқаро кредит қандай шаклларда берилади?

А.Товарлар шаклида

В.Пул маблағлари сифатида

С.Товарлар ва валюта шаклида

Д.Инвестисия шаклида

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

27.Ипотека кредити деганда қандай кредит тушунилади?

А.Ер, уй-жой ва бошқа ишлаб чиқариш иншоотларини гаровга олиш йўли билан қисқа муддатга бериладиган кредит

В.Ер, уй-жой ва бошқа ишлаб чиқариш иншоотларини гаровга олиш йўли билан узоқ муддатга бериладиган кредит

С.Тез сотиладиган мулклар ва қийматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан узоқ муддатга Бериладиган кредит

Д.Тез сотиладиган мулклар ва қийматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан қисқа муддатга бериладиган кредит

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

28.Кредитларни таъминлашнинг қандай усуллари қўлланилади?

- А.Мол-мулкларни гаровга олиш
- В.Кредитларни суғурталаш
- С.Учинчи шахсларнинг кафолатномалари
- Д.Учинчи шахсларнинг ишонч хатлари
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

29. Ссуда фоизи қандай вазифаларни бажаради?

- А.Қарз олувчини ишлаб чиқариш фондларидан унумлироқ фойдаланишга рағбатлантиради
- В.Олинадиган қарз миқдорини чегаралаб қўяди, қарз олувчи энг кам миқдорда қарз олишга ҳаракат қилади
- С.Банклар ва бошқа кредит муассасаларининг асосий даромад манбаи бўлиб хизмат қилади
- Д.Банклар маржасини асосий қисмини ташкил қилади
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

30. Кредитлар хавф-хатари даражасига қараб қандай таснифланади?

- А.Яхши кредитлар
- В.Стандарт кредитлар
- С.Субстандарт кредитлар
- Д.Шубҳали ва умидсиз кредитлар
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

31. Узоқ муддатли кредитлар қанча муддатга берилади?

- А.1 йилдан ортиқ муддатга
- В.12 ойгача
- С.1 йилдан 5 йилгача
- Д.Узоқ муддатга

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

32.Реал ссуда фоизи деганда нима тушунилади?

А.Инфлясия даражасини ҳисобга олган ҳолда

белгиланадиган ссуда фоизи

В.Номинал ссуда фоизини ўзгартирилганини

С.Ссуда суммасига боғлиқ бўлмаган ссуда фоизи

Д.Ссуда суммасига нисбатан ўзгарувчан ссуда фоизи

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

33.Ўзбекистонда ссуда фоизи даражасига таъсир этувчи асосий омиллар:

А.Жалб этилган маблағлар учун тўланадиган фоизлар даражаси

В.Инфляция даражаси

С.Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси

Д.Марказий банкнинг мажбурий захиралар сиёсати

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

34.Ссуда фоизи бу:

А.Қарзга берилган маблағлардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ

В.Қарз фоизи

С.Кредит фоиз ставкаси

Д.Кредит баҳоси

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

35. Қуйидаги маълумотлар асосида ссуда фоизи суммасини аниқланг.

Кредит суммаси - 2500,0 м.с.,
Муддати - 3 ой,
йиллик ссуда фоизи даражаси - 54%.

- А.1350,0 минг сўм
- В.135,0 минг сўм
- С.33,7 минг сўм
- Д.337,5 минг сўм
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

36.Кредит деганда:

- А.Пул маблағларини қарзга бериш тушунилади
- В.Товарларни маълум муддатга қарзга бериш, яъни насияга сотиш тушунилади
- С.Пул маблағлари ва товарларни қарзга бериш тушунилади
- Д.Пул маблағлари ва товарларни маълум шартларга риоя этган ҳолда қарзга бериш ва уни қарзга олиб ишлатишни билдиради
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

37.Кредит субъектлари деганда нима тушунилади?

- А.Қарз олувчилар
- В.Қарз берувчилар
- С.Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фирмалар, давлат идоралари, банклар, аҳоли ва бошқалар
- Д.Қарзга берилган товарлар ва пул маблағлари
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

38.Кредитнинг келиб чиқишига энг асосий сабаб?

- А.Ишлаб чиқаришга сарфлашга маблағнинг етишмаслиги
- В.Бўш пул маблағларининг мавжудлиги
- С.Ссуда фондининг юзага келиш вақти
- Д.Ишлаб чиқариш жараёнига маблағларни сарфлаш вақти билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушадиган маблағлар вақтини ўзаро номувофиқлиги
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

39. Кредитлаш тамойилларидан бири:

- А.Режалилик
- В.Мақсадлилиқ
- С.Узлуксизлик
- Д.Устуворлик
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

40.Кредитлаш тамойилларидан бири:

- А.Узлуксизлик
- В.Меъёрийлик
- С.Рентабеллик
- Д.Таъминланганлик
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

41. Қисқа муддатли кредитлар қанча муддатга берилади?

- А.Қисқа муддатга
- В.12 ойгача
- С.1 йилдан 5 йилгача
- Д.5 йилдан ортиқ муддатга
- Е.Нотўғри жавоб йўқ.

42. Муддатли кредитлар деганда қандай кредитлар тушунилади?
- А.Кредит шартномасига кўра қайтариш муддати бошланмаган кредитлар
 - В.Кредит шартномасига кўра қайтариш муддати бошланган кредитлар
 - С.Кредит шартномасига кўра қайтариш муддати узайтирилган кредитлар
 - Д.Кредит шартномасига кўра қайтариш муддати ўтиб кетган кредитлар
 - Е.Нотўғри жавоб йўқ.
43. Қайтариш муддатига қараб кредитлар қандай турларга бўлинади?
- А.Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар
 - В.Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар ҳамда муддати ўтган кредитлар
 - С.Муддатли, муддати узайтирилган ва муддати ўтган кредитлар
 - Д.Муддати узайтирилган ва муддати ўтган кредитлар
 - Е.Нотўғри жавоб йўқ.
44. Банк кредити деганда нима тушунилади?
- А.Банкка давлат томонидан берилган кредит
 - В.Тижорат банкига Марказий банк томонидан берилган кредит
 - С.Тижорат банкларининг ўзаро бир-бирларига берган кредитлари
 - Д.Тижорат банки томонидан миждозга берилган кредит

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

45.Кредит хавф-хатари деганда нима тушунилади?

А.Фоиз ставкаларини ўзгариши натижасида зарар кўриш хавфи

В.Мижознинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кўпайиб кетиши натижасида зарар кўриш хавфи

С.Берилган кредитларни қайтарилмаслиги натижасида зарар кўриш хавфи

Д.Берилган кредитлар ва улар бўйича ҳисобланган фоиз ставкаларини ўз вақтида қайтарилмаслиги натижасида зарар кўриш хавфи

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

46.Мижознинг кредитга лаёқатлилиги деганда нима тушунилади?

А.Мижознинг банкдан кредит олиш имконияти

В.Мижознинг банкдан сўраган кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш имконияти

С.Мижознинг бухгалтерия баланси, молиявий ва статистик ҳисоботлари, аналитик материалларини таҳлил қилиш

Д.Мижоз фаолиятига доир асосий ва қўшимча кўрсаткичлар

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

47.Ссуда фоизи даражаси қандай белгиланади?

А.Кредит фоизига нисбатан суммаларда белгиланади

В.Ссуда суммасига нисбатан аввалдан фоизларда белгиланади

С.Ссуда капиталига бўлган таклифга нисбатан

Д.Ссуда капиталига бўлган талабга нисбатан

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

48.Ссуда фоизи қандай турларга бўлинади?

А.Кредитни қайтариб олиш чоғида ундириб олинadиган ссуда фоизи

В.Қатъий белгилаб қўйилган ва ўзгарувчан ссуда фоизи

С.Кредитдан фойдаланиш даврида бир меъёрда тўлаб бориладиган ссуда фоизи

Д.Номинал ва реал ссуда фоизлари

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

49.Ссуда фоизига қандай омиллар таъсир этади?

А.Кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклиф

В.Кредитни тўлаш муддати ва шартлари

С.Инфлясия даражаси

Д.Кредит хавф-хатари

Е.Нотўғри жавоб йўқ.

50.Қуйидаги маълумотлар асосида ссуда фоизи суммасини аниқланг.

Кредит суммаси- 3 000,0 минг сўм,

Муддати- 6 ой,

йиллик ссуда фоизи даражаси - 24%.

А.720,0 минг сўм

В.72,0 минг сўм

С.360,0 минг сўм
Д.36,0 минг сўм
Е.Нотўғри жавоб йўқ.

“...молия, банк-кредит ташилотлари, божхона хизмати ишини халқаро стандартлар ва талаблар даражасида йўлга қўймасдан туриб, халқаро алоқаларни ривожлантириши ва мустахкамлашни тасаввур қилиб бўлмайди”

И.А.Каримов

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ

III-бўлим

1.Халқаро иқтисодий алоқалар ва уларнинг асосий шакллари

Асосий тушунчалар

Халқаро иқтисодий алоқалар

Халқаро меҳнат тақсимоти
Иқтисодий манфатдорлик
Ташкий савдо
Экспорт
Импорт
Миграция
Халқаро саяҳлик

Биз нима учун халқаро иқтисодий алоқаларни ўрганамиз? Сабаби, халқаро иқтисодий алоқалар натижасида валюта муносабатлари вужудга келади, валюта муносабатлари эса ўз навбатида валюта операцияларини келтириб чиқаради.

Валюта операциялари пулнинг жаҳон пуллари вазифаси билан боғлиқ бўлиб, банклар томонидан амалга оширилади ва уларнинг энг асосий вазифаларидан биридир. Валюта операциялари мамлакат халқаро иқтисодий алоқаларининг ажралмас қисми ҳисобланади ва миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлайди.

1.1.Халқаро иқтисодий алоқалар тушунчаси ва уларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётидаги ўрни

Халқаро иқтисодий алоқалар деганда мамлакатлар ўртасидаги савдо, иш кучининг кўчиб юриши, яъни миграцияси, кредит, валюта муносабатлари, илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик, сайёҳлик ҳамда бошқа турдаги муносабатлар тушунилади.

Халқаро иқтисодий алоқалар мамлакатда ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда ривожланиши, меҳнат унумдорлигини ўсиши, халқ хўжалиги тармоқларида фан–техника ютуқларини жорий қилишга имкониятлар яратади ва миллий иқтисодиёт самарадорлигини оширади.

Бозор иқтисодиёти очик иқтисодиёт бўлиб, мамлакатлар ўртасида иқтисодий ҳамкорликни талаб қилади ва миллий биқиқликни инкор этади.

Бундай ҳамкорликнинг асосини халқаро меҳнат тақсимоти ташкил этади.

Халқаро меҳнат тақсимоти турли мамлакатлар хўжалик фаолиятининг ихтисослашуви, уларнинг бир-бирларига товарлар етказиб беришлари ва хизматлар кўрсатишлари заруратини билдиради.

Айрим мамлакатлар у ёки бу товарларни ишлаб чиқаришга ихтисослашади. Бу табиий шароит, ишлаб чиқариш тажрибаси ва тараққиёт даражаси, шунингдек мамлакат ресурсларига боғлиқ бўлади. Қайси мамлакатда қайси товарларни сифатли ва кам харажат билан яратиш имконияти мавжуд бўлса, шу соҳа ривож топади.

Халқаро меҳнат тақсимоти **иқтисодий манфаатдорлик** қоидасидан келиб чиқади. Мамлакатда қайси маҳсулотни ишлаб чиқариш қулай ва арзон бўлса, шу маҳсулот бошқаларга ҳам етказиб берилади, ниманики мамлакатда ишлаб чиқариш ўрнига четдан келтириш арзонга тушса, шу товар четдан сотиб олинади. Иқтисодий манфаатдорлик қоидасининг моҳияти шундаки, халқаро ҳамкорликда иштирок этувчи

ҳеч бир мамлакат зарар кўрмайди, балки у ёки бу даражада манфаатдор бўлади.

Модомики, Қувайт учун нефтни, Япония учун машиналарни, Ҳиндистон учун чойни, Ўзбекистон учун пахтани четга сотиш қулай экан, улар шуни афзал кўришади. Ихтисослашув меҳнат унумдорлигини оширади, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиради, маҳсулот сифатини яхшилайдди.

Халқаро иқтисодий алоқаларда мамлакатлар турли даражада қатнашадилар. Иқтисодиёти заиф мамлакатлар бошқаларга хом-ашё етказиб берсалар, иқтисодий ривожланган мамлакатлар тайёр саноат маҳсулотларини четга чиқарадилар.

Халқаро иқтисодий алоқаларда ҳар бир мамлакат ўз ўрнини топишга, халқаро иқтисослашувда қатнашишга миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда интилади. Халқаро миқёсда алоқалар қанчалик чуқурлашса, мамлакатларнинг бир-бирларига боғлиқлиги шунчалик кучаяди, уларнинг ҳамкорлик доираси кенгаяди.

1.2. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шакллари

Аввал тўхталганимиздек, халқаро иқтисодий алоқалар асосан қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- ташқи савдо;
- халқаро кредит;
- халқаро иш кучи миграцияси;
- халқаро илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик;

- халқаро сайёҳлик ва бошқа турдаги хизматлар.

Ташқи савдо халқаро иқтисодий алоқаларнинг энг қадимий ва асосий шаклидир. Ташқи савдода экспорт ва импорт атамалари қўлланилади.

Экспорт деганда, мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, Технологиялар ва хизматларни чет мамлакатларга чиқариш ва ташқи бозорда сотиш тушунилади.

Импорт деганда, чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни мамлакатга келтириш ва ички бозорда сотиш тушунилади.


Ташқи савдо обороти экспорт ва импорт йиғиндисидан иборатдир, яъни:

$$\boxed{} = \boxed{}$$

Ташқи савдо азалдан ривожланиб келган. Шу боисдан ўрта асрлардаёқ Буюк ипак йўлида Шарқ билан Ғарб ўртасида савдо ривож топган. Агар дастлаб мамлакатлар ўзларининг ички бозорларидан ортган товарларни четга чиқарган бўлсалар, эндиликда товарлар экспорт мақсадлари учун ишлаб чиқарилади.

Ташқи савдо турли мамлакатлар ўртасида товар айирбошлаш бўлиб, иқтисодий манфаат кўриш мақсадларида амалга оширилади. Муайян товарни ишлаб чиқариш нисбатан арзон ёки қимматга тушиши, уни экспорт ёки импорт қилишга олиб келади. Агар

мамлакатда ишлаб чиқарилган товар чет мамлакатларда ишлаб чиқаришга нисбатан арзонга тушса, у ҳолда бу товар экспорт қилинади. Аксинча, мамлакатда ишлаб чиқарилган товар четга нисбатан қимматга тушса, у ҳолда бундай товарни импорт қилиш афзалдир.



Товарларнинг арзон бўлишига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- мамлакатнинг табиий ресурслари;
- мамлакатнинг илмий салоҳияти;
- тўпланган тарихий тажриба;
- ресурслар ва ишчи кучининг арзонлиги.

Мамлакатнинг жаҳон бозоридаги иштироки ва унинг самарадорлигини экспорт ва импортнинг нисбати, уларнинг таркиби белгилайди. Иқтисодийети ривожланган мамлакатлар экспорти импортига нисбатан кўп ва асосан, тайёр саноат маҳсулотларидан иборат бўлади. Масалан, Буюк Британия экспортининг 90 фоиздан ортигини саноат маҳсулотлари ташкил этади.

Кам ривожланган мамлакатлар экспорти импортидан оз, агар кўп бўлса ҳам, барибир хом-ашёдан иборат бўлади. Улар импортида тайёр маҳсулотлар ва озиқ-овқатлар катта салмоққа эга бўлади. Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир мамлакат учун:



Мустақил Ўзбекистон Республикаси ҳам миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда жаҳон бозорида тенг ҳуқуқли иштирокчи сифатида қатнашмоқда ва 1996 йилда биринчи марта ташқи савдо оборотида ўз экспортининг импортидан кўп бўлишига эришди, яъни ижобий қолдиққа (салдо) эга бўлиб келмоқди.

Ҳозирда Ўзбекистон жаҳоннинг 190 дан зиёд мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатган. 2010 йилда Ўзбекистон экспортининг 38% и МДХ мамлакатларига, 62% и эса узоқ хорижий мамлакатларга тўғри келди.

2010 йил якунларига кўра мамлакатимиз ташқи савдо обороти 2000 йилга нисбатан 3,1% га ўсиб, 21844,4млн. АҚШ долларига етди. Унда экспорт 61% ни, импорт эса 39% ни ташкил этди ва 4244,8 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий салдога эришилди.

Агар Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларида асосан, пахта толасини четга чиқарган бўлса (1992 йилда мамлакат экспортининг 62,0% и), кейинги йилларда экспорт таркибида саноат маҳсулотлари ва хизматлар салмоғи ортиб бормоқда.

Масалан, 2010 йилдаги мамлакатимиз экспорти таркибида пахта толаси –11,3 % ни, озиқ-овқатлар–9,7 % ни, кимё маҳсулотлари ва пластмасса – 5,1% ни, энергия ресурслари – 24,8 %ни, қора ва рангли металллар – 6,8 % ни, машина ва ускуналар –9,1 %ни, хизматлар ва бошқалар эса –27,7% ни ташкил этган

Ўзбекистон импортининг 32,6%га яқини машина ва жиҳозлар ҳамда илғор технологияларга тўғри келади.

Халқаро иқтисодий алоқаларнинг яна бир шакли **халқаро кредитдир**. Халқаро кредит айрим мамлакатлар ва трансмилий корпорациялар ҳамда халқаро молия-кредит ташкилотлари томонидан бошқа мамлакатларга заёмлар ва кредитлар беришда ўз аксини топади.

Узоқ давом этган тарихий тараққиёт жараёнида турли сабабларга кўра (урушлар, мустамлакачилик ва бошқалар) жаҳоннинг айрим мамлакатларида пул маблағлари ва моддий бойликлар жамғарилиб борилган. Булар жумласига АҚШ, Канада ва Ғарбий Европа мамлакатлари киради. Улар қаторига кейинчалик Япония,

Жанубий Корея, Исроил ва Яқин Шарқдаги нефт қазиб олувчи мамлакатлар ҳам кўшилди. Бу мамлакатларнинг иқтисодиётлари ривожланган ва қудратли бўлиб, аҳолиси фаровон ҳаёт кечиради. Улар ўз маблағлари, яъни капиталларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида табиий ресурсларга бой, ишлаб чиқариш ресурслари ва иш кучи арзон, иқтисодиёти ночор, камбағал мамлакатларга кредит берадилар, инвестициялар кўядилар.

Кредит олувчилар асосан, Африка, Лотин Америкаси, Марказий Европа, Жанубий-Шарқий ва Марказий Осиё мамлакатларидир. Шунингдек, жаҳонда фаолият кўрсатаётган ўнлаб халқаро ва минтақавий молия-кредит ташкилотлари ҳамда йирик банклар ҳам халқаро кредитлар бериш билан шуғулланмоқдалар.

Бироқ кейинги вақтда ривожланган мамлакатлар ҳам ўз иқтисодиётларига халқаро кредитлар жалб қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро кредит субекти бўлиб, ўз иқтисодиётига хорижий кредит ва инвестицияларни фаол жалб этмоқда. Мустақиллик йилларида Республикамизда 33,6 млрд. АҚШ долларидан зиёд хорижий инвестициялар жалб этилди. 2010 йил давомида республикамиз иқтисодиётига жалб килинган хорижий инвестиция ва кредитлар умумий миқдори 3635,2 млрд. АҚШ долларига тўғри келди, шунинг 3284,7 Давлат инвестиция дастури доирасида, 305,5 худудий инвестициялар доирасида, шу жумладан 3107,9 тўғридан тўғри инвестицияларга тўғри келди.

Халқаро кредит ва инвестициялар кейинрок алоҳида мавзу сифатида батафсил ёритилади.

Иш кучининг мамлакатлар ўртасида кўчиб юриши **иш кучининг халқаро миграцияси** дейилади. Миграция оқими иш кучи ортиқча бўлган мамлакатлардан унга талаб бор бўлган мамлакатлар томон йўналган бўлади. У кишиларни бир мамлакатдан бошқасига ишлаб келиш ёки тамомила ўша ерда қолиб ишлаш учун кўчиб боришларини билдиради.

Иш кучи миграцияси меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш имконини беради, иш хақини оширади, валюта топишга шароит яратади, ишловчилар малакасини оширади.

Айрим мамлакатлар иш кучи етишмаслиги сабабли уни четдан импорт қиладилар. Булар қаторига АҚШ, Ғарбий Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари киради. Бошқа мамлакатларда эса иш кучи нисбатан ортиқча, ишсизлик юқори бўлганлиги сабабли улар иш кучини экспорт қиладилар.

Ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган мамлакатлар қаторига Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Бирма, Таиланд ва бошқа Осиё мамлакатлари, шунингдек Африка ҳамда Лотин Америкаси мамлакатлари киради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ҳам чет мамлакатларга иш кучини экспорт қилмоқда. Фуқароларимиз асосан, Ғарбий Европа мамлакатлари, Исроил, Жанубий Корея, Россия Федерацияси, Қозоғистон каби мамлакатларда меҳнат қилмоқдалар.

Халқаро илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклларидан биридир. Илмий-техникавий ҳамкорлик фан ва техника ҳамда илмий тадқиқот соҳаларидаги давлатлараро иқтисослашув туфайли вужудга келган. Бу алоқалар халқаро доирада фан-техника ютуқларини алмашилиш, биргаликда илмий ишланма ва лойиҳалар тузиш, илмий тадқиқотлар олиб боришда намоён бўлади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий – тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг илмий-тадқиқот ишларида фаол ҳамкорлик қилмоқдалар. Дунёнинг етакчи университетлари ва илмий марказлари билан энг долзарб муаммолар соҳасидаги лойиҳаларда иштирок этмоқдалар.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик корхоналарининг ихтисослашув ва кооперативлашуви, биргаликда маҳсулот ишлаб чиқариш, кўшма корхоналар бунёд этиш ҳамда капитал қурилиш соҳасида намоён бўлади. Ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланаётган мамлакатларда янги саноат корхоналарини қуриш, уларни энг замонавий технологиялар билан жиҳозлаш экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятини яратади.

Бу соҳада Ўзбекистонда ҳам диққатга сазовор натижаларга эришилмоқда. Ҳозирда республикамызда 4563 дан ортиқ кўшма корхоналар фаолият

кўрсатмоқдалар. Фақат 2010 йил мобайнида чет эл сармояси иштирокидаги 536 та янги корхона ташкил этилди. Фаолият юритаётган корхоналар сони 4201 та, бўлиб ташқий иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар сони 1600 та, фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони 362 тани ташкил этади. Корхоналарнинг ташқий савдо айланмаси 7,8 млрд.доллар бўлиб (21,3 млрд.долл. республика товар айланмаси) умумий ташқий савдо айланмасининг улуши 36,9 % ташкил этади.

Охирги йилларда амалга оширилиши тугалланган йирик инвестицион лойихалар

- Янги русумдаги 480 дан ортиқ MAN оғир юк автомобиллари ҳамда 7797 дона Спарк М300 енгил автомобиллар ишлаб чиқарилди (инвестиция ҳажми – 31,3 млн.долл. ва 3 млн.евро);
- Йилига 30,0 млрд.куб.м. газни транзит қилиш қувватига эга бўлган “Ўзбекистон-Хитой” газ қузури ишга туширилди (инвестиция ҳажми – 3168,9 млн.долл.);
- Кўкдумалок конида йилига 6 млрд.куб.м. йўлдош газларни утилизация қилиш станцияси қурилди (инвестиция ҳажми – 373,0 млн.долл.);
- Хаузак конида йилига 3 млрд. метр куб газни бирламчи тайёрлов мосламаси ишга туширилди (ЛУКОЙЛ билан ҳамкорликда) (инвестиция ҳажми – 302,8 млн. долл.);

- «Тошгузар – Бойсун – Кумкўрғон» йўналишидаги янги темир йўллар (инвестиция ҳажми – 34,4 млрд.сум);
- «Навой – Учқудук – Султон Увайстоғ – Нукус» темир йўл линиясининг 6 та янги разезди ишга туширилди (инвестиция ҳажми – 6,8 млрд.сум);
- «Тукумачи-Ангрен» йўналишида янги темир йўллар (инвестиция ҳажми – 85,4 млн.долл.);

Халқаро сайёҳлик халқаро иқтисодий алоқаларнинг энг тез ривожланаётган туридир. Сўнгги ўн йилликлар давомида жаҳонда ҳақиқий сайёҳлик васвасаси рўй бермоқда. Жаҳонда сайёҳлар сони йилдан йилга ўсиб бормоқда. Агар 1950 йилда улар 25 млн. киши бўлган бўлса, 1996 йилга Келиб 592 млн. кишини ташкил этган, 2020 йилда туристлар оқими европа мамлакатларида 30%дан ошса, Осий мамлакатларида бу кўрсаткич 400%ни ташкил этиши башорат қилинмоқда.

Халқаро сайёҳликнинг асосий минтақалар бўйича тақсимланиши қуйидагича: Европа - 65%, Осиё – 13%, Шимолий Америка – 12%, Жанубий Америка - 6%, Африка-3%, Австралия - 1%. Халқаро сайёҳлик соҳасида ҳам ривожланган мамлакатлар олдинда бормоқдалар. Булар қаторига АҚШ, Канада, Франция, Италия, Швейсария Хитой ва бошқалар киради.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач республикада сайёҳликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда.

Кейинги ўн йил мобайнида Ўзбекистонда туризм соҳасида хизматлар хажми ортишининг барқарор суръатлари кузатилмоқда. Агар 1993 йилда Ўзбекистонда туризм соҳасининг барча турлари бўйича 461 минг киши хизмат кўрсатган бўлса, 2009 йилда эса туристларга хизмат кўрсатиш хажми 871 мингдан ортиқ кишини ташкил этди. Бир вақтнинг ўзида 2009 йилда Ўзбекистонлик фуқаролардан 34,6 минг нафар турист сифатида хорижий мамлакатларга саёхатларни амалга оширдилар.

Мамлакатимизда 1993 йилда бор йўғи 4 та хусусий туристик фирма бўлган бўлса, ҳозирги пайтда туризм хизматларининг нодавлат секторида 738 та туристик фирма, шу жумладан умумий сифими 12,8 минг жойдан иборат 241 та мехмонхона ва 500 га яқин тур оператор ва тур агентлар фаолият олиб бормақда.

1.3. Ўзбекистон Республикасининг Халқаро иқтисодий ҳамжамиятга кириш шарт-шароитлари ва ҳозирги ҳолати

Ўзбекистон узоқ йиллар давомида ташқи дунёдан бутунлай ажратиб қўйилган эди. Собиқ СССР даврида халқаро иқтисодий алоқалар фақат Москва орқали, яъни иттифоқ идоралари ва ташкилотлари томонидан амалга оширилар эди. Ўзбекистон эса халқаро иқтисодий алоқаларда мустақил равишда иштирок этмас эди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, унинг олдида мустақил равишда ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, жаҳон ҳамжамиятига кириш

ва унда муносиб ўрин эгаллаш, бошқа мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш ва уларга ўзининг ишончли шерик эканлигини кўрсатиш каби бирқатор масалалар пайдо бўлди.

Бу муаммоларни ҳал этиш учун эса Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни амалга оширадиган ихтисослашган ташкилий тузилмалар (вазирлик, ташкилотлар, муассасалар, банклар ва бошқалар) ташкил этилмаган, мутахассислар мутлақо етишмас эди.

Ана шу сабабли Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ўз ташқи сиёсатининг асосий тамойилларини ишлаб чиқди. Бу тамойиллар, аввало, Ўзбекистоннинг ўз ташқи сиёсатини тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик негизида амалга оширилишини кўзда тутди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида очик иқтисодиётни яратиш мақсадида жаҳон хўжалик алоқалари ва халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этишга интилди.

Ўзбекистонда халқаро иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш мақсадида қуйидагилар амалга оширилди:

- Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий асоси бўлган қонунлар ва қарорлар қабул қилинди. Булар жумласига «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида», «Чет эл инвестисиялари ва хорижий сармоядорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Валютани тартибга солиш тўғрисида» каби қонунлар ва бошқалар киради.;

- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва унинг вилоятлардаги муассасалари ташкил этилди. Бу вазирлик 2002 йилда Агентликка айлантирилди;
- халқаро иқтисодий алоқаларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки ўз фаолиятини бошлади ва қисқа вақтда 100 га яқин хорижий банклар билан ҳамкорликни йўлга қўйди;
- халқаро муносабатларни амалга оширувчи мутахассислар тайёрлаш мақсадида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети иш бошлади;
- дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди, Тошкент шаҳрида 100 дан ортиқ давлатнинг элчихоналари ва ваколатхоналари ишлаб турибди, Ўзбекистон ҳам ўз навбатида кўп мамлакатларда ўз элчихоналари ва ваколатхоналарини очди;
- Ўзбекистон кўплаб халқаро иқтисодий ташкилотлар—Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки кабилар билан фаол ҳамкорлик қилмоқда;
- ҳозирда 5 та хорижий сармоя иштирокидаги банклар фаолият кўрсатмоқдалар. Улардан ташқари мамлакатимиз халқаро иқтисодий

алоқаларнинг бошқа соҳаларида ҳам ривожланиб бормокда.

Мавзу бўйича ўз билимини аниқлаш учун саволлар

Халқаро иқтисодий алоқалар деганда нималар тушунилади?

Халқаро меҳнат таксимооти нимани билдиради?

Халқаро меҳнат таксимоотида иқтисодий манфатдорликдан мақсад нимада?

Халқаро иқтисодий алоқалар қандай шакилларда амалга оширилади?

Ташқий савдода экспорт ва импортнинг аҳамияти нимада?

Ҳозирда Ўзбекистон дунёнинг неча мамлақати билан узаро ҳамкорликни ўрнатган ва ундан мақсад нимада?

Халқаро кредитни ривожлантиришдан асосий мақсад нимада?

Иш кучининг халқаро миграциясининг асосий сабаби нимада?

Халқаро илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликдан мақсад нимада?

Ишлаб чиқариш соҳасидаги халқаро ҳамкорликдан асосий мақсад нимада?

Халқаро сайёҳликнинг ривожлантиришдан асосий мақсад нимада?

2. ВАЛЮА МУНОСАБАТЛАРИ ВА ВАЛЮА ОПЕРАЦИЯЛАРИ


Асосий тушунчалар

Валюта
Миллий валюта
Хорижий валюта
Минтакавий валюта
Валюта муносабатлари
Валюта конвертацияси
Валюта курси
Валюта котировкаси
Расмий валюта курси
Тижорат валюта курси
Паралел валюта курси
Валюта операциялари
Жорий валюта операциялари
Капитал валюта операциялари
Валюта счётлари
Кориспондентлик муносабатлари

2.1. Валюта тушунчаси ва валюталар таснифи.

«Валюта» сўзи италянча сўз бўлиб, «баҳо», «қиймат» маъноларини билдиради.

Ҳозирда валюта атамаси 3 хил маънода қўлланилади.



Миллий валюта деганда у ёки бу мамлакатнинг расмий пул бирлиги тушунилади. Масалан: Ўзбекистонда-сўм, Россияда-рубл, Ҳиндистонда-рупия ва ҳаказо.

Хорижий валюта деганда хорижий давлатларнинг пул бирликлари ва бошқа тўлов воситалари тушунилади.

Халқаро ёки минтақавий валюталар деганда бир гуруҳ мамлакатлар томонидан фойдаланиладиган пул бирликлари ва тўлов воситалари тушунилади. Масалан: СДР, ЕВРО, КФА франки, Шарқий Кариб доллари ва бошқалар.

СДРдан Халқаро валюта фонди ўз аъзоларига кредит беришда тўлов воситаси сифатида, Европа Иттифоқига кирувчи 17 та мамлакатда ЕВРО дан ягона пул бирлиги сифатида, КФА франкидан Африка молия жамиятига аъзо бўлган 10 дан ортиқ мамлакатларда расмий пул бирлиги сифатида, Шарқий Кариб долларида Кариб денгизи ҳавзасида жойлашган 6 та мамлакат расмий пул бирлиги сифатида фойдаланишади.

Иқтисодий адабиётларда миллий валюта ва хорижий валюта атамалари кўпроқ учрайди. Ҳар бир мамлакатнинг расмий пул бирлиги шу мамлакат учун миллий валюта ҳисобланса, бошқа мамлакатлар учун эса хорижий валюта ҳисобланади.

Жаҳондаги турли мамлакатларнинг миллий валюталари турлича кадрланади ва бошқа мамлакатлар томонидан турли даражада қабул қилинади.

Валюта конвертацияси деганда унинг бошқа валюталарга алмаша олиш хусусияти тушунилади. У ёки бу валютанинг конвертацияланиш даражаси мазкур валюта расмий пул бирлиги бўлган мамлакатнинг иқтисодий қудрати ва барқарорлигига, шунингдек, мамлакатда белгиланган валюта алмаштириш тартибига боғлиқ. Валюталар конвертацияланиш даражасига қараб қуйидагича таснифланади:

Тўла-тўқис яъни эркин конвертацияланадиган валюталар бошқа валюталарга ҳеч қандай чеклашларсиз алмаштирилади. Бундай валюталар жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида юксак даражада кадрланади ва қабул қилинади. Улар қаторига АҚШ доллари, ЕВРО, Англия фунт стерлинги, Япония иенаси ва бошқалар киради. Бундай валюталар одатда «кучли», «қаттиқ» валюталар дейилади.

Қисман конвертацияланадиган валюталар расмий пул бирлиги бўлган мамлакатларда валюта алмаштириш, уни сотиш ва сотиб олиш, мамлакатга хорижий валютани олиб кириш ва ундан олиб чиқиш каби операциялар

чегараланган бўлади. Бундай валюталар қаторига жаҳондаги жуда кўп мамлакатларнинг, шу жумладан, собиқ социалистик мамлакатлар валюталари ҳам киради.

Қисман конвертацияланадиган валюталар фақат мамлакат ичкарисида ёки ундан ташқарида ҳам алмаштирилиши мумкин. Ана шу сабабли **валюталар ички ва ташқи конвертацияси** тушунчалари мавжуд.

Конвертацияланмайдиган валюталар фақат бир мамлакат ичкарисида муомалада бўлади, бошқа валюталарга алмаштирилмайди. Мамлакатга хорижий валютани олиб кириш ва уни олиб чиқиш қатъий чегараланган бўлади. Одатда бундай валюталар амалда бўлган мамлакатлар иқтисодиёти қоқоқ, экспорт имкониятлари эса заиф бўлади. Бундай мамлакатларнинг валюта захиралари жуда оз бўлиб, миллий валютани конвертациялашга етишмайди.

2.2. Валюта муносабатлари тушунчаси валюта курси ва котировкаси.

Аввал кўриб чиққанимиздек, халқаро иқтисодий алоқалар натижасида мамлакатлар ўртасида валюта муносабатлари келиб чиқади. Маълумки, ҳар бир мамлакат ўзининг миллий пул бирлигига эга бўлади. Бир мамлакат бошқа мамлакатдан товарлар сотиб олиши ёки хизматларидан фойдаланиши керак бўлса, аввало ўша мамлакатнинг пул бирлигидаги маблаққа эга бўлиши лозим.

Масалан, Ўзбекистон Япониядан товарлар сотиб олмоқчи бўлса, унда япон иенасидаги маблағлар бўлиши керак. Ғарбий Европа мамлакатларидан товарлар сотиб

олмоқчи ёки уларнинг хизматларидан фойдаланмоқчи бўлсак, мамлакатимизда ЕВРО пул бирлигидаги маблағ бўлиши лозим.

Мамлакат зарур бўлган хорижий валютага эга бўлиш учун чет мамлакатларга товарлар чиқариб сотиши (экспорт) ёки ўз пулига хорижий валютани сотиб олиши лозим.

Бир миллий валютани бошқа миллий валютага айирбошлаш валюта муносабатлари дейилади. Бир миллий валюта бошқасига валюта курси асосида айирбошланади. Бир мамлакат миллий валютасининг бошқа мамлакат миллий валютасида ифодаланган баҳоси валюта **курси** дейилади.

Миллий валюталар бир-бирига ана шу валюта курси асосида алмаштирилади.

Ҳозирда аксарият мамлакатларнинг Марказий ёки Миллий банклари томонидан мунтазам равишда ўз миллий валюталарини бошқа валюталарга нисбатан курсини аниқлаб борилади. У ёки бу мамлакатнинг миллий валютаси курсини аниқлаш учун ўша валютанинг харид қобилияти аниқланади. Бунинг учун шу мамлакатдаги 1100 тадан 1300 тагача товарлар ва хизматлар баҳоси таққослаб кўрилади. Олинган натижалар асосида миллий валюта курси аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки миллий валютамик-сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан расмий курсини аниқлайди ва оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълум қилишича, миллий

валютамиз - сўмнинг 2011 йил 17 майдан бошлаб қиймати қуйидагича белгиланди:

1 Австралия доллари	-	1792,14 сўм
1 Англия фунт стерлинги	-	2749,65 сўм
1 АҚШ доллари	-	1699,52 сўм
1 Канада доллари	-	1753,71 сўм
1 СДР	-	2710,29 сўм
1 ЕВРО	-	2428,53 сўм
1 Швецария франки	-	1904,86 сўм
10 Япония иенаси	-	210,08 сўм
10 Жанубий Корея вони	-	15,55 сўм
1000 Туркия лираси	-	1064,40 сўм
1 Россия рубли	-	61,02 сўм

.....

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматини сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Валюта курсини белгилаш ва валюта алмаштириш нисбатларини аниқлаш валюта **котировкаси** дейилади. Валюта котировкаси тўғри ва тескари усулларда амалга оширилади.

Тўғри котировкада хорижий валюта бирлиги курси миллий валютада ифодаланади, масалан:

1 АҚШ доллари = 1699,92 сўм

Тескари котировкада миллий валюта бирлиги курси хорижий валютада ифодаланади, масалан :

1 сўм = 0,00058826297 АҚШ доллари

Бугунги кунда Ўзбекистонда 3 та асосий - расмий, тижорат ва параллел (чайқов бозор) валюта айирбошлаш курслари амал қилмоқда.

Кўриб чиққанимиздек, расмий валюта курси Марказий банк томонидан аниқланади ва бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда фойдаланилади.

Тижорат валюта курси тижорат банклари томонидан ички бозордаги хорижий валютага бўлган талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда аниқланади. Тижорат валюта курслари бўйича тижорат банклари ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан хорижий валютани сотиб олади ва сотади. Масалан, Ташқий иқтисодий фаолият Миллий банк 2011 йил 23 ноябрдаги тижорат курси бўйича 1 АҚШ долларининг сотиб олиш курси 1788, сотиш курси эса 1793 сўмни ташкил этди.

Паралел, яъни чайқов бозор валюта курси. Норасмий равишда фуқаролар ўртасида хорижий валюта олди-сотдисидида қўлланилади. Унга кўра 2011 йил 16 ноябрда 1 АҚШ долларининг сотиб олиш курси 2700 сўмни, сотиш курси эса 2710 сўмни ташкил этди

Тижорат банклари амалиётида ва чайқов бозорида хорижий валютани сотиб олиш ва сотиш курси қўлланилади, яъни арзонроқ сотиб олинади ва қимматроқ сотилади. Фарқи эса воситачилик ҳақи ҳисобланади.

2.3. Валюта операциялари ва уларнинг турлари

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунига кўра валюта операсиялари деганда қуйидагилар тушунилади:

- валюта бойликларига эгалик қилиш ҳуқуқини ўтказиш билан боғлиқ бўлган операциялар, яъни бу операциялар натижасида валюта эгаси ўзгаради;
- Ўзбекистонга хориждан валюта бойликларини олиб келиш ва жўнатиш, шунингдек, Ўзбекистондан хорижга валюта бойликларини олиб чиқиш ва жўнатиш.

Валюта операциялари асосан 2 турга бўлинади:

- жорий валюта операциялари;
- капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган валюта операциялари.

Жорий валюта операсиялари деганда қуйидагилар тушунилади:

- товарларни экспорт ва импорт қилиш, валюта бойликларни олиш ва сотиш, тўловларни тўлаш билан боғлиқ бўлган операциялар;
- хориждан пул ўтказиш ва хорижга пул ўтказиш;
- иш ҳақи, пенсия, алимент, мерос ва шунга ўхшаш носавдо характерига эга бўлган, пул ўтказиш билан боғлиқ бўлган операциялар.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган валюта операциялари деганда қуйидагилар тушунилади:

- инвестициялар, шу жумладан қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш;
- кредитлар бериш ва олиш ;

- маблағларни жалб қилиш, уларни счётларда ва омонатларда сақлаш;
- бошқа молиявий операциялар.

Валюта операциялари тижорат банклари томонидан амалга оширилади. Бунинг учун тижорат банклари Марказий банкдан махсус рухсатнома, яъни лицензия олишлари лозим. 2011 йил бошида мамлакатимизда фаолият кўрсатган 31 та тижорат банкларидан 27 таси валюта операсияларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон тижорат банклари қуйидаги валюта операцияларини амалга оширмоқдалар:

1. Накд хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш. Тижорат банклари нақд хорижий валютани ўзларининг махсус жиҳозланган «Валюта алмаштириш шаҳобчалари» орқали тижорат курси бўйича сотиб оладилар ва сотадилар. Валюта алмаштириш шаҳобчалари аэропорт, вокзал, меҳмонхоналар ва бошқа аҳоли гавжум жойларда очилади.

2002 йил бошида мамлакатимизда тижорат банкларининг 10021 та валюта алмаштириш шаҳобчалари фаолият кўрсатган. Улар орқали ҳар бир Ўзбекистон фуқароси нақд хорижий валютани сотиб олиши ёки чекланмаган миқдорда сотиши мумкин. Чет элликлар учун эса хорижий валютани миллий валютага алмаштириш чегараланмаган.

2. Фуқароларнинг валюта счётларини очиш ва юритиш. Тижорат банклари фуқароларнинг хорижий валютадаги маблағларини омонатлар сифатида жалб

қилишлари мумкин. Бу омонатлар муддатли ва талаб қилингунга қадар бўлиши мумкин.

Хорижий валютадаги омонатлар бўйича фоизлар кўринишида даромад тўланади. Бу эса инфляция шароитида катта аҳамиятга эга.

2010 йил якунлари бўйича Ўзбекистон фуқароларининг банклардаги чет эл валютасида очилган ҳисоб-рақамлари сони 43,6 % га ошди, улардаги маблағлар қолдиғи эса 56,6 % га ўсди.

3. Юридик шахсларнинг валюта счётларини очиш ва юритиш. Тижорат банклари турли мулкчиликка асосланган корхоналар ва ташкилотлар учун уларнинг хорижий валютадаги маблағларини сақлаш ва ҳисоб-китобларни юритиш учун валюта счётларини очадилар. Валюта счётидаги маблағлар счёт эгасининг топшириғи бўйича қуйидаги мақсадларга сарфланиши мумкин:

- экспорт ва импорт операциялари бўйича хорижга пул ўтказиш;
- сафар харажатлари учун нақд хорижий валютада маблағлар бериш;
- олинган валюта кредитларини қайтариш;
- омонатлар сифатида депозит счётларга қўйиш;
- ички валюта бозорида сотиш ва бошқалар.

Халқаро ҳисоб-китоблар юритиш. Банклар томонидан мижозларга халқаро иқтисодий алоқалар бўйича хорижий валютада ҳисоб-китоблар амалга оширилади, яъни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга валюта маблағлари ўтказилади.

Тижорат банклари халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хорижий мамлакатлардаги тижорат банклари ва халқаро миқёсда фаолият кўрсатувчи банклар билан ҳамкорлик қилишлари, яъни корреспондентлик муносабатларини ўрнатган бўлишлари лозим. Корреспондентлик алоқаларини ўрнатган банклар турли мамлакатларда жойлашган бўлишларига қарамасдан, бир-бирларининг топшириқларини бажарадилар.

Хорижий валютада кредит бериш. Тижорат банклари агар ўзларининг хорижий валюталардаги ресурсларига эга бўлсалар, ўз миқдорларига валюта кредитлари беришлари мумкин. Банклар бундай кредитларни асосан, экспорт ва импорт операциялари бўйича, шунингдек қўшма корхоналарга берадилар. Бундай кредитлар қуйидаги мақсадларга берилади:

- экспорт учун товарлар ишлаб чиқаришни яратиш, ўзлаштириш ва кенгайтириш;
- корхоналарнинг жорий экспорт фаолиятини таъминлаш;
- импорт ўрнини босадиган товарлар ишлаб чиқариш ва бошқалар.

Валюта кредити қайси валютада берилган бўлса, шу валютада қайтарилади, Кредит фоизлари ҳам шу валютада тўланади

Мавзу бўйича ўз билиминини мустахкамлаш учун саволлар

Валюта сўзи қандай маъноларни билдиради?

Миллий валюта деганда нима тушунилади?

- Хорижий валютага қандай пул бирликлари қиради?
- Минтақавий валюталарнинг ривожланишидан мақсад нимада?
- Валюта конвертацияси деб нимага айтилади?
- Эркин конвертацияланадиган валюта конвертацияси қандай амалга оширилади?
- Қисман конвертацияланадиган валюталар конвертацияси қандай амалга оширилади?
- Конвертацияланмайдиган валюталар қандай конвертацияланилади?
- Валюта муносабатлари деб нимага айтилади?
- Валюта курси қандай белгиланилади?
- Валюта котировкаси деб нимага айтилади?
- Расмий валюта курси қим томонидан аниқланилади?
- Тижорат валюта курси қандай аниқланилади?
- Чайков бозор валюта курси қандай амалга оширилади?
- Валюта операциялари қайси қонунга биноан амалга оширилади?
- Жорий валюта операцияларида қандай валюта операциялари бажарилади?
- Капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар деганда қандай валюта операциялари тушунилади?
- Ҳозирда Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан қандай валюта операциялари амалга оширилмоқда?

3. ХАЛҚАРО ХИСОБ-КИТОБЛАР ВА КРЕДИТ

Асосий тушунчалар

Халқаро ҳисоб-китоблар

Корреспондентлик муносабатлари

Корреспондент банк

Халқаро клиринг


Халқаро кредит

Халқаро ва минтакавий валюта-кредит ташкилотлари

3.1.Халқаро ҳисоб-китоблар тушунчаси ва уларни ташкил этиш

Маълумки, мамлакатлар ўртасида иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар натижасида пул ҳаракати келиб чиқади. Масалан, ташқи савдони оладиган бўлсак, экспорт қилинган товарлар ва хизматлар учун импортер экспортерга ўз вақтида

уларнинг пулини тўлаши лозим. Акс ҳолда бундай алоқалар тўхтаб қолади.



Халқаро ҳисоб-китоблар деганда бир мамлакатдан бошқа мамлакатга нақд пулсиз ўтказилган тўловлар тушунилади. Халқаро ҳисоб–китоблар турли мамлакатларнинг давлат идоралари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва фуқаролари ўртасида амалга оширилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларни ривожлантиришда беқиёс ўринга эгадир.

Халқаро ҳисоб-китоблар банклар орқали амалга оширилади. Бундай банклар қаторига мазкур мамлакатнинг ихтисослашган йирик банклари, хорижий капитал иштирокида ташкил этилган қўшма банклар, дунёнинг жуда кўп мамлакатларида ўз бўлинмаларига эга бўлган хорижий, минтақавий ҳамда халқаро банклар кирадилар.

Халқаро ҳисоб – китобларни амалга оширувчи ҳар бир банк аввало бошқа мамлакатлардаги банклар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши, яъни **корреспондентлик муносабатларини** ўрнатган бўлиши лозим.

Ушбу муносабатларни ўрнатган банклар ўзаро **корреспондент банклар** деб аталадилар ва улар бир–

бирларининг топшириқларини бажаришга келишиб оладилар.


Масалан, Германиянинг энг йирик банки Дойче Банк ўзининг 1830 та бўлинмасига эга бўлиб, уларнинг 340 таси 32 та хорижий мамлакатларда жойлашган. Дойче Банк 184 та мамлакатдаги 4000 дан ортиқ банклар билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатган.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган банклардан 17 таси дунёнинг деярли барча йирик банклари билан корреспондентлик алоқаларини ўрнатган. Улар қаторига ЎР ТИФ Миллий банки, «Асакабанк», «Агробанк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ипотекабанк» ва бошқалар киради. Биргина ЎР ТИФ Миллий банки дунёнинг 66 та дан ортиқ мамлакатларидаги 472 тадан кўп йирик банклар билан корреспондентлик алоқаларни ўрнатган

Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун банк корреспондентлар бир-бирларида корреспондентлик счётларини очадилар. Бу счётлар «Ностро счёти» ва «Лоро счёти»га бўлинади. «Ностро счёт» «бизнинг счёт» маъносини билдиради. Масалан, ЎР ТИФ Миллий банки учун «Токио банк»ида очилади. «Лоро счёти» эса «уларнинг счёти» маъносини билдиради ва «Токио банк»и учун ЎР ТИФ Миллий банкида очилади. Ушбу счётлар орқали «Токио банк» ва Миллий банк мижозлар учун халқаро ҳисоб – китобларни амалга оширадилар.

Агар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи мижозга хизмат кўрсатувчи банк хорижий банклар билан корреспондентлик муносабатлари ўрнатмаган бўлса, у

ҳолда бу банк мижоз учун халқаро ҳисоб – китобларни воситачи банклар орқали амалга оширади, яъни:



Ҳозирги пайтда Ўзбекистон банкларида очилган хорижий банкларнинг корреспондентлик ҳисоб-варақалари сони 150 тадан ортди.

Банклар халқаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда Жаҳон банклари молиявий Телекоммуникациялар жамияти, яъни СВИФТ хизматларидан фойдаланишлари мумкин. СВИФТ тизими халқаро ҳисоб-китобларни бажаришда тезкор, ишончли ва самарали тизим бўлиб, бугунги кунда ундан фойдаланувчи банклар сони 6000 дан ошган. Айни пайтда Ўзбекистоннинг деярли барча ваколатли банклари СВИФТ тизимига боғланган.

Халқаро ҳисоб-китоблар халқаро клиринг воситасида ҳам амалга оширилиши мумкин. “клиринг” сўзининг маъноси “тозалаш”, “равшанлаштириш” дир.

Клиринг деганда етказиб берилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар учун ўзаро талаб ва

мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда, ҳисоб-китоблар қилиш тизими тушунилади.

Клиринг одатда маълум муддат, яъни ой, чорак ёки йил яқунлари бўйича амалга оширилади.

Масалан: 2010 йил 1 чорагида Ўзбекистоннинг Россия Федерацияси билан ташқи савдо обороти шартли равишда қуйидагича бўлди:

(млн. АҚШ доллари ҳисобида)

Маҳсулотлар	Экспорт	Импорт
Пахта толаси	13,5	-
Металлар	10,1	20,1
Машина ва ускуналар	5,7	50,7
Кимё маҳсулотлари	4,4	14,3
Озиқ-овқатлар	6,3	8,0
Бошқа маҳсулотлар	70,2	9,5
Жами:	110,2	102,6

Агар ҳисоб – китоблар халқаро клиринг орқали амалга оширилса, чорак яқунлари бўйича Россия Ўзбекистонга 7,6 млн. АҚШ доллари (110,2-102,6) тўласа кифоя.

3.2.Халқаро кредитнинг моҳияти ва таснифланиши


Халқаро кредит умумжаҳон муносабатларининг махсус шакли бўлиб, унда давлатлар, трансмиллий

корпорасиялар, халқаро молия-кредит ташкилотлари ва йирик банклар иштирок этадилар.


Халқаро кредитнинг моҳияти бир ёки бир неча мамлакатлар, халқаро молия-кредит ташкилотлари томонидан бошқа мамлакатларга миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларини ривожлантириш ва ўзаро хўжалик алоқаларини кенгайтириш учун товарлар ёки пул шаклидаги ресурсларни вақтинча фойдаланишга беришдан иборатдир.

Халқаро кредитни турли белгилари бўйича таснифлаш мумкин, масалан:


1. Муддатлари бўйича ўта қисқа муддатли (1 кечаю-кундуздан 3 ойгача), қисқа муддатли (1йилгача), ўрта муддатли (1йилдан 5 йилгача), узоқ муддатли (5 йилдан ортиқ муддатга) кредитларга бўлинади:




2. Шакли бўйича экспортёрлар томонидан импортёрларга тўлов муддати узайтирилган, яъни насыяга сотилган товарлар ва банклар томонидан валюта шаклида бериладиган кредитларга бўлинади:



3. Қарз берилган валютага нисбатан халқаро кредитлар қарз берувчи мамлакат валютасида, қарз олувчи мамлакат валютасида ва учинчи мамлакат валютасида берилган кредитларга бўлинади:



4. Қарз берувчиларга нисбатан халқаро кредит хусусий, давлатлар, хусусий-давлатлар, яъни аралаш ва халқаро валюта-кредит ташкилотлар кредитларига бўлинади:



Халқаро хусусий кредитлар турли трансмиллий корпорациялар, фирмалар, банклар ва воситачи брокерлик компаниялари томонидан берилиши мумкин.

Ушбу кредитлар ичида йирик корхона ва фирмалар томонидан бериладиган кредитлар салмоғи жуда каттадир. Масалан, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган жуда кўп кўшма корхоналар хорижий фирмалар ва корхоналар томонидан берилган кредитлар ёрдамида яратилган.

Айниқса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун мавжуд хорижий кредит линиялари

Жами 200 млн.долл кредитлар ажратилган , шу жумладан:

Ислон тараққиёт банки – 15 млн.долл., LIBOR+2,5%

(ИТБ маржаси) йиллик + 3% гача банк маржаси, 10 йилга

Хусусий секторни ривожлантириш буйича Ислон корпорацияси – 18.2 млн.долл., йиллик 12% гача, 5 йилга

Хитой Тараққиёт банки – 75 млн.долл., LIBOR+4,5% йиллик + 3% гача банк маржаси; 7 йилга

Корея ҳукумати кредити 58,6 млн.долл., – CIRR ёки LIBOR + узбек банк маржаси, 5 йилгача;

Германия Федератив Республикаси банклари – Euribor/LIBOR + хор.банк маржаси + банк маржаси, 6 йилгача:

- “Коммерцбанк” – 21,900 млн.долл.;
- “Хипо Ферейне Банк” – 6,4 млн.евро.;
- “ЛандесБанк Берлин АГ” - лимитсиз;
- КФВ банки

Халқаро давлатлар кредити ёки ҳукуматлараро кредитлар у ёки бу мамлакат ҳукумати кредит муассасалари томонидан бошқа мамлакатнинг у бу тармоқларини устувор ривожлантириш мақсадида берилади. Ҳукуматлараро кредитлар хусусий кредитларга нисбатан паст фоизларда ёки имтиёзли равишда ёки умуман фоизсиз, айрим ҳолларда беғараз ёрдам сифатида ҳам берилиши мумкин.

Масалан, 2000 йилда Туркияда рўй берган zilзила оқибатларини тугатиш ва иқтисодиёт обектларини тиклаш мақсадида АҚШ «Эксимбанк»и 50 млрд. АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратди.

Ўзбекистонда касб-хунар таълимини ривожлантириш мақсадида Жанубий Корея ҳукумати республикамизга 37 млн. АҚШ доллари миқдорида, Япония ҳукумати томонидан ҳам кредитлар берди. Бундай кредитлар Европа мамлакатлари томонидан ҳам берилмоқда.

Халқаро ва минтақавий валюта-кредит ташкилотлари томонидан бериладиган кредитлар одатда, ривожланаётган мамлакатларга узоқ муддатларга,

имтиёзли шартларда, паст фоизларда аниқ мақсадларни амалга ошириш учун берилади. Бундай мақсадлар қаторига макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, миллий валютани мустаҳкамлаш, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рақобатчилик мухитини шакллантириш, кадрлар тайёрлаш дастурлари кабилар киради.

Халқаро ва минтақавий валюта-кредит ташкилотлари қаторига Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ ёки Жаҳон банки), Халқаро молия корпорасияси (ХМК), Осиё тараққиёт банки (ОТБ), Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ва бошқалар киради.

Ўзбекистон Республикасининг юқоридаги халқаро ва минтақавий валюта-кредит ташкилотлар билан халқаро кредит муносабатлари тўғрисида келгуси бўлимда батафсил маълумот берилади.

Ҳозирги пайтда ривожланаётган ва муҳтож мамлакатларга халқаро кредитдан ташқари турли жамоат ташкилотлари ва фондлар томонидан беғараз ёрдам кўрсатилмоқда. Бундай ёрдам асосан соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантириш, экологик муаммоларни бартараф этиш ва бошқа мақсадларда берилмоқда. Бундай ташкилотлар сифатида Халқаро «Экосан» фонди, Халқаро Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари, ТАКИС дастури, Германиянинг К.Аденуэр ва А.Гумболт, АҚШнинг Б.Франклин ва Г.Сорос фондлари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар

Халқаро ҳисоб-китоблар деганда нима тушунилади?

Корреспондентлик муносабатлари ўрнатиш қандай тартибда амалга оширилади?

Корреспондент банклар деб қандай банкларга айтилади?

«Ностор счёт» қандай маънони англатади?

«Лоро счёт» қандай маънони англатади?

Халқаро клиринг воситасидан нима мақсадларда фойдаланилади?

Халқаро кредитнинг моҳияти нимада?

Халқаро кредит қандай белгилари билан таснифланилади?

Халқаро хусусий кредитлар қимлар томонидан берилади?

Халқаро давлатлар кредит ёки ҳукуматлараро кредитлар нима мақсадларда берилади?

Халқаро ва минтақавий валюла-кредит ташкилотлари томонидан бериладиган кредитлар қимларга, нима мақсадда, қандай шартларда берилади?

Халқаро ва минтақавий валюта-кредит ташкилотларига қандай ташкилотлар қиради?

«Халқаро иқтисодий алоқалар ва валюта муносабатлари» бўлими бўйича тестлар

1. Халқаро кредит деганда қандай кредит тушунилади?

- А. Халқаро иқтисодий ҳамкорлик жараёнида давлатлар, молия-кредит ташкилотлари, фирма ва компаниялар ҳамда банклар томонидан бериладиган кредитлар.
- В. Халқаро молия-кредит ташкилотлари томонидан бериладиган кредитлар
- С. Давлатлар томонидан бир - бирларига бериладиган кредитлар
- Д. Хукуматлар ва давлатлар томонидан бериладиган кредитлар
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

2. Экспорт деганда нима тушунилади?

- А. Мамлакатга бошқа мамлакатлардан товарлар, хизматлар ва капитал киритиш
- В. Мамлакатдан бошқа мамлакатларга товарлар, хизматлар ва капитал чиқариш
- С. Мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб этиш
- Д. Мамлакатга четдан иш кучи ресурсларни келтириш
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

3. Ўзбекистон экспортида энг катта салмоққа эга бўлган маҳсулот ёки хизматлар тури?

- А. Пахта толаси
- В. Кора ва рангли металллар
- С. Хизматлар ва бошқалар
- Д. Минерал ва кимё маҳсулотлари
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

4. Валюта конвертацияси деганда нима тушунилади?

- А. Миллий валютанинг бошқа миллий валютада ифодаланиши
- В. Миллий валютанинг олтинга тенглаштирилиши
- С. Миллий валютанинг эркин алмаштириладиган валюталарга нисбати
- Д. Миллий валютанинг бошқа валюталарга алмаша олиш хусусияти
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

5. Халқаро ҳисоб-китоблар деганда нима тушунилади?

- А. Мамлакатлар ўртасидаги кредит муносабатларини тартибга солувчи тизим
- В. Хорижий банклар воситасида амалга оширилувчи тизим
- С. Бир мамлакатдан бошқа мамлакатга нақд пулсиз ўтказилган тўловлар
- Д. Мамлакатлар ўртасидаги ташқи савдо бўйича ҳисоб-китоблар
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

6. Импорт деганда нима тушунилади?

- А. Мамлакатдан бошқа мамлакатларга товарлар, хизматлар ва капитал чиқариш
- В. Мамлакатга бошқа мамлакатлардан товарлар, хизматлар ва капитал киритиш

- С. Мамлакатдан бошқа мамлакатларга инвестицияларни чиқариш
- Д. Мамлакатдаги иш кучи ресурсларини бошқа мамлакатларга чиқариш
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

7. Ўзбекистон импортида энг катта салмоққа эга бўлган маҳсулот ёки хизматлар тури?

- А. Машина ва жиҳозлар, илғор технологиялар
- В. Минерал ва кимё маҳсулотлари
- С. Қора ва рангли металллар
- Д. Озиқ - овқатлар ва дори - дармонлар
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

8. Валюта курси қандай аниқланади?

- А. Миллий валюталарни эркин алмаштириладиган валюталарга таққослаш орқали
- В. Турли валюталар бир-бирларига таққосланади
- С. Турли мамлакатлар миллий валютасига бўлган талаб ва таклифга асосан
- Д. Турли мамлакатларда мингдан ортиқ товарлар нархи миллий валютада таққосланади, валюталарнинг ҳарид қобилияти аниқланади
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

9. Хорижий валюта деганда нима тушунилади?

- А. Хорижий давлатлар пул бирликлари ва бошқа тўлов воситалари

- В. Хорижий давлатлар пул бирликларида тўлдирилган тўлов ҳужжатлари (чеклар, сертификат ва векселлар)
- С. Хорижий давлатлар пул бирликларида ифодаланган қийматли қоғозлар (аксиялар, облигациялар)
- Д. Хорижий давлатлар пул белгилари, омонат ва сётларда сақланаётган хорижий давлатлар пул бирликларидаги маблағлар
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

10. Клиринг деганда нима тушунилади?

- А. Ички ва ташқи клиринг тушунилади
- В. Халқаро ҳисоб-китобларда кенг қўлланиладиган тизим тушунилади
- С. Товарлар, хизматлар ва қимматли қоғозлар бўйича ўзаро талаб ва мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар тизими
- Д. Асосан эркин муомаладаги валюталарда ҳисоб-китоб юритиш тизими
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

11. Халқаро иқтисодий алоқалар деганда нима тушунилади?

- А. Мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликлари тушунилади
- В. Мамлакатнинг ташқи савдо бўйича фаолияти тушунилади
- С. Халқаро меҳнат тақсимоти тушунилади
- Д. Халқаро иш кучи қайта тақсимоти тушунилади
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

12. Халқаро кредит деганда нима тушунилади?

- А. Хорижий давлатлар (хукуматлар) томонидан бериладиган кредит
- В. Хорижий фирмалар, компаниялар ва корпорасиялар томонидан бериладиган кредит
- С. Трансмиллий корпорасиялар томонидан бериладиган кредит
- Д. Халқаро молия-кредит муассасалари томонидан бериладиган кредит
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

13. Валюта курси нима?

- А. Бир мамлакат миллий валютасининг бошқа мамлакат миллий валютасида ифодаланган баҳоси
- В. Бир мамлакат миллий валютасини бошқа мамлакатлар миллий валюталарига айирибошлаш
- С. Миллий валютанинг олтинга тенглаштирилиши
- Д. Миллий валютанинг АҚШ миллий валютасида ифодаланиши
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

14. Банклараро ўзаро корреспондентлик муносабатлари деганда нима тушунилади?

- А. Бир кредит муассасаси томонидан бошқа кредит муассасасида счётлар очилиши.
- В. «Ностро» ва «Лоро» счётлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш муносабатлари

- С. Банклар ўртасида тўловлар ва ҳисоб-китобларни бир бирларининг топшириқларига асосан амалга оширилиши тўғрисидаги битим
- Д. Банклар ўртасида бир - бирига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги битим
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

15. Халқаро меҳнат тақсимоти деганда нима тушунилади?

- А. У ёки бу мамлакатларнинг табиий имкониятлари
- В. У ёки бу мамлакатнинг у ёки бу маҳсулотни қулай, арзон ва сифатли ишлаб чиқаришга ихтисослашуви
- С. У ёки бу мамлакатларнинг ресурслари ва табиий иқлим шароити
- Д. Иқтисодий манфаатдорлик тамойилига асосланиш
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

16. Иш кучи миграцияси деганда нима тушунилади?

- А. Иш кучи ресурсларининг айрим мамлакатларда нисбий ортиқчалиги, бошқа мамлакатларда эса етишмаслиги
- В. Иш кучи ресурсларининг табиий ўсиши
- С. Иш кучи ресурсларининг табиий камайиши
- Д. Иш кучи ресурсларининг мамлакатлар ўртасида кўчиб юриши
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

17. Валюта муносабатлари деганда нима тушунилади?

- A. Миллий валютанинг олтинга тенглаштирилиши
- B. Бир миллий валютанинг бошқа бир миллий валютада ифодаланган баҳоси
- C. Бир миллий валютанинг бошқа миллий валюталарга айирбошланиши
- D. Миллий валютанинг АҚШ миллий валютасида ифодаланиши
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

18. Қуйидагилардан қайси бири Халқаро иқтисодий алоқаларнинг энг асосий йўналиши ҳисобланади?

- A. Ташқи савдо
- B. Иш кучи миграцияси
- C. Сайёҳлик ва кредит муносабатлари
- D. Илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

19. Халқаро илмий-техникавий ҳамкорлик деганда нима тушунилади?

- A. Экологик муаммоларни ҳал қилишда ҳамкорлик қилиш
- B. Жаҳон океани, биосфера ва фазода илмий тадқиқотлар ўтказиш бўйича ҳамкорлик
- C. Илмий-техника тараққиёти соҳасидаги ҳамкорлик
- D. Илмий кашфиётлар натижаларидан ҳамкорликда фойдаланиш
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

20. Қуйидагилардан қайси бири эркин конвертацияланадиган валюта ҳисобланади?

- A. Япония иенаси
- B. Швесария франки
- C. АҚШ доллари
- D. Канада доллари
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

21. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонуни қачон қабул қилинган?

- A. 1993 йил 7 майда
- B. 1994 йил 5 июнда
- C. 1995 йил 26 декабрда
- D. 1996 йил 25 апрелда
- E. Тўғри жавоб йўқ.

22. Валюта операциялари қандай турларга бўлинади?

- A. Нақд хорижий валютани алмаштириш
- B. Хорижий валютада кредит бериш
- C. Хорижий валютада омонатлар қабул қилиш
- D. Жорий ва капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган валюта операциялари
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

23. Ташқи савдо деганда нима тушунилади?

- A. Мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларни бошқа

мамлакатларга сотилиши

В. Бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматларнинг сотиб олиниши

С. У ёки бу мамлакатларнинг бошқа мамлакатларга маҳсулотлар ва хизматларни сотиши ва сотиб олиши

Д. Мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий ҳамкорлиги

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

24. Ҳозирда Халқаро сайёҳлик қуйидаги мамлакатлардан қайси бирида энг юқори даражада ривожланган?

А. Франция

В. Испания

С. Италия

Д. Хитой

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

25. Валюталар конвертацияланиш даражасига қараб қайси турларга бўлинади?

А. Тўла-тўқис яъни эркин конвертацияланадиган

В. Қисман конвертацияланадиган

С. Конвертацияланмайдиган

Д. Ички ва ташқи конвертацияланадиган

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

26. Миллий валюта нима?

А. Хорижий давлатларнинг пул бирликлари ва тўлов воситалари

В. Халқаро пул бирликлари ва тўлов воситалари

- С. Икки ва ундан ортиқ мамлакатларнинг пул бирликлари ва тўлов воситалари
- Д. Муайян мамлакатнинг расмий пул бирлиги
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

27. Валюта операцияларини ўтказиш бўйича ваколатли банклар деганда қандай банклар тушунилади?

- А. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган қўшма банклар
- В. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки
- С. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
- Д. Валюта операсияларини амалга оширишга рухсатнома-лицензия олган тижорат банклари
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

28. Халқаро кредит қандай шаклларда берилади?

- А. Товарлар шаклида
- В. Пул маблағлари сифатида
- С. Товар ва валюта шаклида
- Д. Инвестиция шаклида
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

29. Ўзбекистонга 2002 йилда қанча хорижий инвестициялар жалб этилди?

- А. 500,0 млн АҚШ доллари миқдорида
- В. 600,0 млн АҚШ доллари миқдорида
- С. 650,0 млн АҚШ доллари миқдорида
- Д. 700,0 млн АҚШ доллари миқдорида

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

30. Товарларни арзон ва сифатли ишлаб чиқариш хамда экспорт қилишга қуйидаги омиллардан қайси бири таъсир этади?

- А. Иш кучининг арзонлиги ва малакаси
- В. Мамлакатнинг табиий ресурслари
- С. Мамлакатнинг илмий салоҳияти
- Д. Мамлакатда тўпланган тарихий тажриба
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

31. 2002 йил якуни бўйича Ўзбекистон ташқи савдо оборотида:

- А. Салбий салдога эришилди
- В. Экспорт импортга тенг бўлди
- С. Экспорт импортдан кам бўлди
- Д. Экспорт импортдан кўп бўлди
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

32. 2002 йилда Ўзбекистонда нечта қўшма корхоналар фаолият кўрсатган?

- А. 2500 та
- В. 3000 та
- С. 3500 та
- Д. 4000 та
- Е Тўғри жавоб йўқ.

33. Қуйидагилардан қайси Халқаро ёки минтақавий валюталар таркибига киради?

- A. СДР
- B. ЕВРО
- C. КФА франки
- D. Шарқий Кариб доллари
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

34. Валюта котировкаси деганда нима тушунилади?

- A. Тўғри ва тесқари методларда амалга ошириш
- B. Валюта курсини белгилаш ва валюта алмаштириш нисбатларини аниқлаш
- C. Валюталарни сотиш ва сотиб олиш
- D. Валюта муносабатлари ва валюта курси
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

35. Валюта курсларининг қандай турлари амал қилади?

- A. Расмий валюта курси
- B. Тижорат валюта курси
- C. Параллел валюта курси
- D. Чайқов бозор валюта курси
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

36. Ўзбекистон тижорат банклари томонидан қандай валюта операциялари амалга оширилмоқда?

- A. Нақд хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш

- В. Жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг валюта счётларини очиш ва юритиш
- С. Халқаро ҳисоб-китоблар
- Д. Хорижий валютада кредит бериш
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

37. ЎР ТИФ Миллий банки хорижий мамлакатларнинг канча банклари билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатган?

- А. 300 дан ортиқ
- В. 400 дан ортиқ
- С. 450 дан ортиқ
- Д. 500 дан ортиқ
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

38. Халқаро кредитлар муддатлари бўйича қандай турларга бўлинади?

- А. Қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар
- В. Ўта қисқа, қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар
- С. Қисқа, ўрта, узоқ ва жуда узоқ муддатли кредитлар
- Д. Қисқа, ўрта, узоқ муддатли ва муддациз кредитлар
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

39. Расмий валюта курси -

- А. Тижорат банклари томонидан фуқаролардан хорижий валютани сотиб олиш ва сотишда қўлланилади

В. Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда фойдаланилади

С. Норасмий равишда фуқаролар ўртасида амалдаги қонун-қоидаларга зид ҳолда (чайков бозорда) нақд хорижий валюта олди-сотдисида қўлланилади

Д. Аэропорт, шоҳбекат, бандаргоҳ, меҳмонхона, бозор ва бошқа аҳоли гавжум бўлган жойларда қўлланилади

Е. Тўғри жавоб йўқ.

40. 2002 йил 3 июндан бошлаб тижорат банкларининг валюта алмаштириш шаҳобчалари орқали ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ҳар чоракда қанча миқдорда хорижий валютани сотиб олиши мумкин?

А. 1000 АҚШ доллари миқдорида

В. 1500 АҚШ доллари миқдорида

С. 2000 АҚШ доллари миқдорида, шу жумладан 500\$ йўл чеки ҳисобида

Д. 2500 АҚШ доллари миқдорида, шу жумладан 1000\$ йўл чеки ҳисобида

Е. Тўғри жавоб йўқ.

41. Ҳозирда қайси мамлакатлар ҳукуматлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий соҳаларига давлат кредитлари ажратилмоқда?

А. Германия

В. Япония

С. Жанубий Корея

Д. АҚШ

Е. Нотўғри жавоб йўқ.

42. Тижорат валюта курси -

А. Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда фойдаланилади

В. Норасмий равишда фуқаролар ўртасида амалдаги қонун-қоидаларга зид ҳолда (чайков бозорда) нақд хорижий валюта олди-сотдисида қўлланилади

С. Аэропорт, шоҳбекат, бандаргоҳ, меҳмонхона, бозор ва бошқа аҳоли гавжум бўлган жойларда қўлланилади

Д. тижорат банклари томонидан фуқаролардан хорижий валютани сотиб олиш ва сотишда қўлланилади

Е. Тўғри жавоб йўқ.

43. Халқаро хусусий кредитлар қандай қарз берувчилар томонидан берилади?

А. Хорижий давлатлар ва ҳукуматлар томонидан

В. Фирмалар, трансмиллий корпорациялар, компаниялар, банклар ва бошқалар томонидан

С. Халқаро молия-кредит ташкилотлари томонидан

Д. Нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан

Е. Тўғри жавоб йўқ.

44. Ҳозирда ривожланаётган ва муҳтож мамлакатларга қандай Халқаро нодавлат-нотижорат ташкилотлари томонидан беғараз ёрдам кўрсатилмоқда?

- A. Халқаро Экосан фонди
- B. Халқаро Қизил Ҳоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари
- C. Европа Иттифоқининг ТАКИС дастури бўйича
- D. К.Аденуэр, А.Гумболт, Б.Франклин, Г.Сорос фондлари
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

45. Қарз берувчиларга нисбатан Халқаро кредитлар қандай турларга бўлинади?

- A. Хусусий кредитлар
- B. Давлатлар (ҳукуматлар) кредитлари
- C. Аралаш кредитлар
- D. Халқаро ва минтақавий молия-кредит ташкилотлари кредитлари
- E. Нотўғри жавоб йўқ.

46. Қайси минтақаларда иш кучи нисбатан ортиқча?

- A. Ғарбий ва Марказий Европа мамлакатларида
- B. Шимолий Америкада
- C. Осиё ҳамда Лотин Америкасида
- D. Австралия, Япония, Янги Зеландия ва бошқа мамлакатларда
- E. Тўғри жавоб йўқ.

47. Параллел, яъни чайков бозор валюта курси -

- A. Аэропорт, шоҳбекат, бандаргоҳ, меҳмонхона, бозор ва бошқа аҳоли гавжум бўлган жойларда қўлланилади
- B. Тижорат банклари томонидан фуқаролардан хорижий валютани сотиб олиш ва сотишда қўлланилади

- С. Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда фойдаланилади
- Д. Норасмий равишда фукаролар ўртасида амалдаги конун-қоидаларга зид ҳолда (чайков бозорда) нақд хорижий валюта олди-сотдисида қўлланилади
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

48. Қайси минтакаларда иш кучи етишмайди?

- А. Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада
- В. Марказий Европада
- С. Марказий Осиёда
- Д. Жанубий-Шарқий Осиёда
- Е. Нотўғри жавоб йўқ.

49. Ривожланаётган мамлакатларга энг кўп иқтисодий ёрдам кўрсатаётган дунёнинг энг бой яъни «донор» мамлакатлари қайсилар?

- А. Исроил, Бирлашган Араб Амирликлари, Канада, Жанубий Корея
- В. АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия
- С. Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Россия Федерацияси
- Д. Швецария, Белгия, Италия, Португалия
- Е. Тўғри жавоб йўқ.

50. Ўзбекистонда 2002 йил 1 январ ҳолатига фаолият кўрсатган тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шахобчалари (пунктлари) сони?

- A. 1021 та
- B. 1031 та
- C. 1041 та
- D. 1051 та
- E. Тўғри жавоб йўқ.

*“Айнан банклар, таъбир жоиз бўлса,
бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб
турадиган қон томир ҳисобланади,
мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий
барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг
самарали фаолиятига боғлиқ”.*

И.А.Каримов

БАНКЛАР ВА БАНК ТИЗИМИ

IV-бўлим

1. Банк тушунчаси ва унинг вазифалари

Асосий тушунчалар

Банк

Пулни саклаш

Саррофлар

Пул алмаштириш

Кредит операциялари

Накд пулсиз хисоб-китоблар
Банклар таснифи
Эмиссион банклар
Тижорат банклар
Ихтисослашган банклар
Универсиал банклар
Давлат банклари
Давлат акциядорлик банклари
Акциядорлик банклар
Хусусий банклар
Қушма банклар

1.1. Банкларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг пул-товар муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни

«Банк» сўзи италянча «банко» сўзидан олинган бўлиб, пул муомаласи ва кредит муносабатлари амалга ошириладиган «стол», «пештахта», «курси» маъноларини билдиради. Банклар дастлаб Ғарбий Европанинг Генуя, Флоренция ва Венеция шаҳарларида ўрта асрларда пайдо бўлган.

Банкларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб, товар-пул муносабатларининг ривожланиши ҳисобланади. Товар-пул муносабатларининг мавжудлиги ва уларнинг ривожланиб бориши барча ижтимоий-иқтисодий тузумларда ҳам банкларни фаолият кўрсатишларини тақозо қилади.

Банкларни пайдо бўлишига асосий сабаблардан қуйидагиларни кўриб чиқамиз:

1. Маълумки, қадимда кишилар анча тарқоқ, бир-бирларидан узоқда яшаганлар. Улар турли урушлар, босқинчилик ва талончилик натижасида кўп жабрланганлар. Дастлабки банклар ана шу замонларда пайдо бўлган. Улар йирик шаҳарлар, аҳоли кечаю-кундуз гавжум бўладиган бозорлар, карвонсаройлар, ибодатхоналар ва портларда мустақкам биноларда жойлашганлар. Пулдорлар ўз пуллари ва бойликларини маълум ҳақ тўлаш эвазига ана шу банкларда сақлаганлар. Ана шундай тарзда банкларнинг биринчи-пулни сақлаш операсиялари вужудга келган.

2. Ўрта асрларда йирик давлатлар жуда кам, аксинча, майда феодал давлатлар – князлик, графлик, хонлик, амирлик ва шу кабилар жуда кўп бўлган. Ҳар бир ҳукмдор тахтга ўтиргач, биринчи навбатда ўз номидан танга зарб этган. Бу тангалар аввалгиларидан ўзгача бўлган. Ана шу сабабли савдо-сотикда турли-туман тангалар ишлатилган. Улар бир-бирларидан вазни, шакли, кўриниши ва таркиби жиҳатидан фарқ қилганлар. Бу тангаларнинг ҳақиқийлиги, таркиби ва қийматини аниқлаш, уларни бир-бирига таққослаш, шунингдек, алмаштириш зарурати туғилган. Бу вазифаларни дастлаб **саррофлар**, Кейинроқ эса банклар бажара бошлаганлар. **Пул алмаштириш** қадимий банкларнинг иккинчи операцияларидир.


3. Пул сақлаш ва алмаштириш билан шуғулланиш натижасида банкларда катта миқдорда пул маблағлари жамғарила борган. Аммо бу пуллар ҳаракатсиз ётган. Аста-секин банк эгалари бу пулларни маълум ҳақ эвазига

ўз номларидан қарзга бера бошлаганлар. Қарзни ўз муддатида қайтарилишини кафолатлаш учун қарз олувчининг мол-мулки (уй-жойи, ери, кемалари ва бошқалар) гаровга олинган. Ана шундай тарзда банкларнинг учинчи операциялари, яъни, **кредит операциялари** келиб чиққан. Энди банклар **судхўрлик** билан ҳам шуғуллана бошлаганлар.

4. Маълумки, банк эгаси томонидан банкка пул қўйган ҳар бир кишининг пул қўйиши ва олиши ҳисоб-китоби «темир дафтарда» олиб борилган. Шундай ҳоллар ҳам бўлганки, бир-бири билан савдо-сотик ёки «олди-берди» қилувчи икки ва ундан ортиқ кишилар бир банкда ўз пулларини сақлаганлар. Улар ҳар сафар банкдан нақд пул олишлари, ўзаро ҳисоб-китоб қилгандан сўнг, уни яна қайтариб банкка қўйишлари лозим бўлган. Бошқача қилиб айтганда, банк эгаси ертўладаги сандиқларни очиб, пулни эгасига берган, у эса ўз навбатида иккинчи кишига берган. Иккинчи киши эса пулни яна банкка қўйган, яъни серташвиш «пулни шамоллатиш операцияси» ўтказилган, холос.

Бу оворагарчиликдан кўра, банк эгаси томонидан «Темир дафтар» даги пул берувчининг пулини маълум миқдорга камайтириб, пул олувчиникига қўшиб қўйса бўладику! Ана шундай қилиб кишилар банклар орқали **нақд пулсиз ҳисоб-китоблар** қила бошлаганлар.

Кўриб чиққанимиздек, қадимги банкларнинг дастлабки операциялари қуйидагича ривожланган:



Ҳозирги банклар ўз мижозларига юзлаб турдаги хизматлар кўрсатмоқдалар. Энди улар қадимий саррофларнинг кўримсиз дўкончалари-ю, судхўрларнинг ярим қоронғи уйларига сира ўхшамайдилар. Улар катта-кичик шаҳарларнинг энг муҳташам биноларида жойлашганлар, у ерда энг замонавий жиҳозлар ўрнатилган бўлиб, махсус маълумотларга эга бўлган минглаб мутахассислар ишлашади.

Банкларнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни бекиёсдир. Уларни бежиз «иқтисодиёт қон томирлари» ёки «иқтисодиёт локомотивлари» деб айтишмайди.

1.2. Банк тушунчаси. Банк бўлимлари (филиаллари) ва ваколатхоналари. Банкларнинг кредит тизимидаги ўрни ва асосий вазифалари

Банк деб, пул маблағларини йиғувчи, сақлаб берувчи, кредит ва ҳисоб-китоблар, шунингдек, бошқа ҳар хил воситачилик операцияларини бажарувчи муассасаларга айтилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелида қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонунига кўра:

Банк - тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган, куйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир:

- юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;
- тўловларни амалга ошириш.

Чет эл банки – Чет эл банкининг ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширадиган шўба банки бўлиб, унинг устав капиталининг ҳаммаси чет эл банки томонидан тўланади.

Банклар Ўзбекистон Республикасида ўз филиалларини, Чет эл банклари эса ўз ваколатхоналарини Марказий банкнинг рухсати билан очишлари мумкин.

Банк филиали – уни ташкил этган банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алоҳида бўлинмадир.

Чет эл банки ваколатхонаси – банк фаолиятини амалга оширмаган ҳолда, банкнинг манфаатларини кўзлаб иш юритувчи алоҳида бўлинмадир.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиққан ҳолда куйидагиларга эътибор бериш лозим:


«Банк филиали» ва «Банк бўлими» моҳиятан бир хил тушунча бўлиб, улар мижозлар учун банк операцияларини амалга оширадилар, яъни банк фаолияти билан шуғулланадилар.

Банк ваколатхоналари эса банк фаолияти билан шуғулланмайдилар, балки ўзларининг бош банклари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакат

иқтисодиётини ўрганадилар, таҳлил этадилар, турли ҳисоботлар тузадилар, ўзларининг таклиф ва хулосаларини бош банкка тақдим этадилар.

Ўзбекистон мустақиллигига эришилган 1991 йилда тижорат банкларнинг сони 16 та бўлган бўлса 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра, фаолият кўрсатаётган жами банклар сони 31 тани, шулардан 3 таси давлат, 13 таси акциядорлик-тижорат, 10 таси хусусий ва 5 таси хорижий капитал иштирокидаги тижорат банкларини ташкил этди.

Шунингдек, банкларнинг жойлардаги 9 мингдан ортиқ бўлим ва филиаллари, ҳамда мини-банклари мижозларга самарали банк хизматларини кўрсатмоқдалар.



Банклар кредит тизимининг энг муҳим бўғини бўлиб, уларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- жамиятдаги бўш пул маблағларини йиғиш ва жамлаш, уларни кредит ва инвестициялар сифатида иқтисодиётни ривожлантириш учун сарфлаш, яъни ҳаракатдаги капиталга айлантириш;
- тўловларда воситачилик қилиш. Банклар ўз мижозларининг топшириқларига асосан тўловларни амалга оширадидилар, маблағларини ҳисоб варақлар(счёт)ига қабул қиладидилар, пул тушумларини ҳисобга оладидилар, мижозларга нақд пул маблағларини берадидилар ва бошқалар;
- муомалага кредит воситалари, турли қийматли қоғозларни чиқариш, сотиш ва сотиб олиш ҳамда бошқаларни амалга ошириш;
- чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган операцияларни амалга ошириш ва бошқалар.

1.3. Банклар таснифи

Банклар таснифи деганда, уларни у ёки бу белгиларига қараб гуруҳлаш тушунилади. Қуйида банкларни айрим белгилари бўйича таснифлаб кўрамиз:

1. Банклар ўзлари бажарадиган вазифаларга кўра қуйидаги турларга бўлинади:
- 2.



Банклар

тижорат банклари

Эмиссия банкларининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

- мамлакат миллий пул бирлигини мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш;
- мамлакатда нақд пул муомаласи ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил этиш ва таъминлаш;
- мамлакатда фаолият кўрсатаётган тижорат банклари ва бошқа кредит муассасаларини назорат қилиш ва тартибга солиш;
- бошқа вазифалар.

Эмиссия банклари ҳар бир мамлакатда бир ёки бир нечта бўлиб, турлича номланади.

Масалан, Ўзбекистонда - Марказий банк, Россияда - Центральный банк, Германияда - Бундесбанк, АҚШ да Федерал резерв тизими ва ҳаказо.

Эмиссия банклари одатда, давлат банки бўлиб, мамлакат манфаатларини ҳимоя қиладилар ва ҳукумат муассасаси сифатида фаолият кўрсатадилар.


Тижорат банкларининг энг асосий мақсади ўз фаолиятлари натижасида даромад олиш бўлиб, турли корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга банк хизматларини кўрсатадилар. Улар ҳар бир мамлакатда ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб фаолият кўрсатишлари мумкин. Масалан, АҚШда - 13000 га яқин, Швесияда – 40 та, Россияда – 2500 тага яқин, Ўзбекистонда эса 31 та тижорат банклари фаолият кўрсатмокда.

3. Банклар хўжалик юритиш белгиси ва хизмат кўрсатиш соҳаларига қараб ихтисослашган ва универсал банкларга бўлинадилар:

Ихтисослашган банклар одатда халқ хўжалигининг у ёки бу тармоқлари ва соҳаларини устувор ривожлантиришга хизмат қиладилар. Улар асосан, ана шу тармоқ ва соҳага тегишли корхона ва ташкилотларга хизмат кўрсатадилар. Бундай банклар қаторига инвестиция, ипотека, инновасия, биржа банклари ва бошқалар киради.

Универсал банклар эса ўз мижозларининг у ёки бу тармоқларга тегишли бўлишидан қатъий назар, уларга турли-туман банк хизматларини кўрсатадилар.

4. Мулкчилик шаклига қараб банклар қуйидаги турларга бўлинадилар:



Давлат банклари давлат мулкига асосланиб фаолият кўрсатадилар. Республикамизда бундай банклар қаторига Ўзбекистон Республикаси Ташқи Иқтисодий Фаолият Миллий банки, Асакабанк ва Халқ банки киради.

Давлат-аксиядорлик банкларининг маблағлари давлат ва аксиядорлар мулкига асосан ташкил этилади. Бундай банклар қаторига мамлакатимиздаги «Асака» ва «Замин» банклари киради.???

Аксиядорлик банклари аксиядорлар мулкига асосан ташкил этилади. Республикамизда фаолият кўрсатаётган аксарият банклар аксиядорлик-тижорат банклари бўлиб, улар қаторига «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ипотекабанк», «Агробанк», «Қишлоқ қурилишбанк», «Туронбанк», «Микрокредитбанк», «Савдогарбанк», «Алоқабанк», «Трастбанк», «Ипак йўли» банки, «Авиабанк» ва «Ҳамкорбанк» лар киради.

Бундай банкларнинг аксиядорлари сифатида ҳуқуқий шахслар (корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар) ва жисмоний шахслар (фуқаролар) чиқишлари мумкин. Масалан, «Ўзсаноатқурилишбанк» устав капиталининг 80 фоизи ҳуқуқий шахслар, 20 фоизи эса жисмоний шахслар улушига туғри келади.

Хусусий банкларнинг маблағлари ҳуқуқий ва жисмоний шахслар мулкига асосан ташкил этилади. Бундай банклар қаторига мамлакатимиздаги ХОАТБ «Туркистонбанк», ХТОАББ «Трастбанк», ХОАТБ «Универсалбанк», ХОАТБ «Равнақбанк», ХЁАТБ «Даврбанк», ХОАТБ «Invest Finance Bank», ХОАТБ «Амирбанк», ХЁАТБ «Orient finans», ХОАТБ «Asia Allians bank», **Бундай банкларнинг устав капиталидаги ҳуқуқий** ва жисмоний шахсларнинг улуши ҳар хил бўлади. Масалан, «Самарқандбанк»да эса 50 % дан,

ХЕАТБда эса жисмоний шахслар улуши – 100 % ни ташкил этади.

Хорижий сармоя иштирокидаги (қўшма) банклар. Бундай банкларнинг устав капитали Чет эл ва республика ҳукуқий шахслари томонидан ташкил этилади. Республикамизда «ЎТ банк», «Ўзприватбанк», «АБН-АМРО банк», «ЎзДЕУ Банк» каби қўшма банклар фаолият кўрсатмоқдалар. Масалан, «УТ банк » устав капитали Ўзбекистоннинг «Агробанк»и ва Туркиянинг «Зироатбанк»и томонидан 50 фоиздан шакллантирилган.

Банкларни юқорида кўриб чиқилган белгиларидан ташқари бошқа белгиларига қараб ҳам таснифлаш мумкин.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар

«Банк» сўзи қандай маъноларни англатади?

Банкларнинг пайдо булишига асосий сабаб нималарда?

Банкларнинг дастлабги операциялари қандай вужудга келди?

Банк - қандай ташкилот?

Банклар қандай белгиларига қараб таснифланилади?

Эмиссия банкларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Тижорат банкларнинг энг асосий мақсади нимадан иборат?

Иктисослашган банклар асосан қайси мақсадларда хизмат қиладилар?

Универасл банклар мижозларга канлай хизматлар курсатадилар?

Мулкчилик шаклига караб банклар қандай турларга бўлинадилар?

Ўзбекистонда фолият кўрсатаётган банкларга тариф беринг

2. БАНК ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСИМЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК ТИЗИМИ ВА БАНКЛАРИ УЮШМАСИ

Асосий тушунчалар

Банк тизими

Икки поғонали банк тизими

Банклар (Ассоциация) уюшмаси


2.1. Банк тизими тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси банк тизими

Банк тизими кредит тизимининг энг асосий бўғини бўлиб, банк операцияларини амалга оширувчи барча турдаги банклар мажмуидан иборатдир. Банк

тизими доимий равишда такомиллашиб боради. Унинг у ёки бу кўринишда бўлиши мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатга боғлиқ.

Ўзбекистон мустақилликка эришгунга қадар Республикамиз банк тизими собиқ СССР банк тизимининг таркибий қисми бўлиб, унда фақат бир неча банклар, яъни СССР Давлат банки, СССР Саноат-қурилиш банки, СССР Агросаноат банки, СССР уй-жой қурилиш ва ижтимоий таъминот банки, СССР Ташқи иқтисодий фаолият банки ва СССР Давлат меҳнат омонат жамғарма кассаларининг Республика, вилоят идоралари ва туман бўлимлари фаолият кўрсатар эди. Бутун банк тизими Марказдан бошқарилиб, кредитлаш жараёнлари белгиланган лимитлар асосида Марказнинг рухсати билан амалга оширилар ва барча масалаларни Марказдан ҳал қилинар эди.

Ана шу сабабли Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган, хорижий мамлакатларда қабул қилинган, сифат жиҳатидан янги банк тизимини яратиш зарур эди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ҳам барча мамлакатларда қабул қилинган **икки поғонали** банк тизими амал қилмокда. У қуйидаги кўринишда:



И-

І - поғона

II- поғона

Тижорат банклари Мижозлар

Ўзбекистонда икки поғонали банк тизимини ташкил этишга реал асос бўлиб, 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонун ҳисобланади. Унга кўра давлат бошқарув идоралари республика Марказий банки фаолиятига аралашмасликлари керак, у фақат Республика Олий мажлисига ҳисобот бериши ўринли эканлиги белгилаб қўйилди. Марказий банк ўзининг кредит тизимидаги ўрнини сақлаб қолган ҳолда, корхона ва ташкилотларга кредит бериш, улар билан ҳисоб-китобларни олиб бориш функциясини тижорат банкларига беради. Марказий банк тижорат банклари фаолиятини бошқарувчи, барча банклар учун бир хил пул-кредит сиёсатини олиб борувчи муассасага айланди.

Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришда 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги, 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлар янги босқични бошлаб берди. Бу қонунларга биноан банклар фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратиб берилди ва уларнинг ишлаш усулларини такомиллаштириш чоралари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк тизимининг биринчи поғонаси сифатида пул-кредит муносабатларини тартибга солиш ва банклар фаолиятини назорат қилиш органига айланди. Банк тизимининг иккинчи поғонасини эса банк фаолияти субъектлари, яъни тижорат банклари ташкил этадилар.

Тижорат банклари бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга мослаштирилган бўлиб, ўз миқдорларига банк хизматларини кўрсатадилар. Тижорат банклари фаолиятининг пировард натижалари ўз аксиядорларига дивидендлар, омонатчилари ва кредиторларига эса фоиз сифатида даромад келтириши қоидага айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банклари ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармони банк тизимига хусусий капитални кириб келишини фаоллаштирди. Натижада сўнгги йилларда хусусий банклар сони кескин кўпайиб 10 тага етди.

Мамлакатимизда Чет эл сармоядорлари учун яратилган шароитлар ва кафолатлар хорижий капитал иштирокидаги қўшма банкларни ташкил этиш имконини берди. Ҳозирги пайтда республикаимизда 5 та хорижий сармоя иштирокидаги, 2 та хорижий банклар бўлимлари фаолият кўрсатмоқдалар.

2.2. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислох қилишнинг уствор йўналишлари

Истиқлол йилларида республикамизда барқарор ва самарали ишловчи банк тизими асослари шакиллантирилди.

Мустақиллик йилларидаги ислохотлар, айниқса банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди. Бунда, Президентимизнинг мустақил Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиётини яратиш, уни янада ривожлантиришга, қаратилган бешта муҳим тамоиллари асос қилиб олинди.

Мустақиллик арафасида банк тизими олдида бир қатор жиддий муаммолар турар эди. Хусусан, банк операцияларини амалга ошириш учун зарур технологиялар ва ҳатто оддий компьютер техникасига талабнинг юқорилиги, бозор тамоилларига асосланган банк тизими фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги, нодавлат капитал ва ресурс базасининг заифлиги, айниқса, янги тартибда самарали фаолият кўрсата олувчи юқори малакали банк соҳаси раҳбарлари ва мутахассисларининг тақчиллиги каби ўткир масалалар мавжуд эдики, улар фақат давлатимиз раҳбарининг эътибори асосида мувофақиятли ҳал этилди.

Мустақиллик йилларида замонавий банк тизимини шакиллантириш ва уни халқаро меъёрларга мос равишда ривожлантириш борасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилинса, 1991-2000 йилларни ўзичига олган дастлабги босқичда қуйидаги муҳим тадбирлар амалга оширилганлигини гувоҳи бўламиз.

Биринчидан, халқаро меъёрларга тўла мос бўлган, иқтисодиётнинг “қон томири” ҳисобланмиш банк тизимини барпо этиш учун барча имкониятлардан кенг фойдаланилди.

Ҳукумат томонидан Марказий банк олдига мамлакат иқтисодиётининг пул маблағларига бўлган талабини қондиришдек ғоят муҳим вазифалар қўйилди ва сифат жиҳатидан янги банк тизимини яратиш вазифалари белгилаб олинди.

Ўзбекистоннинг аввалги банк тизим бир поғонали, яъни собиқ итифокнинг ихтисослаштирилган Давлат банки. Жамғарма банк ва бошқа банкларнинг республика бўлинмаларидан иборат бўлган бўлса, мустақилликка эришилгандан сўнг, мамлакатда икки поғонали, яъни юқори поғонада бош мақсади миллий валюта – сўмнинг барқарорлигини таъминлаш ҳисобланган, пул-кредит ва банк тизимини тартибга солувчи ва назорат қилувчи ягона орган – захира ва эмиссион муассаса – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташкил этилди, ривожланган бозор мамлакатларига хос ва халқаро андозаларга мос бўлган “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди ҳамда шу ҳужжат асосида унинг ўзига хос мақоми, мақсади, вазифалари ва ваколатлари аниқ белгиланди ҳамда фаолияти тўлиқ йўлга қўйилди.

Банк тизимининг қуйи поғонаси эса, мамлакат иқтисодиёти субъектлари ва аҳолисининг банк хизматларига бўлган талабни тўлароқ қондира оладиган турли мулкчилик шаклидаги, мустақил тижорат

банкларининг кенг тармоғи шакиллантирилди, Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди ва тижорат банклари фаолиятини ҳуқуқий асослари аниқ белгилаб берилди.

Иккинчидан, истиқлолгача ҳамда мустақилликнинг дастлабги уч йилида амалда бўлган катта хажимдаги рубль муомаладан чиқарилиб, 1994 йилнинг июнь ойидан бошлаб, миллий валюта “сўм” муомалага киритилди.

Учинчидан, мустақилликкача ва қисман унинг дастлабги йилларида республикамизнинг банк муассаларида амалда бўлган ва собиқ марказлашган ражали иқтисодий тизим талабларига мувофиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар тубдан қайта ишлаб чиқилиб, бозор иқтисодиёти тамоилларига хос бўлган махсус қонунлар ва банк фаолиятининг барча йўналишларини қамраб олган ва уни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларнинг тўлиқ мажмуаси шакиллантирилди.

Жумладан, 1998 йилда банк назорати бўйича Базель қўмитаси тавсиялари ва халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда тижорат банклари фаолиятини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар мажмуи амалиётга жорий этилди.

Манфатдорликни пасайтирадиган ва умуман молиявий воситачилик самарадорлик қўламларини оширишга тўсқинлик қиладиган кредит бўйича фоиз ставкалари ҳамда кредит миқдорлари бўйича лимитлар бекор қилиниб, иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор тамоилларига мос бўлган монетар сиёсатнинг билвосита

инструментлари: мажбурий захира талаблари, қайта молиялаш ва очик бозордаги операциялар механизмлари жорий қилинди.

Тўртинчидан, тижорат банклари бухгалтериясининг ташкилий таркиби бутунлай янгиланди, халқаро андозаларга мос бўлган бухгалтерия ҳисоби тартиби ва молиявий ҳисоботлари шакиллари жорий этилди, шулар асосида масофавий ва жойида текшириш шакилларидаги банк назоратининг замонавий халқаро меъёрлари амалиётга жорий этилди.

Банк тизими ривожланишининг 2001-2010 йилларни ўз ичига олгувчи кейинги босқичда банк тизимини янада ислоҳ қилиш, такомиллаштириш, барқарорлик ва салоҳиятини ошириш, молия-банк сектори таркиби ва инфратузилмасини ривожлантириш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг уствор йўналишлари тўғрисида»ги ПҚ-1438-сонли Қарорининг қабул қилиниши республика молия-банк тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, банклар ва бутун банк-молия тизими фаолиятига ёндашувларни ҳамда баҳолаш тизимини тубдан ўзгартириш, қабул қилинган халқаро меъёрлар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишни таъминлашга асос бўлди.

2.3. Ўзбекистон Республикаси банклари (Ассоциация) Уюшмасининг ташкил этилиши, унинг асосий мақсадлари ва банк тизимини ислох қилишдаги ўрни

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига кўра банклар ўз фаолиятларини мувофиқлаштириш, манфаатларини ҳимоя қилиш ва биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадларида турли уюшмалар, иттифоқлар ва бирлашмалар тузишлари мумкин.

Ана шунга асосан 1995 йилда республикада фаолият кўрсатаётган тижорат банклари томонидан Ўзбекистон банклари Ассоциацияси (уюшмаси) ташкил этилди. Ассоциациянинг таъсис сизди 1995 йил 28 июлда бўлиб ўтди. Унда ҳукумат муассасалари, мамлакатда фаолият кўрсатаётган банклар ва жаҳоннинг етакчи молиявий ташкилотларидан 600 дан ортиқ вакиллар қатнашдилар. Съездда Ассоциациянинг Устави қабул қилинди ва Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури тасдиқланди.

Бугунги кунда мамлакатдаги барча банкларни бирлаштирган банклар Ассоциацияси Ўзбекистон бозор иқтисодиётида ўзига хос, ноёб ташкилот ҳисобланади ва бошқа банкларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи, банк инфра тузилмаларини ривожлантиришга қобил бўлган, ўз аъзоларига кадрлар ва илмий таъминот борасида хизмат кўрсатувчи, мувофиқ қонун базасини ташкил этувчи қудратли молиявий ва ўқув - холдингини намоён қилади.

Ассоциациянинг **бош мақсади** – мамлакат тижорат банкларини халқаро андозалар даражасига кўтариш ва уларнинг жаҳон банк тизимиغا интеграциясини (қўшилишини) таъминлашдир.

Ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистон банклари Ассоциацияси томонидан амалга оширилган эътиборга молик тадбирлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Ассоциация ташаббуси билан мамлакатдаги барча тижорат банклари икки йил муддатга (1995-1998 й.й.) **солиқлардан озод этилди**. Ушбу маблағларнинг 50 фоизи Ассоциация орқали банклараро характерга эга бўлган тадбирларга, қолган 50 фоизи эса бевосита банкларни ривожлантиришга (бинолар, компьютерлар, алоқа ва транспорт воситаларини сотиб олиш ва бошқаларга) сарфланди.
2. Ассоциация томонидан банк ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишларининг узлуксиз 5 босқичли тизими ишлаб чиқилди ва унга кўра:
 - а) 1996 йилда ҳар йили 3000 ўқувчи таълим оладиган жами 39 та, шу жумладан Тошкент шаҳрида – 13 та, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 2 тадан **ихтисослашган банк синфлари** очилди;
 - б) Тошкент, Самарқанд, Урганч, Тўрткўл шаҳарлари ва Андижон вилояти Олтинкўл

туманида ихтисослашган **банк коллежлари** ташкил этилди;

в) Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтларида **банк мутахассислиги талабалари учун махсус стипендиялар** жорий қилинди;

г) 1996 йилда банк ходимларининг малакаларини ошириш бўйича **Минтақавий Банк Ўқув Маркази (РБУЦ)** ўз фаолиятини бошлади;

д) Чет эл банклари ва молия муассасалари билан биргаликда банк, молия ва солиқ соҳалари учун малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида 1996 йилда **Банк -молия академияси** иш бошлади;

3. Молия бозорида хизматларнинг сифат жиҳатидан янги турларини таклиф этиш мақсадида 12 та компания ташкил этилди. Улар қуйидагилар:

- мамлакат банк секторининг суғурта ҳимоясини таъминлаш учун **«Ишонч» Банклараро суғурта жамияти** ташкил этилди;
- ихтисослашган банк синфлари, лицей, банк коллежлари ва иқтисодий олий ўқув юртларида ўқитишнинг умумий концепциясини ишлаб чиқишда катнашиш, ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва қўллаш, дарсликлар ва ўқув - дастурий қўлланмалар чоп этиш ҳамда семинарлар ўтказиш, ўқитувчилар малакасини ошириш

учун ўқитишни уюштириш ва бошқа мақсадлар учун **«Таълим-тараққиёт»** ўқув-услубий маркази ташкил этилди;

- Ассоциация томонидан ташкил этилган **«Ахбор Рейтинг» Банклараро рейтинг компанияси** Кредит ташкилотларининг ишончлилиги даражаси қийсий таҳлилини ўтказиш учун фойдаланиладиган ахборот майдонини шакллантириш билан шуғулланади;
- фуқароларнинг банкларга қўйилган омонатларини ҳимоя қилиш мақсадида **«Омонат ҳимоя»** суғурта жамғармаси ташкил этилди;
- кичик ва хусусий бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бозорни юқори сифатли маҳаллий халқ истеъмоли товарлари билан тўлдириш, товар, иш ва хизматларга бўлган талабни қондириш мақсадида **«Барака» Универсал лизинг компанияси** ҳамда **ўзбек-америка қўшма корхоналари «Ўзкейсагролизинг»** ва **«ЎзКейсСервис»** ташкил этилди;
- мамлакатда банк биноларини қуриш, уларни энг замонавий банк технологиялари ва молиявий хизматлар билан таъминлаш, янги офис жиҳозлари ҳамда халқаро андозаларга мос молиявий телекоммуникацияларни синаб қўриш мақсадларида **«Молия Бинокор Хизмат» шўба корхонаси** ташкил этилди;

- банк, молия ва солиқ ишлари бўйича мамлакатда халқаро талабларга жавоб берадиган малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида 1996 йилда Банк- Молия академияси ташкил этилди;
- тўлов тизимини такомиллаштиришга катта аҳамият берилган ҳолда, 1996 йил охирида банк тизимлари ва ахборот технологиялари бўйича фаолият кўрсатадиган **«Пластик Карт» банклараро инновацион компанияси** ташкил этилди;
- тижорат банкларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида 1996 йилда **«Молия Ҳуқуқ Хизмат» банклараро ҳуқуқий хизмат маркази** ташкил этилди;
- Миллий ва хорижий қимматбаҳо қоғозлар бозорига банк капиталини жалб этиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадида **«Инвест траст» инвестицион траст компанияси** ташкил этилди;
- банк муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий – техник ва инженер-техник таъминоти даражасини салмоқли равишда кўтариш мақсадида Малайзиянинг ихтисослашган фирмаси билан биргаликда қўшма корхона сифатида **«Ҳамроҳ лойиҳа Инвест» лойиҳа – инжиниринг ва консалтинг компанияси** ташкил этилди.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Фарғона вилоятларида филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Ассоциация мамлакат банк-молия муассасаларининг халқаро ва минтақавий молия ташкилотларига интеграциясини чуқурлаштириш мақсадларида Европа ва Американинг деярли барча банклар Ассоциациялари ҳамда Осиё банклар Ассоциацияси ва Тинч океани молия ва ривожланиш институтлари Ассоциацияси (АФИРАТ) билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар

Банк тизими деганда нима тушунилади?

Ўзбекистонда неча погонали банк тизими амал қилмоқда?

Ўзбекистонда 1991 йил 15 февралда қабул қилинган

«Банклар ва банк фаолияти тугрисида»ги қонунда нималар асосланди?

Ўзбекистонда 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тугрисида»ги қонунда нималар кўзда тутилган?

1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тугрисида»ги қонунда қандай асослар яратиб берилди?

Ўзбекистон Республикаси банклари Ассоциациясининг ташкил этилишидан асосий мақсад нимадан иборат?

Ассоциация ташаббуси билан мамлакатдаги барча тижорат банклари икки йил муддатга (1995-1998 й.й.)

соликлардан озод этилган маблағлар қайси мақсадларда ишлатилди?

Ассоциация томонидан банк ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малака оширишларининг узлуксиз 5 босқичли тизими ишлаб чиқилди ва унга кўра қандай ишлар амалга оширилди?

Молия бозорида хизматларнинг сифат жиҳатидан янги турларини таклиф этиш мақсадида 12 та ташкил этилган компаниялар қандай вазифаларни амалга оширади?

3. МАРКАЗИЙ БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Асосий тушунчалар

Марказий банк

Худудий бош бошкармалар

Лицензия

Хазинабон

Пул-кредит сиёсати

Молиявий маслихатчи

Корреспондентлик счётлар

3.1. Марказий банкларнинг вужудга келиши ва ривожланиши

Марказий банкларнинг вужудга келишига асосий сабаб мамлакатда банкноталарни муомалага чиқарилиши ва уларни ишончли банклар кўлида марказлаштириш заруратидир.

Давлат қонуний йўл билан марказий банкларни қўллаб-қувватлаган ва ягона эмиссия банкига айлантирган. Дастлаб вужудга келган банклар марказий ёки тижорат банкларига бўлинмаган. Улар пул маблағларини сақлаш, кредит бериш ва тўловларни амалга ошириш билан шуғулланганлар, кейинчалик улар маблағларни йиғиш мақсадида муомалага банкноталарни чиқарганлар. Банкларни йириклашуви, банк ишининг ривожланиши натижасида банкноталарни муомалага чиқариш йирик тижорат банклари қўлига ўта борган ва кейинчалик бирор йирик банк ихтиёрига берилган. Бу банк «миллий» ёки «эмиссион» банк, кейинчалик «марказий банк» деб аталган. Марказий банк кредит тизимини бошқариб турувчи, яъни мамлакатдаги барча банклар фаолиятини назорат қилиб турувчи кредит муассасаси сифатида намоён бўлади.

Марказий банкларнинг вужудга келишида икки йўл мавжуд:

Биринчи йўл - бу узоқ давр давомида тижорат банкларининг ривожланиши натижасида уларни миллийлаштириш йўли билан марказий банкларнинг ташкил этилиши. Бунга мисол қилиб Англияда 1844 йил, Францияда 1848 йил, Испанияда 1874 йил, Германияда 1875 йил ва Италияда 1893 йилда тижорат банкларининг марказий банкка айлантирилганини кўрсатиш мумкин.

Иккинчи йўл - ташкил қилингандаёқ марказий банк, яъни эмиссион марказ сифатида қабул қилинган банклар.


Бундай банклар сифатида АҚШ Федерал банклари, 1913 йилларда кўпгина Лотин Америкаси мамлакатларида ташкил этилган банклар, Австрия банки ва бошқаларни мисол келтириш мумкин.

Марказий банклар ўз капиталини шаклланишига кўра давлат, аксиядорлик ва аралаш банклар турларига бўлинади. Масалан, Англия, Франция, Германия, Дания ва Россияда марказий банклар 100% давлат мулкига, Италия ва АҚШ да эса 100% банклар мулкига, Япония, Нидерландия, Польша, Швейцария ва Австрияда 50-57 % гача давлат мулкига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1991 йилда ташкил этилган ва тўлиқ равишда давлат мулкига асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ги Қонун асосида фаолият кўрсатади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки марказлаштирилган ягона бошқарув тизимига эга бўлиб, унга Марказий аппарат ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар бўйича ҳудудий Бош бошқармалар киради, яъни:



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолияти қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

- миллий валюта (сўм)ни ҳимоялаш ва барқарорлигини таъминлаш, унинг харид қобилияти ҳамда хорижий валюталарга нисбатан курсини мустаҳкамлаш;
- Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;
- ҳисоб-китоблар тизимининг узлуксиз ва самарали фаолиятини таъминлаш.

3.2. Марказий банкларнинг асосий вазифалари

Марказий банклар бажарадиган асосий вазифаларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

- пул муомаласини ташкил этиш ва бошқариб бориш;
- ҳукумат банки сифатида фаолият кўрсатиш;
- тижорат банкларига банк хизматларини кўрсатиш;
- тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш;
- валютани тартибга солиш ва назорат қилиш.

Энди бу вазифаларга алоҳида-алоҳида тўхталамиз:

1. Жаҳонда барча Марказий банклар муомалага нақд пул, яъни банкнота ва тангаларни чиқарадилар, пул муомаласини ташкил этадилар, миллий пул бирлиги барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлайдилар, нақд пулсиз ҳисоб- китобларни ташкил этадилар.

Бу вазифаларни бажариш учун марказий банклар қуйидагиларни амалга оширадилар:

- банкнота ва тангаларни тайёрлаш, ташиш ва сақлашни ташкил қилиш, шунингдек, уларнинг заҳираларини яратиш;
- кредит ташкилотлари учун нақд пулни сақлаш, ташиш ва инкассация тартибини белгилаш;
- пул белгиларининг яроқлилигини аниқлаш, яроқсизларини алмаштириш, уларни йўқотиш қоидаларини белгилаш;
- барча корхона ва ташкилотлар учун касса операцияларини амалга ошириш қоидаларини белгилаш;
- ҳукумат билан биргаликда ягона пул-кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш қоидаларини белгилаш;
- очик, бозорда қийматли қоғозлар олди- сотдиси қоидаларини белгилаш;
- пул массаси ўсиши тахминларини аниқлаш;
- валюта бозорида миллий валютага чет эл валюталарини сотиш ва сотиб олиш операцияларини ўтказиш.

2.Марказий банклар ўз ҳукуматларига қуйидаги хизматларни кўрсатадилар:

- давлатнинг олтин, қимматбаҳо металл ва камёб тошлари ҳамда валюта заҳираларини сақлайди, яъни давлатнинг «ҳазинабони» ҳисобланади;
- давлатнинг пул-кредит, яъни иқтисодий сиёсатини олиб боради. Бу сиёсат муомаладаги пул массаси, кредитлар ҳажми, фоиз ставкалари даражаси каби кўрсаткичларни ўзгартириш орқали амалга оширилади;

- ҳукуматнинг молиявий маслаҳатчиси ҳисобланади, яъни бюджет ташкилотларига ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатади ва давлат бюджетининг касса ижросини таъминлайди;
- давлатга кредит беради ва давлат номидан қийматли қоғозларни чиқаради, уларни тижорат банкларига сотади ва бошқаради.

3.Марказий банклар ҳисоб-китоб ва касса хизматларини кўрсатиш мақсадида барча тижорат банклари учун корреспондентлик счётларини очадилар. Тижорат банклари мазкур счётларда ўзларининг маълум миқдордаги маблағларини сақлайдилар ва бир-бирлари билан ҳисоб- китоблар қиладилар. Агар ҳисоб-китоблар учун тижорат банкининг маблағлари етишмай қолса, бошқа банклар ёки Марказий банкдан кредит олиши мумкин. Марказий банк кредитлари фақат унинг барча талабларига жавоб бера оладиган тижорат банкларига бериледи. Тижорат банклари ўзларининг корреспондентлик счётлари орқали Марказий банкдан нақд пул олишлари ёки топширишлари мумкин, бошқача қилиб айтганда «Марказий банк - банкларнинг банкидир».

4.Марказий банк тижорат банклари ва бошқа махсус кредит муассасалари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солишни қўйидагича амалга оширади:

- банк фаолияти билан шуғулланишга рухсатнома, яъни лицензиялар беради;
- банклар ва бошқа кредит муассасаларини Давлат рўйхатидан ўтказди;

-банк операцияларини амалга ошириш тартиб-қоидаларини белгилайди;

-бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботини тузиш қоидаларини ўрнатади;

-жойларда текширишлар ва тафтишлар ўтказиши.

Агар тижорат банклари ва бошқа кредит муассасалари банк қонунчилиги ва Марказий банк томонидан белгиланган тартиб-қоидалар ҳамда кўрсатмаларни бузсалар, уларга нисбатан жазо чоралари кўрилади. Бу чоралар тартиббузарлик даражасига боғлиқ бўлиб, оддий огоҳлантиришдан тортиб, токи банк фаолияти билан шуғулланишга берилган лицензияни тортиб олиш, яъни, банкни ёпишгача боради. Ана шу сабабли «Марказий банк – банкларнинг отаси» деган ибора жуда ўринлидир.

5.Марказий банк валютани тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

- мунтазам равишда миллий валютани Чет эл валюталарига нисбатан курсини аниқлаб боради;
- тижорат банкларига валюта операцияларини ўтказиш бўйича лицензиялар беради;
- тижорат банклари учун валюта операцияларини ўтказиш бўйича тартиб-қоидаларни белгилайди;
- валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисоботлар тузиш ва тақдим этиш қоидаларини ўрнатади;

- нақд хорижий валютани сотиш ва сотиб олиш, ҳисоб-китоблар тартибини белгилайди;
- мамлакатга хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиш тартибини белгилайди.

Марказий банк юқорида кўриб чиқилган вазифалардан ташқари яна кўплаб вазифаларни бажаради.

Мавзу бўйича ўз билимини аниқлаш учун саволлар

Марказий банкларнинг вужудга келишидан асосий сабаб нимадан иборат?

Марказий банклар қандай йўллар билан вужудга келган? Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қандай мулкка асосланган?

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки фаолияти қандай мақсадларга йўналтирилган?

Марказий банклар қандай асосий вазифаларни бажарадилар?

Марказий банкнинг пул муомаласини ташкил этиш ва бошқариш вазифаси нималардан иборат?

Марказий банк ҳукумат банки сифатида қандай вазифаларни бажарадилар?

Марказий банк ҳисоб-китоб ва касса хизматлари курсатиш мақсади нимадан иборат?

Марказий банкнинг назорат қилиш ва тартибга солишни қандай амалга оширилади?

Марказий банк валютани тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича қандай вазифаларни амалга оширади?

4. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

Асосий тушунчалар

Банк операциялари

Депозит операциялари

Кредит операциялари

Хисоб-китоб операциялари

Касса операциялари

Валюта операциялари

Қимматли қоғозлар буйича операциялар

Траст операциялар

Кафолат операциялари

Факторинг операциялари

Консалтинг операциялари

Лизинг операциялари

4.1.Тижорат банклари фаолияти асослари ва тамойиллари, уларнинг асосий вазифалари

Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан банк – бу тижорат муассаси бўлиб, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан, тўловлилик, муддатлилик, қайтариб беришлик шартлари асосида қарз бериш ва бошқа операцияларни бажаради.

Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг иккинчи поғонаси бўлиб, кредит ресурсларининг асосий қисми ана шу банкларда йиғилади

ва улар ҳуқуқий ҳамда жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатадилар. Тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий асослари бўлиб, 1996 йил 25 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги ва бошқа қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари ҳисобланади.

Тижорат банклари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган рухсатнома **лицензия** асосида амалга оширадилар. Ҳар бир тижорат банки ўз фаолиятини бошлашдан аввал, юқоридаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда ўз **Низом (Устав)** ини ишлаб чиқади. Банк Низомида қуйидаги бандлар бўлиши лозим:

- банкнинг номи ва манзилгоҳи;
- банк амалга оширадиган операциялар рўйхати;
- банк ташкил этадиган фондлар рўйхати;
- Низом фонди миқдори;
- банк бошқарув идоралари, уларнинг таркиби ва тузилиши;
- банкка қарашли муассасалар рўйхати ва уларнинг мақоми;
- банкнинг ҳуқуқий шахс эканлиги ва ўз-ўзини молиявий таъминлаш асосида ишлаши тўғрисидаги Низом;
- банк ва унинг филиалларини ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини тўхтатиш тартиби;
- банк фаолияти тўғрисидаги маълумотларни матбуотда эълон қилиш мажбурияти.

Тижорат банкларининг Низом (Устав) фонди банк муассисларининг бадаллари ёки акциялар чиқариш ва сотиш ҳисобидан вужудга келтирилади.

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш 2010 йил 6 апрелда Ўзбекистон республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317- сонли қарорига асосан

01.01.2011 гача Устав капитали	01.01.2011 дан Устав капитали
Тижорат банк: 5.0 млн. евро	Тижорат банк 10.0 млн. евро
Қўшма банк 5.0 млн. евро	Қўшма банк 10.0 млн. евро
Хусусий банк 2.5 млн. евро	Хусусий банк 5.0 млн. евро

- аҳолиси 0,5 миллион кишидан кам бўлган шаҳарларда очилаётган тижорат банклари учун –1250 минг АҚШ доллари эквивалентида;

Аввал таъкидлаганимиздек, бугунги Ўзбекистонда фаолият юритаётган тижорат банкларининг сони 31 та бўлиб, уларнинг 9 минг бўлим, филиаллари ва мини-банклари мавжуд

Жаҳон банк тизими тажрибасидан келиб чиққан ҳолда банklar капиталини йириклаштириш, бошқарув харажатларини қисқартириш ҳамда уларнинг кредитлаш имкониятларини кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда.

Ана шу мақсадларда «Мевасабзавотбанк» ва «Енгилсаноатбанк» «Савдогарбанк»жа, «Умарбанк» ва «Наманганбанк» эса «Ипак йўли» банкига ихтиёрий бирлаштирилди.

Тижорат банклари ўз фаолиятларини қуйидаги **тамойил (принсип)ларга** асосан амалга оширадилар:

1. Тижорат банклари ўзларининг мавжуд ресурслари чегарасида фаолият кўрсатадилар. Улар ўзларининг Марказий банк муассасаларида очилган вакиллик ҳисоб-варақлари (корреспондентлик счётлари) даги маблағлари чегарасида бошқа банкларга пул ўтказишлари, банклар ва хўжаликларга кредит беришлари мумкин. Бошқача айтганда, «кўрпага қараб оёқ узатадилар».

2. Тижорат банклари иқтисодий мустақил бўлганликлари сабабли, ўз фаолиятлари натижалари бўйича тўлиқ жавобгардирлар. Улар ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлардан эркин равишда фойдаланадилар. Олган даромадларини мустақил равишда тасарруф этадилар ва кўрган зарарларини ҳам ўзлари қоплайдилар.

3. Тижорат банклари билан уларнинг мижозлари ўртасидаги муносабатлар ўзаро келишув, битим ва шартномалар асосида ташкил этилади.

4. Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш Марказий банк томонидан фақат иқтисодий услублар ва воситалар орқали амалга оширилади. Марказий банк тижорат банклари фаолияти бўйича меъёрий ҳужжатларни белгилаб беради ва уларга

риоя қилинишини талаб қилади, аммо улар фаолиятига бевосита аралашиб, буйруқ бера олмайди.

Тижорат банкларининг **асосий вазифалари** қуйидагилардан иборат:

А) вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қилиш, йиғиш ва ҳаракатдаги капиталга айлантириш;

Б) корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳолини кредитлаш;

В) пул муомаласини ташкил этиш, муомалага кредит пулларни чиқариш;

Г) халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш;

Д) молия ва валюта бозорларида фаолият кўрсатиш;

Е) иқтисодий-молиявий ахборотлар бериш ва консултация хизматларини кўрсатиш ва бошқалар.

4.2. Банк операциялари тушунчаси ва уларни таснифи


Банк операциялари деганда банкларнинг пул маблағларини жалб этиш ва қарз бериш, муомалага пул чиқариш ва уни муомаладан олиш, ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш ва бошқалар тушунилади.

Қисқача қилиб айтганда, банк операциялари деганда, банклар томонидан амалга ошириладиган махсус ишлар ва хизматлар тушунилади.

Банк операцияларининг ўзига хос **хусусиятлари** қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир банк операцияси белгиланган бухгалтерия ҳужжатлари орқали расмийлаштирилади;
- мазкур ҳужжатлар белгиланган тартибда тўлдирилади, имзоланади ва муҳрланади;
- ҳар бир банк операцияси белгиланган тартибда кайд этилади ва амалга оширилади.

Тижорат банкларининг асосий операцияларини куйидагича тасвирлаш мумкин:



Чизмада келтирилган банк операциялари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз:

1. Пул маблағларини омонатлар ва депозитлар сифатида жалб этиш, яъни **депозит операциялари**. Агар ўтган асрларда пулдорлар ўз маблағларини банкларга талончилик, босқинчилик ва ўғрилиқдан сақлаш учун қўйган бўлсалар, энди инфляция оқибатида қадрсизланишдан асраш ва даромад олиш мақсадида қўйишмоқда.

2. **Кредит операциялари** банкларнинг асосий операцияларидир. Банклар ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ҳамда аҳолига кредитлар берадилар. Банклар ўз даромадларининг катта қисмини кредит операциялари натижасида оладилар.

3. Банклар ўз мижозлари учун ҳисоб-варақлари (счётлар) очадилар, уларни юритадилар яъни тушумларни кирим, харажатларни чиқим қиладилар, нақд пулли ва нақд пулсиз тўловларни амалга оширадилар. Бу операциялар **ҳисоб-китоб операциялари** дейилади.

4. Банклар нақд пул муомаласини ташкил этиш ва таъминлашда бевосита иштирок этадилар. Улар ўз мижозларидан нақд пул маблағларини қабул қилиб оладилар, сақлайдилар ва иш хақи ҳамда бошқа тўловлар сифатида берадилар. Бу операциялар банкларнинг **касса операцияларидир**.

5. Банклар корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқаролардан чет эл валютасини нақд пул ва нақд пул бўлмаган шаклларда сотиб оладилар ва

уларга сотадилар. Бу операциялар банклар томонидан валюта биржаси, ҳамда валюта алмаштириш шаҳобчалари орқали амалга оширилади ва у **валюта операциялари** дейилади.

6. Банклар муомалага турли қийматли қоғозлар (акциялар, чеклар, сертификатлар ва бошқалар)ни чиқарадилар, сотадилар ва сотиб оладилар, ҳисобини юритадилар ва сақлайдилар. Мижозлар билан келишув асосида қийматли қоғозларни бошқарадилар ва бошқа операцияларни бажарадилар. Бу операциялар банкларнинг **қийматли қоғозлар бўйича операциялари** дейилади.

7. Банклар маблағ эгаси ёки маблағни тасарруф этувчи билан тузилган шартномага биноан пул маблағларини бошқарадилар. Бу операциялар **траст операциялари** дейилади.

8. Банклар учинчи шахслар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар берадилар. Бу операциялар **кафолат операциялари** дейилади.

9. Банклар учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини оладилар ва ўз мижозлари манфатларини суд идоралари орқали ҳимоя қиладилар. Бу банкларнинг **факторинг операциялари** дейилади.

10. Банклар ўз мижозларига биржаларга кириш, ҳуқуқий ва бухгалтерия ҳисоби бўйича ёрдам кўрсатиши, ахборотлар бериши мумкин. Бу операциялар **концальтинг операциялари** дейилади.

11. Банклар ҳужжатлар ва бошқа бойликларни сақлаш учун махсус бинолар ёки пўлат сандик(сейф)ларни ижарага беришлари мумкин. Бу операциялар **депо операциялари** дейилади.

12. Банклар машина, ускуналар, жиҳозлар, транспорт воситалари, бинолар ҳамда иншоотларни сотиб оладилар ва узоқ муддатга ижарага берадилар. Бу операциялар **лизинг операциялари** дейилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган банк операциялари «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасида келтирилган.

Мавзу бўйича ўз билимини мустаҳкамлаш учун саволлар

Тижорат банклари мижозлари учун қандай асосий операцияларни бажаради?

Банк низомида қандай бандлар булиши лозим?

Тижорат банкларининг Низом (Устав) фонди қандай вужудга келади?

Ўзбекистон Республикасида янгитдан ташкил этилган банкларнинг устав сармояси қанча миқдорда булиши лозим?

Тижорат банклари уз фаолиятларини қандай тамоиллар асосида амалга ошириши лозим?

Тижорат банкларнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Банк операциялари деганда қандай асосий вазифалари тушунилади?

Банк операцияларининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

Банкларнинг депозит операциялари деб қандай хизматларига айтилади?

Банклар кимларга кредит операцияларини амалга оширади?

Банклар ҳисоб-китоб операцияларини кимларга ва қандай тартибда амалга оширадilar?

Банкларнинг қандай хизматлари касса операцияларидир деб айтилади?

Валюта операцияларида банклар мижозларга қандай хизматлар кўрсатадилар?

Қийматли қоғозлар бозорида банклар қандай операцияларни амалга оширадilar?

Банкларнинг траст, кафолат, факторинг, консалтинг, депо, лизинг ва бошқа операцияларига тариф беринг.

5. БАНКЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ АСОСИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

Асосий тушунчалар

Фонд биржаси

Инвестиция

Акция

Облигация

Давлат қисқа муддатли облигациялари

Вексел

Сертификатлар

Хазина мажбуриятлари

Хосилавий қимматли қоғозлар

5.1. Қимматли қоғозлар бозорининг асосий мақсад ва вазифалари.

Қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мукамал қимматли қоғозлар бозорини яратиш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг уствор йўналишларидандир. Қимматли қоғозлар бозори иқтисодиётни янада ривожлантириш учун зарурдир. Чунки бу капитал бозорини мустаҳкамлайди. Унинг ривожига эса ўз навбатида давлат корхоналарини очиқ акциядорлар жамиятларига айлантириш билан боғлиқ. Қимматли қоғозлар аҳолига корхоналарни бошқаришда бевосита қатнашиш имкониятини яратиш билан биргаликда, мамлакатда мулкдорлар синфини шакиллантиради, иқтисод раванки учун муҳим омил

бўлган чет эл сармоядорларининг маблағларини жалб қилишга реал восита бўлиб хизмат қилади.

Қимматли қоғозлар бозорининг асосий вазифаси фақат давлат мулкани хусусий секторда таксимлашдан ва шунинг натижасида мулкнинг муайян бир мулкдор томонидан ўзлаштирилишидан иборат эмас. Бу асосан хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида амалга ошириладиган иш булиб хисобланади. Унинг асосий вазифаси сармоядорларнинг пул маблағларини бир жойга жамлаб, уларни турфа инвестиция мақсадларида ишлатишдан, ишлаб чиқаришга йўналтиришдан иборат. Бозор кўп микдордаги сармоядорларнинг маблағларини йиғиб, уни турли хил куйилмалар учун таксимлаши лозим. Бу фақатгина бозорнинг хажимдорлигига ва хилма-хиллигига, яъни муомаладаги қимматли қоғозларнинг мумкин қадар кўп сармоядорлар ўртасида тарқатилишига боғлиқ.

Фонд бозори давлат кредит муносабатларини бойитиб, уни янги босқичга олиб чиқади, яъни кредитлашни қимматли қоғозлар воситасида амалга оширадиган усуллар билан таъминлайди. Шу жihatдан у давлатнинг умумий макраиктисодий сиёсати – пул, солиқ, бюджет сиёсатлари хосиласидир.

Инсоният қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали пулнинг қадирсизланиши муаммосини ҳал этишнинг йўлини топди ва хавас қиладиган даражада ранг-барангликка эришди.

Қимматли қоғозлар – ўзи билан боғлиқ мулкый ҳуқуқларни акс эттирадиган хужжатдир, у даромад

манбаи бўлиб хизмат қилади, бозорда муомалада юритилиши ва олди-сотди воситаси булиши мумкин. Жаҳон амалиётида қимматли қоғозларнинг хар хил турлари ишлатилмоқда. Бунда асосий ҳуқуқ давлатнинг ихтиёрида колдирилмоқда. Давлат қарз мажбуриятларини ёки бошқача айтганда, облигацияларни муомалага чиқариш орқали мослашувчан тарзда пулларнинг хазинага етказилишини таъминлайди.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорини фаолиятини амалга ошириш «Қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонун асосида фаолият юритади.

5.2. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги асосий операциялари ва мақсади.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига биноан тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида қуйидаги операцияларни амалга оширишга руҳсат этилган:

- қимматли қоғозлар (вексел, акция, облигациялар, депозит сертификатлар ва бошқалар) чиқариш;

- қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш, сақлаш, улар билан бошқа операцияларни амалга ошириш;

- товар етказиб бериш ва хизмат кўрсатишдан келиб чиқадиган талаб ҳуқуқини олиш, бундай талабларни инкассация қилиш;

- миқозлар ишониб топширган операцияларни: маблағларни жалб этиш ва жойлаштириш, қимматли қоғозларни жойлаштириш, қимматли қоғозларни бошқариш ва хоказо ишларни бажариш;

- фонд бозори иштирокчиларига бу борада банк фаолияти юзасидан маслихатлар бериш.

Банклар фонд бозорида профессионал қатнашчи-инвестицион институт сифатида иш тутади. Банк сиёсати бир йўла кўплаб мақсадларни кўзлаган ҳолда ишларни юритади. Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятидан асосий мақсадлари қуйидагилардир:

- қимматли қоғозлар чиқариш асосида анъанавий кредит ва ҳисоб-китоб фаолияти юритиш учун қўшимча пул ресурсларини жалб этиш;

- қимматли қоғозларга сарфланган ўз инвестицияларидан банкка тўланадиган фоиз ва дивидендлар эвазига ва қимматли қоғозларнинг курс қиймати ошиши туфайли фойда олиш;

- мижозларга қимматли қоғозлар операцияларига доир хизматлар кўрсатишда фойда олиш;

- эркин рақобат асосида банкнинг таъсир соҳасини кенгайтириш ҳамда корхона ва ташкилотларнинг капиталларида қатнашиш эвазига янги мижозларни жалб этиш;

- танқис ресурслардан баҳраманд бўлиш ҳуқуқини берадиган ва банкники бўладиган қимматли қоғозлар орқали шундай ресурслардан фойдаланиш;

- банкнинг ликвидлик маблағларига қуйилмаларнинг даромадлилигини таъминлаган ҳолда ликвидлик зарурий захирасини сақлаб бориш;

- мижозларнинг қимматли қоғозларни меъёрда олиб-сотишдан ҳамда молиявий таваккалчиликларини

қимматли қоғозлар хосилалари билан амалга оширадиган операциялар орқали суғурта қилади.

5.3. Давлат қисқа муддатли облигациялар бозори.

Бозор иктисодиёти ривожланган мамлакатларда қимматли қоғозлар давлат бюджетини зарур маблағлар билан таъминлаш, молиявий тизимнинг ликвидлигини сақлаб туриш, иктисодий фаолликни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга. Жаҳоннинг кўпгина ривожланган мамлакатларида давлат қарзини бозор муносабатлари асосида бошқариш юзасидан бой тажриба тўпланган, аҳолининг турли қатламлари ва бошқа сармоядорлар талабига жавоб берувчи бир неча хил давлат молия воситалари жорий қилинган.

Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонун кучга киргандан бошлаб республикада давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқариш ва муомаласини ташкил этиш лойҳаси ишлаб чиқилди. 1996 йил 26 мартда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат қимматли қоғозларини чиқариш тўғрисида»ги қарори билан республикада давлат облигациялари бозори ташкил этилди.

Давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқаришдан мақсад, биринчидан, давлат ички қарзини пул эмиссияси хисобига эмас, балки бозор муносабатларига таянган воситалар ёрдамида, яъни қимматли қоғозлар чиқариш йўли билан қоплаш кўзда тутилган. Бу Марказий банкка давлат бюджети

тақчиллигини кредит хисобидан қоплашдан воз кечиш ва шу билан бирга пул кадрсизланиши даражасини пасайтириш имконини беради. Бундан ташқари, корхоналар вақтинчалик бўш маблағларини муомалага киритиш эвазига кўшимча даромад олади. Иккинчидан, давлат қисқа муддатли облигацияларидан Марказий банк пул-кредит сиёсатини ўтказиш мақсадидан фойдаланади. Марказий банк иккиламчи бозорда облигацияларни харид қилиш ёки сотиш бўйича операцияларни амалга ошира туриб, муомалада бўлган пул массаси хажмини тартибга солиб туради.

Марказий банкнинг асосий вазифаларидан бири – халк хужалигини молиявий ва иқтисодий жихатдан барқарорлаштириш, зарур пул-кредит сиёсатини ўтказишдан иборат. Шу мақсадда Марказий банк ликвидликни тартибга солиб туриш учун муомалада ортикча пуллар кўпайганда иккиламчи бозорда облигацияларни сотиш ва шу тариқа ортикча пул маблағларини камайтириш, аксинча, шароит туғилганида эса облигацияларни сотиб олиш йўли билан пул массасини кўпайтириши мумкин.

Бундан ташқари, давлат қимматли қоғозлари бўйича фоиз даражалари молия бозорининг ҳозирги пайтда тез-тез ўзгариб турган ставкалари учун белгиловчи (асос) вазифасини ҳам ўтайди. Марказий банк иккиламчи бозорда давлат қисқа муддатли облигацияларини тегишли нархларда харид қилиш – сотиш бўйича операциялар ўтказиш, фоиз даражаларини ошириш ёки камайтиришга бевосита таъсир кўрсатади.

Жахон қимматли қоғозлари бозорининг ривожланиш тарихи шуни кўрсатиб турибдики, яхши фаолият кўрсатаётган давлат қимматли қоғозлари бозори хусусий қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига ёрдам беради.

Ушбу бозорда Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлиб барча юридик шахслар иштирок этиши мумкин. Шу билан бирга Молия вазирлиги – давлат қиска муддатли облигацияларининг эмитенти, Марказий банк уни жойлаштириш ва хизмат кўрсатиш бўйича бош агент, Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси давлат қиска муддатли облигациялари бозори фаолиятинининг техник ташкилотчиси сифатида хизмат қилса, банклар мазкур бозорнинг расмий дилерлари хисобланадилар.

Облигациялар бир йилгача булган муддатда чиқарилади. Улар 3 ойлик, 6 ойлик, 9 ойлик ва 12 ойлик бўлиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 199-қарори асосида чиқарилган 3 ойлик облигацияларнинг номинал қиймати 1000 сўмга тенг. Улар номиналдан паст баҳода дисконт йўли билан сотилади ва муддати тугагач номинал нарх бўйича тўланади. Улар қоғозсиз, яъни электрон ёзувлар кўринишида чиқарилади. Давлат қиска муддатли облигацияларининг хар бир эмиссияси умумий сертификат билан расмийлаштирилади. Умумий сертификатлар икки асл нусхада бўлиб, улар молия вазирлиги ва Марказий банкда сақланади.

5.4. Акциялар бозори ва унинг ривожланиш тенденциялари.

Акция – акциядорлик жамиятининг низом фондига (унинг вужудга келишига ёки кенгайишига) юридик ёки жисмоний шахс муайян хисса кўшганлигидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштироки (мулкнинг биргаликдаги эгаси)ни тасдиқловчи ҳамда унга дивиденд (даромад) олиш ва асосан ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоздир. Акциялар муддати чекланмаганлиги билан ахамиятлидир, чунки эмитент учун улар ёрдамида молия маблағларини номалум узок даврга жалб қилиш имконияти яратилади. Хусусий корхоналар ёки маъсулияти чекланган жамиятларнинг фаолият муддати эса улар эгаларининг умр чегараларига боғлиқ бўлиб қолади. Масъулияти чекланган жамиятлардаги улушга нисбаттан акциялар юкори ликвидликка эга ва акционер жамиятдан чикаётганида уларни тез пулга айлантириш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасарруфидан чиқариш 1992 йилдан буён амалга оширилмокда ва энг аввал биринчи навбатда уй-жой, савдо, маиший хизмат кўрсатиш ва айрим кичик саноат корхоналари каби объектлар хусусийлаштирилди. «Кичик хусусийлаштириш» деб аталган биринчи босқич 1994 йилда асосан амалга оширилиб, хусусийлаштиришнинг кейинги босқичига ўтиш учун зарурий шарт-шароитлар яратилган. Бунда ўрта ва йирик саноат корхоналарини, тижорат банкларни очик турдаги хиссадорлик жамиятига айлантириш билан хусусийлаштирилмокда. Қимматли

қоғозлар бозорини ривожлантириш ва очик турдаги хиссадорлик жамиятларини ташкил этиш билан бир вақтда давлатга тегишли акциялар улушини қисқаритириш орқали ахолининг турли табақаларини иқтисодий ислохотлар жараёнига жалб этиш таъминланилади. Энг мухими, корхоналарнинг ривожланиши учун зарур, лекин бугунги кунда давлат бюджети хисобига молиялаш имконияти бўлмаган қўшимча молия ресурсларини очик бозорда жалб қилиш имкониятини яратади.

Акциялар бозори хозирги вақтда Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг энг қўламли ва ўз ривожланиш тарихига эга бўлган элементиدير.

Тижорат банклари Республикадаги энг йирик хиссадорлик жамиятлари хисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 29 та хиссадорлик тижорат банклари бўлиб, республикадаги сотилган акцияларнинг аксарият қисми уларнинг хиссаисга тўғри келади.

5.5. Вексел билан хисоб-китоб қилиш.

Вексел – бир шахс томонидан иккинчисига ёзиб берилган қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қоғознинг бир шаклиدير. Векселни хар қандай тўловга қобилиятли шахс ёзиб бериш хукукига эга. Вексел сотилиши, кредит сифатида берилиши ва бирон-бир олди-сотди битимида хисоб-китоб, тўлов воситаси сифатида ишлатилиши мумкин.

Вексел тижорат ва хазина векселларига бўлинади. Тижорат векселлари (корхона ва бошка субъектларнинг векселлари) аниқ бир савдо шартномаси учун ёзилади.

Шунинг учун ҳам уни кўпроқ товар векселлари ҳам деб юритилади. Хазина векселлари давлат томонидан давлат бюджети камомадини қоплаш учун чиқариладиган қисқа муддатли мажбуриятдир. Хазина векселлари Англияда давлат карз мажбуриятларини 20 фоизини, АҚШда 10 фоизини ташкил этади.

Кулланилиши нуқтаи назаридан векселлар ўтказма ва оддий векселларга бўлинади.

Ўтказма вексел – товар олди-сотдисиди ёзилган вексел берувчининг товарининг пулини векселни қабул қилиб олувчига (яъни, товар эгасига) учинчи бир шахс томонидан тўлаб берилиши лозимлигини (вексел берувчининг буйруғини) ифодаловчи ёзма хужжат. Вексел берувчи фақат тўлаб берувчида (учинчи шахсда) мулки, пули бўлган ҳолатдагина ўтказма векселни ёзиб бера олади.

Оддий вексел – бир кишининг (вексел берувчининг) бошқа бир маълум шахсга (дастлабқи олувчига) ёки унинг буйруғи билан сўзсиз равишда белгиланган муддатда ёки талаб қилинган вақтда маълум пул маблағини тўлаш мажбуриятини ўз ичига олган ёзма хужжатдир.

Оддий вексел ҳам, ўтказма вексел ҳам индоссамент (топшириш ёзуви) ёрдамида дастлабқи битимга иштирок этмаган шахсларга ўтказилиши мумкин. Вексел бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқини кенг талабгорлар груҳига беора олиш имконияти векселни на фақат кредит куроли, балки қулай тўлов воситасига айлантиради.

Вексел билан хисоб -китоб қилиш, тўлов тизимини вужудга келтиришни Республикамизда бир неча босқичда амалга оширилган эди. Дастлабги босқичда тижорат банклари ва айрим тўловга қобили хўжалик субъектлари (корхоналар) томонидан чиқарилган векселлар жорий этилди. Дастлаб қишлоқ хўжалиги махсулотларини ишлаб чиқарувчи ва уни қайта ишловчи хўжаликларга – кўп маблағ талаб корхона ва ташкилотларга рухсат берилди.

Иккинчи босқичда банклар бир-бирининг векселларини хисобга олиш ва улар бўйича тўлаш хақида шартномалар тузиш йўли билан ягона вексел майдонини кенгайтирди ва ликвидликни оширди.

Кейинги босқичда эса, хисоб-китоб ва тўлов воситаси сифатида корхона ва ташкилотларнинг тижорат векселларидан кенг фойдаланишга ўтилди.

Тўртинчи босқичда векселларни Марказий банк томонидан қайта хисобга олиш (тижорат банкларнинг портфелида мавжуд бўлган векселларни хисобга олиш) операцияларини амалга ошириш назарда тутилган эди.

1996 йилда Ўзбекистоннинг 13 та тижорат банкларига ўз векселларини муомалага чиқариш учун Марказий банк томонидан рухсат берилган. Фонд бозорига банклар томонидан 5100 милл. сўмлик векселлар таклиф қилиниб, унинг 3917,5 милл. сўмлиги (76,8 фоизи) амалда реализация қилинган. Реализация қилинган векселларнинг 83,2 фоизи сотилган, қолган қисми кредит тариқасида берилган.

5,6. Қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли қоғозлар бозори.

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Республикамиз худудида акциялар, облигациялар, хазина мажбуриятлари, депозит сертификатлар, векселлар ва уларнинг хосила шакллари муомаласини ташкил қилиш мумкин.

Депозит сертификат банк қисқа муддатли қуйилмаларининг бир туридир. Бошқа жамғармалардан фарқли ўлароқ, банк уни сотиб олган мижозга ўзининг қарз мажбуриятини ифодаловчи сертификат беради. Бу эмитент банкнинг пул маблағлари жамғармаси ҳақидаги гувоҳномасидир.

Сертификатлар икки хил юридик шахслар учун – «депо сертификатлар» ва жисмоний шахслар учун – «депозит (жамғарма) сертификатлар» шаклида чиқарилади.

Банк сертификатларини бланкали ва бланкасиз (хисобварақларда амалга ошириладиган ёзув) шаклида чиқариш мумкин. Бланкасиз шакилдаги сертификатлар бўйича операциялар хисоби банкларнинг депозитарийлари (Депозитар бўлимлар)да юритилади. Мижоз ва депозитарийнинг ўзаро муносабатлари тегишли шартнома билан расмийлаштирилади.

Сертификат бошқа шахсга сотилиши мумкин. бланкасиз шаклдаги сертификатларни сотиш ҳуқуқи мижознинг топшириқномаси асосида депозитарийнинг

депо хисобварақига тегишли ёзувларни қайд этиш билан расмийлаштирилади.

Облигация – бу қарз мажбурияти бўлиб, унинг эгаси томонидан пул маблағларининг қўйилганлигини тасдиқловчи ва унда кўрсатилган муддатда номинал қиймати билан бирга қатъий белгиланган фоиз (агар бошқа шартлар кўрсатилган бўлса) билан қайтариш мажбуриятини юкловчи қимматли қоғоздир. Облигацияларнинг асосан икки тури мавжуд. Биринчи – давлат томонидан чиқариладиган облигациялардир. Иккинчиси – корхоналарнинг облигацияларидир. Бу облигациялардан фойда олишнинг кафолати корхонанинг самарали ишлашидир. Облигация оддий ва ютуғли, фоизли ва фоизсиз (мақсадли), эркин муомалада бўладиган ёки чегараланган доирада муомалада бўладиган холда чиқарилиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти қонуниятлари асосида яшаётган хар бир давлат қимматли қоғозлар бозорини ривожлантирмасдан олға бораолмайди.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришдан мақсад нималардан иборат?

Қимматли қоғозлар бозорини асосий вазифалари нималардан иборат?

Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида инсоният қандай натижаларга эришди?

Қимматли қоғозлар бу қандай хужжат?

Банклар қимматли қоғозлар бозорида қандай асосий вазифаларни амалга оширади?

Банкларнинг қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятдан асосий мақсад нималардан иборат?

ДҚМО бозорини ривожлантиришдан мақсад нимада?

Марказий банк қимматли қоғозлар бозорида қандай вазифаларни амалга оширади?

Акция бозори деб нимага айтилади?

Тижорат банкларнинг акциялар бозоридаги улуши қанча?

Вексел – нима?

Марказий банк ва тижорат банклар векселлар бозорида қандай вазифаларни бажаради?

Қарз мажбуриятини ифодаловчи қимматли қоғозларга қандай қимматли қоғозлар киради?

Сертификатлар чиқаришдан мақсад нимада?

Облигациялар қандай ҳолда чиқарилади?

6. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ВА ВАЛЮТА – КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ.

Асосий тушунчалар

Халқаро ҳисоб-китоблар банки
Халқаро Валюта Фонди
Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки
Жаҳон банки
Халқаро Молия Корпорацияси
Европа тикланиш ва тараққиёт банки
Осиё тараққиёт банки

6.1. Халқаро молия ва валюта-кредит ташкилотлари ҳамда уларнинг жаҳон хўжалиги тараққиётидаги ўрни

Халқаро молия ва валюта-кредит ташкилотлари давлатлараро битимлар асосида валюта ва кредит муносабатларини тартибга солиш мақсадларида ташкил этилган халқаро иқтисодий ташкилотлардир.

Маълумки, 2-жаҳон уруши оқибатида урушда қатнашган мамлакатларнинг халқ хўжаликлари вайрон бўлди, уларнинг молия-кредит тизимлари издан чикди. Уруш оқибатларини тугатиш учун эса урушда иштирок этган мамлакатларнинг ўз ресурслари етишмас эди.

Ана шу сабабли жаҳондаги кўпчилик мамлакатларнинг молиявий имкониятларини бирлаштириш ва уруш оқибатларини тугатиш ҳамда халқ хўжалигини тиклашга йўналтириш зарурати туғилди.

Ана шу мақсадларда 1944 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Бреттон-Вудс (АҚШ)

халқаро валюта –молия конференциясида Халқаро Валюта Фонди ва Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банкини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) ни ташкил этишдан мақсад, халқаро ва миллий валюта-молия тизимларини тиклаш ва барқарорлаштириш бўлса, Халқаро қайта тиклаш ва тараққиёт банки (ХҚТТБ) эса инвестицияларни кредитлашни кенгайтиришга кўмаклашади.

Европа мамлакатлари иқтисодиётининг барқарорлашуви, халқаро иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ва жаҳон хўжалигининг ривожланиши натижасида ХВФ ва ХҚТТБ фаолияти ҳам ўзгариб борди. Энди улар иқтисодий бўҳронга учраган мамлакатларга ўз иқтисодиётларини қайта қуриш, мустақилликка эришган мамлакатларни иқтисодий ўсишларини тезлаштириш мақсадларида молиявий кўмак бера бошладилар.

Кейинги пайтларда нафақат халқаро миқёсда, балки алоҳида минтақаларда ҳам валюта-кредит муаммоларини ҳал этиш зарурати пайдо бўлди. Натижада минтақавий валюта-кредит ташкилотлари вужудга келди. Улар қаторига Осиё тараққиёт банки, Америкалараро тараққиёт банки, Африка тараққиёт банки, Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банклари ва бошқаларни киритиш мумкин.

6.2. Халқаро молия ва валюта –кредит ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг улар билан ўзаро ҳамкорлиги

Аввал маълумот берганимиздек, ҳозир жаҳонда ўнлаб халқаро ва минтақавий валюта-кредит ташкилотлари фаолият кўрсатмоқдалар. Биз уларнинг айримлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз:

1. Халқаро ҳисоб-китоблар банки (ХХБ) биринчи халқаро банк бўлиб, 1930 йилда Англия, Франция, Италия, Германия, Белгия ва Япония Марказий банклари ва Морган банкирлик уйи бошчилигидаги бир гуруҳ Америка банклари ташаббуси билан Швейцариянинг Базел шаҳрида ташкил этилди.

ХХБнинг асосий вазифаси марказий банклар ва улар ўртасидаги ҳисоб-китобларни мувофиқлаштириш бўлиб, у асосан Ғарбий Европа банкларини бирлаштирди. ХХБ Европа валюта тизими мамлакатлари орасидаги ҳисоб-китобларни ишлаб чиқди. ХХБ депозит, ссуда, валюта ва фонд операцияларини бажаради.

Ҳозирда ХХБнинг аъзолари қаторига 30 дан ортиқ, шу жумладан собиқ социалистик мамлакатлар-Албания, Венгрия, Болгария, Польша каби мамлакатларнинг Марказий банклари киради. ХХБ Ғарбий Европа минтақавий банкдан халқаро валюта –кредит ташкилотига айланди. Одатда «ХХБ- Марказий банклар банки» дейишади.

2. Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) Бирлашган миллатлар ташкилотининг махсус муассасаси сифатида ўз фаолиятини 1947 йилда бошлади. Унинг штаб квартираси Нью-Йоркда жойлашган. ХВФ капитали иштирокчи – мамлакатлар бадалларидан ташкил топади. ХВФ бошланғич даврда 49 та мамлакатни бирлаштирган ва 7,7

млрд. АҚШ доллари миқдорида капиталга эга бўлган бўлса, унинг аъзолари сони- 155 тадан ошиб, капитали эса 90 млрд. АҚШ долларидан штди.

ХВФнинг асосий вазифалари халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга кўмаклашиш, валюта барқарорлигини кўллаб-қувватлаш, валюта чекловларини бартараф этиш ҳамда аъзо мамлакатларга кредит ресурсларини беришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилдан эътиборан ХВФ аъзосидир. ХВФ томонидан мамлакатимизда иқтисодиёт, молиявий сектор ва статистика соҳасидаги ишлар, валюта ва ташқи савдо тизимларини эркинлаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишга амалий ёрдам берилди.

ХВФ томонидан банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини тайёрлаш, халқаро андозаларга жавоб берувчи бухгалтерия ҳисоб-варақларининг янги режасини ишлаб чиқиш, ҳисоб ва ҳисоботларнинг янги тизими ҳамда электрон тўловлар тизимини жорий этиш, статистик ахборотни йиғиш тизимини такомиллаштиришда яқиндан ёрдам берилди.

ХВФ томонидан Ўзбекистонга умумий миқдори 165,2 млн. СДР миқдорида кредитлар берилди. Ушбу суммадан 99,17 млн. СДР тузилмавий ўзгаришлар механизми доирасига ва 65,45 млн. СДР «Стендбай» кредитларига тўғри келади.

3. Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) ўз фаолиятини 1946 йилда бошлади. Банк ўз

фаолиятини кенгайтириш жараёнида қуйидаги турдош муассасаларини ташкил этди:

- 1956 йилда Халқаро Молия Корпорацияси;
- 1960 йилда Халқаро ривожланиш уюшмаси ;
- 1966 йилда Инвестицияларга доир даъволарни тартибга солиш Халқаро маркази;
- 1988 йилда Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик:

Хозирда юқоридаги муассасалар биргаликда **Жаҳон банки гуруҳи**, уларнинг етакчиси бўлган ХТТБ эса **Жаҳон банки** деб аталади. Банкнинг штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган. Жаҳон банкининг аксиядорлик капитали 200 млрд. АҚШ долларига яқин бўлиб, унга 180 дан ортиқ мамлакатлар аъзодир. Банк ходимлари сони эса 7000 кишидан кўп бўлиб, хар йили 1 млрд. АҚШ долларидан зиёд даромад олади. Жаҳон банки ўзининг 50 йиллик фаолияти даврида 140 мамлакатга 6000 дан ортиқ дастурлар бўйича 300 млрд. АҚШ долларидан кўп қарз берди.

Жаҳон банкининг асосий вазифалари:

- ривожланаётган мамлакатларга турли тармоқлар ва соҳаларни ривожлантириш учун инвестициялар киритиш;
- иқтисодий масалалар бўйича тахлилий ишларни амалга ошириш, консултациялар бериш;
- бой ва камбағал мамлакатлар ўртасида ресурсларни қайта таксимлашда воситачилик қилиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон банкига 1992 йилда аъзо сифатида қабул қилинди. Ўшандан буён Ўзбекистонга Жаҳон банкининг умумий миқдори 458 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитлари 9 та лойиҳа бўйича ажратилди.

Жаҳон банкининг Ўзбекистонга ёрдам кўрсатиш бўйича 2001-2003 йилларга мўлжалланган стратегиясида мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш, молиявий, тузилмавий, техникавий кўмаклашиш ва маслаҳатлар бериш кўзда тутилади. Шунингдек, молия соҳаси, қишлоқ хўжалиги, транспорт, давлат корхоналарини қайта ташкил этиш, экспортга чиқарилаётган товарлар турларини кўпайтириш, ижтимоий инфратузилма ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қаби соҳаларда биргаликда ҳаракат қилиш мўлжалланмоқда.

4. Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК) 1956 йилда ташкил этилган бўлиб, асосий мақсади ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида хусусий сектор фаолиятини рағбатлантиришдир. ХМК капитали унга аъзо бўлган 170 дан ортиқ давлатларнинг бадалларидан ташкил этилган бўлиб, штаб-квартираси Вашингтонда жойлашган. ХМК ўз фаолияти давомида 100 дан кўп ривожланаётган мамлакатларга 1000 дан зиёд инвестиция лойиҳалари бўйича 11 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредит берди.

Ўзбекистон ХМКга 1992 йилда аъзо бўлган. 1995 йилдан эътиборан мамлакатимизда ХМК томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалар амалга оширилмоқда.

ХМК умумий миқдори 7,2 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган 3 та лойиҳада – «Файз» ОАЖ, «Ўзкорфармсаноат» ҚК, АБН- АМРО банкларни ташкил этишда иштирок этган.

2001 йилдан бошлаб ХМК умумий миқдори 79 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган 14 та лойиҳада иштирок этмоқда. Бугунги кунда ХМК томонидан умумий хиссаси 37,5 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган 5 лойиҳа бўйича ишлар давом эттирилмоқда. ХМК Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида «Ҳамкорбанк» орқали ўз кредит линияларини очган.

5. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) 1991 йилда ташкил этилган бўлиб, асосий мақсади Марказий ва Шарқий Европа, шу жумладан Муस्ताқил давлатлар ҳамдўстлиги мумлакатларида очик бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларни молиялаштиришда кўмак беришдир. Ҳозирда ЕТТБ муассислари 60 тадан ортиқ бўлиб, устав капитали 19,64 млрд -ЕВРОни ташкил этади. Штаб квартираси Лондонда жойлашган, банк ходимлари сони 1100 кишидан ортиқ. ЕТТБ 1998 йилга қадар 600 та лойиҳа бўйича 14 млрд. ЭКЮ миқдорида кредитлар берган.

Ўзбекистон ЕТТБга 1992 йилда аъзо бўлди, банкнинг 4200 та акцияси мамлакатимизга тегишлидир. Ушбу банк 1993 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ўзининг биринчи лойиҳасини амалга ошира бошлади. Ҳозирда ЕТТБ иштирокидаги умумий суммаси 1,4 млрд. АҚШ

долларидан ортиқ бўлган 20 тадан ортиқ лойиҳа амалга оширилмокда Бундан 723,8 млн. АҚШ доллари миқдоридаги сумма ЕТТБ томонидан тўғридан-тўғри молиялаштирилган.

Ўзбекистонда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида ЕТТБ томонидан ЎР.ТИФ Миллий банки, «Асакабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» ва «Агробанк» лар орқали умумий миқдори 180 млн. АҚШ доллари бўлган кредит линиялари очилган.

Бундан ташқари савдони молиялаштириш мақсадида ЎРТИФ Миллий банки ва «Асакабанк» орқали 50 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линиясини очган.

ЕТТБ «ЎзбекЛизингИнТерНешнл АЖ», АБН-АМРО банк, ЎзДЕУбанк, Минтақавий Банк Ўқув Маркази, «Зарафшон- Ньюмонт», «Косонсой-ТекМен», «Строй Сервис» каби қўшма корхоналарни ташкил этишда ўз капитали билан иштирок этди.

Бундан ташқари ЕТТБ томонидан Тошкент аэропорти, темир йўлларни қайта тиклаш ва модернизациялаш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ҳамда Сирдарё ГРЭСини қайта тиклаш ва жиҳозлаш мақсадларида 200 млн. АҚШ долларига яқин миқдорда кредит берилди. ЕТТБ ўз улуши 33,5 млн. АҚШ доллари бўлган хусусийлаштирилган корхоналарни қўллаб-қувватлаш фондини ташкил этишда иштирок этмокда.

Хозирги пайтда умумий миқдори 320 млн. АҚШ доллари бўлган, 8 та лойиҳа бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмокда.

Умуман олганда, ЕТТБ Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп капитал киритаётган ҳамда кредит бераётган халқаро молия-кредит ташкилотларидир.

6. Осиё тараққиёт банки (ОТБ) 1965 йилда ташкил этилган, штаб квартираси Манила (Филиппин) да жойлашган. Унга 60 га яқин мамлакатлар аъзо бўлиб, улардан 14 таси Фарбий Европа ва Америка, қолганлари эса Осиё ва Тинч океани мамлакатларидир. 1998 йилда ОТБ капитали 19 млрд. АҚШ долларини ташкил этган.

Банк фаолиятининг асосий мақсади Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиёти ва ташқи савдосига кўмаклашиш, молиявий, техникавий ва иқтисодий ёрдам кўрсатишдир. ОТБ томонидан оддий кредитлар 10-25 йилгача, махсус кредитлар эса 25-40 йилгача берилади.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилдан ОТБ аъзоси. Банкнинг мамлакатимиздаги фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида қишлоқ хўжалиги, инфратузилмани қайта ташкил этиш, тоғ-кон саноати, газ тармоқларини қуриш, туризмни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш ва экология, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, банк тизимини ривожлантириш кабиларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги вақтда республикаимизда ОТБ иштирокидаги умумий миқдори 387 млн. АҚШ доллари миқдоридаги 7 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Банкнинг 50 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кичик ва ўрта хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Узунлиги 320 км. бўлган темир йўлларни қайта куриш ва таъмирлаш учун 70 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилган. Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этиш тизимини такомиллаштириш учун 40 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар ажратилди. Автомобил йўлларини қайта тиклаш лойиҳаси бўйича 50 млн АҚШ доллари сарфланмоқда.

2000 йилда ОТБ томонидан мамлакатимизда темир йўллар тикланиши, ўрта махсус касб-хунар коллежлари ва лицейларни жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 177 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш маъқулланди.

Мавзу бўйича ўз билимини мустахкамлаш учун саволлар

Халқаро молия ва валюта – кредит ташкилотлари қандай мақсадларда тузилган?

Халқаро Валюта фонди (ХВФ) ни ташкил этишдан мақсад нимадан иборат эди?

Халқаро қайта тиклаш ва тараккиёт банки (ХКТТБ) қандай ишларни амалга оширишга кумаклашади?

Қандай минтакавий валюта-кредит ташкилотлари вужудга келди?

Халқаро хисоб-китоблар банки (ХХБ) нинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Халқаро валюта фонди Ўзбекистонга қандай амалий ёрдам курсатмоқда?

Хозирда қайси муассалар Жаҳон банки деб аталади?

Халқаро молия корпорацияси (ХМК) фаолияти нимадан иборат?

Европа тикланиш ва тараккиёт банки (ЕТТБ)

Ўзбекистонда қандай фаолиятлар олиб бормоқда?

Осиё тараккиёт банки (ОТБ) нинг асосий мақсади нималардан иборат?

«Банклар ва банк тизими» бўлими бўйича тестлар

1. Чет эл банки ваколатхонаси деганда нима тушунилади?

А) Мустақил банк сифатида банк фаолиятини амалга оширувчи муассаса

В) Уни ташкил этган банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алоҳида бўлинма

С) Банк фаолиятини амалга оширмаган ҳолда бош банкининг манфаатларини кўзлаб иш юритувчи алоҳида бўлинма

Д) Кредит муассасаси бўлиб, кредит муносабатларини амалга оширади

Е) Нотўғри жавоб йўқ.

2. Тижорат банкларининг энг асосий мақсади нимадан иборат?

А) Бўш пул маблағларини жалб этиш ва жамлаш

В) Жамланган пул маблағларидан кредит беришда фойдаланиш

С) Ҳисоб - китобларни амалга ошириш

- Д) Ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатиб даромад олиш
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

3. Халқаро молия корпорацияси қачон ташкил этилган ва унга аъзо мамлакатлар нечта?

- А) 1930 йилда, 30 дан ортиқ
- В) 1947 йилда, 155 дан ортиқ
- С) 1946 йилда, 180 дан ортиқ
- Д) 1956 йилда, 170 дан ортиқ
- Е) Тўғри жавоб йўқ.

4. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари:

- А) Банкларнинг мустақиллигини таъминлаш
- В) Банклараро соғлом рақобат муҳитини яратиш
- С) Хусусий банклар тармоғини кенгайтириш
- Д) Банкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва акциядорлаштириш
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

5. Ўзбекистон Республикаси банклар Ассоциация (уюшма)си фаолиятининг асосий йўналишлари нималардан иборат?

- А) Банк тизимига хизмат қилувчи инфратузилмаларни ривожлантириш
- В) Тижорат банклари моддий – техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш
- С) Тижорат банклари фаолиятини компьютерлаштириш

- Д) Тижорат банклари фаолиятини ҳуқуқий ва меъёрий базасини такомиллаштириш
Е) Нотўғри жавоб йўқ.

6. Собиқ СССР банк тизимининг таркибий қисмлари қандай банклардан иборат эди?

- А) СССР Давлат банки
В) СССР Саноат-қурилиш банки
С) СССР Агросаноат банки
Д) СССР Меҳнат жамғармалари ва аҳолини кредитлаш банки
Е) Нотўғри жавоб йўқ.

7. Ўзбекистон иқтисодиётига энг кўп капитал киритаётган ва кредит бераётган халқаро молия-кредит ташкилоти қайси?

- А) Халқаро Валюта Фонди
В) Жаҳон банки
С) Европа тикланиш ва тараққиёт банки
Д) Осиё тараққиёт банки
Е) Тўғри жавоб йўқ.

8. Ўзбекистон Республикаси банклар Ассоциация (уюшма)си ташаббуси билан:

- А) Тошкент шаҳрида 19 та, ҳар бир вилоят марказида 2 тадан банк синфлари очилди
В) Ихтисослашган олий ўқув юртларида махсус 100 та стипендия жорий этилди

- С) Банк ходимлари ва иқтисодчи олимларни Чет элларда тажриба ўрганишлари ташкил этилди
- Д) Республикамизда 5 та банк коллежлари очилди
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари назорат қилиш ва тартибга солиш бўйича вазифалари?

- А) Тижорат банкларини рўйхатга олади ва уларга банк операсияларини ўтказишга доир лицензиялар беради
- В) Банк операцияларини амалга ошириш, бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини тузиш қоидаларини белгилайди
- С) Банкларнинг ички аудити бўйича талабларни белгилайди
- Д) Тижорат банкларига нисбатан иқтисодий нормативларни жорий этади
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

10. Банк операциялари деганда нима тушунилади?

- А) Бўш пул маблағларини жалб этиш
- В) Кредитлар бериш
- С) Банклар кўрсатадиган хизматлар
- Д) Пул маблағларини қабул қилиш, санаш, сақлаш, тахлаш ва бериш
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

11. Тижорат банкларига банк операцияларини ўтказиш бўйича лицензия қандай муассаса томонидан берилади?

- А) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
- В) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
- С) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси
- Д) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

12. «Банк» сўзининг луғавий маъноси нима?

- А) Пул алмаштириладиган жой
- В) Пул сақланадиган жой
- С) Қарз бериладиган жой
- Д) Стол, скамейка, пештахта
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

13. Эмиссион банкларининг энг асосий вазифалари нималардан иборат?

- А) Мамлакат миллий пул бирлигини мустаҳкамлаш ва унинг барқарорлигини таъминлаш
- В) Мамлакатда пул муомаласини ташкил этиш ва таъминлаш
- С) Тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш
- Д) Ҳукумат, Молия вазирлиги билан бирга бюджет ижросини таъминлаш
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

14. Европа тикланиш ва тараққиёт банки

Ўзбекистондаги қайси банклар орқали кичик ва хусусий тадбирборлик ҳамда савдони ривожлантириш мақсадида кредит линияларини очган?

- A) ЎР ТИФ Миллий банки, «Асакабанк», «Ҳамкорбанк», лар орқали
- B) ЎР ТИФ Миллий банки, «Асакабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк» , «Халқ банки» ва «Агробанк» лар орқали
- C) «ЎзДЕУбанк» ва «АБН- АМРОбанк»лар орқали
- D) ЎР Марказий банки ва Молия вазирлиги орқали
- E) Тўғри жавоб йўқ.

15. 2011 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистонда нечта хорижий сармоя иштирокидаги банклар фаолият кўрсатмоқда?

- A) 2 та
- B) 18 та
- C) 11 та
- D) 5 та
- E) Нотўғри жавоб йўқ.

16. Ўзбекистон Республикаси банклар Ассоциация (уюшма)си ташаббуси билан:

- A) Тижорат банкларига қўшимча имтиёзлар берилди
- B) Тижорат банклари 2 йилгача солиқдан озод қилиндилар

- С) Тижорат банклари мижозларига қўшимча имтиёзлар берилди
Д) Солиқ идораларига қўшимча имтиёзлар берилди
Е) Нотўғри жавоб йўқ.

17. Банк филиали деганда нимани тушунилади?

- А) Мустақил банк сифатида банк фаолиятини амалга оширувчи муассаса
В) Уни ташкил этган банк номидан банк фаолиятини амалга оширувчи алоҳида бўлинма
С) Банк фаолиятини амалга оширмаган ҳолда банкнинг манфаатларини кўзлаб иш юритувчи алоҳида бўлинма
Д) Кредит муассасаси бўлиб кредит муносабатларини амалга оширади
Е) Нотўғри жавоб йўқ.

18. Осиё тараққиёт банкининг Ўзбекистонда ўз маблағлари билан ҳамкорлик қилаётган устувор соҳалар қайсилар?

- А) Қишлоқ хўжалиги соҳасида кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
В) Темир йўлларни қайта қуриш ва таъмирлаш
С) Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларни дарсликлар, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ҳамда жихозлаш
Д) Тоғ-кон саноати, газ тармоқларини қуриш, туризмни ривожлантириш
Е) Нотўғри жавоб йўқ.

19. Банк тизими нима?

- A) Кредит тизимининг энг асосий бўғини
- B) Банк операцияларини амалга оширувчи барча банклар мажмуи
- C) Доимо такомиллашиб борувчи тизим
- D) Мамлакатда иқтисодий-ижтимоий сиёсатга хизмат қилувчи тизим
- E) Нотўғри жавоб йўқ.

20. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг пул тизимини бошқариш бўйича вазифалари нималардан иборат?

- A) Банкнотлар ва тангаларни муомалага чиқариш
- B) Банкнотлар ва тангаларнинг намуналари ва дизайнини ишлаб чиқиш
- C) Банкнотлар ва тангаларни ҳимоялаш чоратадбирларини кўриш
- D) Шикастланган пул белгиларини муомалага яроқлилигини аниқлаш тартибини белгилаш ва бошқалар
- E) Нотўғри жавоб йўқ.

21. Тижорат банклари фаолиятининг асосий принциплари нималардан иборат?

- A) Тижорат банклари фаолияти Марказий банк томонидан иқтисодий услублар ва воситалар орқали бошқариб борилади
- B) Тижорат банклари ўз мижозлари билан битим ва шартномалар асосида муносабатда бўладилар

- С) Тижорат банклари ўз фаолиятлари натижалари бўйича тўла жавобгардирлар
- Д) Тижорат банклари мавжуд пул ресурслари чегарасида фаолият кўрсатадилар, ўз ресурслари билан харажатлар ўртасида мувофиқликни таъминлайдилар
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

22. Ўзбекистон Республикасида 2011 йил 1 январ ҳолатига фаолият кўрсатган тижорат банклари сони?

- А) 40 та
- В) 38 та
- С) 36 та
- Д) 31 та
- Е) Тўғри жавоб йўқ.

23. Дастлаб пайдо бўлган банкларнинг энг асосий вазифалари?

- А) Танга пулларни ҳақиқийлигини аниқлаш
- В) Қарз бериш, майдалаш ва йириклаштириш
- С) Пул алмаштириш
- Д) Пул маблағларини сақлаш
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

24. Ўзбекистонда 2011 йил 1 январ ҳолатига фаолият кўрсатган тижорат банклари бўлим ва филиаллари сони?

- А) 9 минг та
- В) 854 та

- С) 804 та
- Д) 708 та
- Е) Тўғри жавоб йўқ.

25. Ўзбекистонда 2011 йил 1 январ ҳолатига фаолият кўрсатган тижорат банкларининг минибанклари сони?

- А) 204 та
- В) 214 та
- С) 254 та
- Д) 264 та
- Е) Тўғри жавоб йўқ.

26. Ўзбекистон Республикаси банклар Ассоциация (уюшма)сининг ташаббуси билан:

- А) 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси Банк молия академияси очилди
- В) 1996 йилда банк ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Минтақавий Банк Ўқув Маркази очилди
- С) 1996 йилда 5 та ихтисослашган банк коллежлари очилди
- Д) Банк ходимларини хорижий давлатларда малака оширишлари йўлга қўйилди
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

27. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг асосий вазифалари нималарда иборат?

- А) Монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш
- В) Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш
- С) Банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш
- Д) Ўзбекистон Республикасининг расмий валюта резервларини сақлаш ва тасарруф этиш
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

28. Тижорат банкларининг энг асосий вазифалари нималардан иборат:

- А) Бўш пул маблағларини жамлаш ва уларни ҳаракатдаги капиталга айлантириш
- В) Мамлакатда пул муомаласини таъминлаш
- С) Турли қимматли қоғозларни чиқариш, сотиш, сотиб олиш ва бошқа операсияларни амалга ошириш
- Д) Чет эл валюталари билан боғлиқ бўлган операсияларни амалга ошириш
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъбири билан айтганда, «Банклар бу - . . . »

- А) иқтисодиётни пул билан таъминловчи ташкилотлардир
- В) жамиятда пул муомаласини амалга оширувчи муассасалардир
- С) хўжалик юритувчи субектларга кредит билан кўмаклашувчи ташкилотлардир
- Д) иқтисодиёт локомотивларидир

Е) Нотўғри жавоб йўқ.

30. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ривожлантиришда қандай ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилади?

- А) Ўзбекистон Республикаси қонунларига
- В) Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларига
- С) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига
- Д) Ўзбекистон Республикаси Конституциясига
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

31. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг валютани тартибга солиш бўйича вазифалари нималардан иборат?

- А) Валютани назорат қилишга доир норматив ҳужжатлар ишлаб чиқаради
- В) Чет - эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензиялар беради ва қайтариб олади
- С) Миллий валютани Чет - эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди
- Д) Ҳукуматнинг халқаро Резервларини тасарруф этади
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

32. Осиё тараққиёт банки қачон ташкил этилган ва штаб-квартираси қаерда жойлашган?

- А) 1947 йилда, Нью-Йоркда
- В) 1965 йилда, Манилада
- С) 1990 йилда, Сюрихда

- Д) 1991 йилда, Токиода
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

33. Ҳар бир банк операцияси :

- А) Белгиланган бухгалтерия ҳужжатлари орқали расмийлаштирилиши лозим
- В) Ҳужжатлар белгиланган қоидаларга асосан тўлдирилиши лозим
- С) Тўлдирилган ҳужжатлар белгиланган тартибда имзоланиши, муҳрланиши лозим
- Д) Ҳужжатлар қайд этилиши ва амалга оширилиши лозим
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

34. Банк - бу:

- А) Тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахсдир
- В) Юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилади
- С) Омонатга қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ва инвестициялашда фойдаланади
- Д) Тўловларни амалга оширади
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

35. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун қачон қабул қилинган?

- А) 1996 йил 25 апрел
- В) 1995 йил 21 декабр
- С) 1994 йил 1 июл

- Д) 1991 йил 1 сентябр
- Е) Тўғри жавоб йўқ.

36. Мулкчилик асосларига кўра банклар қандай турларга бўлинади?

- А) Давлат ва давлат-тижорат банклари
- В) Аксиядорлик-тижорат банклари
- С) Хусусий банклар
- Д) Қўшма банклар
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

37. Ҳозирда Москва шаҳрида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон -Россия қўшма банки номи?

- А) «Ўзинбанк»
- В) «Тошкент» шўъба банки
- С) «Осиёинвестбанк»
- Д) «Ўзросбанк»
- Е) Тўғри жавоб йўқ.

38. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни 4-моддасида нималар ҳақида тўхталган?

- А) Тижорат банклари операсиялари тўғрисида
- В) Банкларнинг бўлимлари ва филиаллари тўғрисида
- С) Чет эл банклари ваколатхоналари тўғрисида
- Д) Банклар ўзаро иттифоқлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар тузилишлари мумкинлиги тўғрисида
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

39. Ўзбекистон Республикаси банклар Ассоциация (уюшма)си ташаббуси билан қуйидаги шаҳарларда банк коллежлари очилди?

- A) Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қарши
- B) Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Навоий
- C) Андижон, Тошкент, Самарқанд, Урганч, Тўрткўл
- D) Наманган, Самарқанд, Тошкент, Нукус, Жиззах
- E) Нотўғри жавоб йўқ.

40. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки:

- A) Пул эмиссияси маркази вазифасини ўтайди
- B) Давлат ҳазинабони ҳисобланади
- C) Мамлакат кредит захираларини марказлаштиради ва қайта тақсимлайди
- D) Монетар сиёсатни шакллантиради ва амалга оширади
- E) Нотўғри жавоб йўқ.

41. 2011 йил 1 январ ҳолатига Ўзбекистонда нечта акциядорлик тижорат банклари фаолият кўрсатган?

- A) 2 та
- B) 18 та
- C) 11 та
- D) 6 та
- E) Нотўғри жавоб йўқ.

42. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни қачон қабул қилинган?

- A) 1995 йил 21 декабрда

- В) 1996 йил 25 апрел
- С) 1994 йил 1 июл
- Д) 1997 йил 19 ноябр
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

43. Ўзбекистон Республикаси банклар Ассоциация (уюшма)си қачон ташкил этилган?

- А) 1991 йилда
- В) 1994 йилда
- С) 1995 йилда
- Д) 1996 йилда
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

44. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳукумат билан муносабатлари нималардан иборат?

- А) Ҳукумат банкири
- В) Ҳукумат маслаҳатчиси
- С) Ҳукумат ҳазинабони
- Д) Ҳукуматга молиявий масалалар ва давлат бюджетини тузишда тавсиялар беради
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

45. Халқаро Валюта Фонди қандай мақсадларда ташкил этилган?

- А) Халқаро савдо-сотиқни ривожлантириш
- В) II- жаҳон урушида иштирок этган мамлакатлар халқ хўжалиги ва молия-кредит тизимини тиклаш
- С) Хорижий инвестицияларни мамлакат иқтисодиётига жалб этиш

- Д) Халқаро илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш
Е) Нотўғри жавоб йўқ.

46. Қуйидагилардан қайси бири халқаро молия ва валюта-кредит ташкилоти ҳисобланади?

- А) Халқаро Валюта Фонди
В) Халқаро тиклаш ва тараққиёт банки - Жаҳон банки
С) Халқаро молия корпорацияси
Д) Халқаро ҳисоб-китоблар банки
Е) Нотўғри жавоб йўқ.

47. Қуйидагилардан қайси бири минтақавий молия ва валюта-кредит ташкилоти ҳисобланади?

- А) Америкалараро тараққиёт банки
В) Африка тараққиёт банки
С) Европа тикланиш ва тараққиёт банки
Д) Осиё тараққиёт банки
Е) Нотўғри жавоб йўқ.

48. Қайси халқаро молия-кредит ташкилоти «Марказий банклар банки» дейилади ва қачон ташкил этилган?

- А) Халқаро Валюта Фонди, 1947 йилда
В) Жаҳон банки, 1991 йилда
С) Халқаро ҳисоб-китоблар банки, 1930 йилда
Д) Халқаро молия корпорацияси, 1956 йилда
Е) Нотўғри жавоб йўқ.

49. Халқаро Валюта фондининг асосий вазифалари нималардан иборат?

- А) Халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантириш
- В) Миллий валюталар барқарорлигини қўллаб-қувватлаш
- С) Мустақил мамлакатларга валюта чекловларини бартараф этишда кўмаклашиш
- Д) Аъзо мамлакатларга кредит ресурсларини бериш
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

50. Жаҳон банкининг акциядорлик капитали қанча ва унинг штаб-квартираси қаерда жойлашган?

- А) 90 млрд. АҚШ доллари, Нью-Йоркда
- В) 200 млрд. АҚШ доллари, Вашингтонда
- С) 20 млрд. ЕВРО, Лондонда
- Д) 19 млрд. АҚШ доллари, Манилада
- Е) Нотўғри жавоб йўқ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. “Ўзбекистон” 1992 й.
2. “Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўплами” Тошкент “Ўзбекистон 2011 й.
3. “Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами” Тошкени “Ўзбекистон” 2011 й.

4. Ўзбекистон Республикасининг банк тизимида валютани тартибга солишга оид ҳуқуқий ва мъёрий ҳужжатлар тўплами” Тошкент. “Ўзбекистон” 2011 й.
5. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т. “Ўзбекистон”, 2000 йил
6. И.Каримов “Ўзбекистон: иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида”. Т.”Ўзбекистон” 1995 йил
7. И.Каримов «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». “Халқ сўзи” 2010 йил. 13 ноябрь
8. И.Каримов “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” Тошкент “Ўзбекистон” 2009 й.
9. А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев, Иқтисодиёт назарияси, “Меҳнат”, 1995 йил
10. А.Ўлмасов Иқтисодиёт асослари, Т. “Меҳнат”, 1997 йил
11. Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев, Пул Т. “Меҳнат” 1996 йил
12. Ё.Абдуллаев, Т.Бобоқулов, Кредит Т. “Меҳнат”, 1996 йил
13. Ё.Абдуллаев, Ш.Шоҳаъзамий, Қимматли қоғозлар. Т. “Меҳнат”, 1997 йил
14. Ш.Абдуллаева, Пул ва пул тизими. Т. “Ўқитувчи”, 1997 йил
15. Ш.Абдуллаева, Пул, Кредит ва банклар Т. “Молия”, 2000 йил

- 16.Ф. Муллажонов «Ўзбекистон Республикаси банк тизими» Т. «Ўзбекистон» 2001 йил
- 17.В.Чжен Молия ва пул бозорлари, Т. «Шарк» 1996 йил
- 18.Общая теория Денег и Кредита Под Редакции проф.Е.Ф.Жукова, М.1995 г.
- 19.Е.Ф.Жуков, Денги, Кредит и банки, М. ЮНИТИ 2000 г.
- 20.В.П.Поляков, А.А.Московкина, Основы денежного обращения и Кредита, М. «Финансы» 1995 г.
- 21.Финансы, Денежное обращение, Кредит, Под Ред. Л.А.Дробозиной, М. «Финансы» 1997 г.
- 22.Финансы, Денежное обращение, Кредит, Под Ред. акад. Г.Б.Поляка II издание М. ЮНИТИ, 2002 г.
- 23.В.Ф.Близнес Словар-справочник банковских Терминов Минск, «Беларус», 1989 г.
- 24.С.А.Фабричнов и др. Денги, банки и банковские операсии Воронеж, «ИНФА» 1995 г.
- 25.«Ўзбекистон Республикаси банк тизими, иктиқлол самараси» Тошкент «Арт-Пресс» 2011 й.
- 26.Финансово–Кредитный словарь М. «Финансы» Ит.1984г.,ИИ т.1986г.,ИИИ т. 1989г.
- 27.Валюты стран мира Справочник М «Финансы и статистика» 1987 г.
- 28.Основы внешнеэкономических знаний Словар-справочник М. «Высшая школа»,1990 г.
- 29.В.А.Челноков Банки и банковские операсии, М. «Высшая школа», 1998 г.
- 30.О.М.Макаров и др. Коммерческие банки и их операции М. «Банки и биржи» 1995 г.

31. Банковское Дело Под ред. О.И.Лаврушина М. ББНКС 1992 г.
32. Банковское Дело Под ред. проф. В.И.Колесникова. II изд. М. «Финансы и статистика» 1996 г.
33. Банковские операции Под. Ред. О.И.Лаврушина М. «Инфра-М», I часть, 1995 г. II часть, 1996 г.
34. Финансы, Деньги, Кредит Под ред. О.В.Соколовой М. «Юрист», 2000 г.
35. Язык бизнеса Под Ред. В.Чжена, Т. «Шарк» 1995 г.
36. «Банк ахборотномаси» газеталари.
35. «Бозор, пул ва кредит» журналари.

Мундарижа:

КИРИШ.....

1. ПУЛНИНГ МОҲИАТИ ВА ЗАРУРАТИ.....

3.1. Пулнинг келиб чиқиши ва моҳияти. Жамият тараққиётида товар ишлаб чиқариш ва пулнинг зарурати.....

3.2. Пулнинг пайдо бўлиши ва унинг қиймат шакллари ривожланиши билан боғлиқлиги.....

3.3. Бозор иқтисодиёти шароитида пул- товар муносабатларининг ўрни ва ривожланиши.....

2.ПУЛНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.....

2.1.Пул қиймат ўлчови.....

2.2. Пул - муомала воситаси.....

2.3. Пул- тўлов воситаси.....

2.4. Пул - жамғарма тўплаш воситаси.....

2.5. Пулнинг жаҳон пуллари вазифаси.....

3.ПУЛ ТУРЛАРИ ВА УЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....

3.1. Буюм шаклидаги «натурал пуллар».....

3.2. Танга пуллар

3.3. Қоғоз пуллар

3.4. Кредит пуллар

4. ПУЛ АЙЛАНИШИ ВА УНИНГ ШАКИЛЛАРИ

4.1. Пул айланиши тушунчаси, унинг асосий шакллари ва структураси

4.2. Нақд пул айланиши ва унинг фаолият этиш соҳалари

4.3. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тушунчаси, уларни жорий этиш зарурати ва афзалликлари

5. ПУЛ МУОМАЛАСИ ҚОНУНИ, ПУЛ МАССАСИ ВА УНИНГ АЙЛАНИШ ТЕЗЛИГИ.

5.1. Пул массаси ва унинг таркибий қисмлари

5.2.Пул муомаласини тартибга солиш усуллари

6. ПУЛ ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ КИСИМЛАРИ

- 6.1. Пул тизими тушунчаси ва унинг турлари
- 6.2. Кредит ва қоғоз пуллар муомалада бўлган пул тизими.
- 6.3. Пул тизимининг таркибий қисмлари
- 6.4. Ўзбекистон Республикаси пул тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари

7. ИНФЛЯСИЯНИНГ МОҲИЯТИ ВА ОҚИБАТЛАРИ

- 7.1. Инфляциянинг моҳияти ва келиб чиқиш сабаблари
- 7.2. Инфляция турлари
- 7.3. Инфляциянинг оқибатлари, унинг аҳоли турмуш даражасига, иқтисодиётга ва банк тизимига таъсири
- 7.4. Инфляцияни тизгинлаш борасида амалга ошириладиган тадбирлар

“Пул ва пул муомаласи” бўлими бўйича тестлар:

КРЕДИТ ВА КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ

1. КРЕДИТНИНГ МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРАТИ

- 1.1. Кредитнинг келиб чиқиши, унинг моҳияти ва ижтимоий ишлаб чиқариш тараққиётидаги ўрни
- 1.2.Кредит субъектлари ва объектлари, ресурслари ва манбалари
- 1.3.Кредитнинг вазифалари
- 1.4.Кредитлаш тамойиллари

2. КРЕДИТ ТУРЛАРИ ВА ШАКИЛЛАРИ.

- 2.1. Кредит турлари ва уларнинг таснифланиши
Кредитларни таснифлаш
- 2.2.Кредит шакллари ва уларнинг хусусиятлари.

3.КРЕДИТ ҲАФ-ХАТАРИ ВА УНИ БОШҚАРИШ

- 3.1. Кредит ҳавф-хатари тушунчаси ва унинг келиб чиқиш сабаблари. Фоиз ҳавф-хатари
- 3.2. Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш усуллари
Кредитнинг қайтарилишини таъминлаш
- 3.3. Кредитларнинг ҳавф-хатари даражасига қараб таснифланиши

4. ССУДА ФОИЗИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ.

- 4.1. Ссуда фоизи тушунчаси ва унинг вазифалари
- 4.2. Ссуда фоизи турлари
- 4.3. Ссуда фоизига таъсир этувчи омиллар

5. КРЕДИТ БЕРИШ ТАРТИБИ.

- 5.1. Кредит бериш ва расмийлаштиришнинг умумий тартиби

5.2. Кредит бериш, расмийлаштириш ва қайтариш босқичлари

“Кредит ва Кредит бериш” бўлими бўйича тестлар

ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВА ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ

1.ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ШАКИЛЛАРИ

1.1.Халқаро иқтисодий алоқалар тушунчаси ва уларнинг миллий иқтисодиёт тараққиётидаги ўрни

1.2. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг асосий шакллари

1.3.Ўзбекистон Республикасининг Халқаро иқтисодий ҳамжамиятга кириш шарт-шароитлари ва ҳозирги ҳолати

2. ВАЛЮТА МУНОСАБАТЛАРИ ВА ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

2.1. Валюта тушунчаси ва валюталар таснифи.

2.2. Валюта муносабатлари тушунчаси

Валюта курси ва котировкаси

2.3. Валюта операциялари ва уларнинг турлари

3. ХАЛҚАРО ҲИСОБ –КИТОБЛАР ВА КРЕДИТ.

3.1.Халқаро ҳисоб-китоблар тушунчаси ва уларни ташкил этиш

3.2.Халқаро кредитнинг моҳияти ва таснифланиши

«Халқаро иқтисодий алоқалар ва валюта муносабатлари»

бўлими бўйича тестлар

БАНКЛАР ВА БАНК ТИЗИМИ

1. БАНК ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

1.1. Банкларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг пул-товар муносабатларини ривожлантиришдаги ўрни

1.2. Банк тушунчаси Банк бўлимлари (филиаллари) ва ваколатхоналари Банкларнинг Кредит тизимидаги ўрни ва асосий вазифалари

1.3. Банклар таснифи

2. БАНК ТИЗИМИ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСИМЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси банк тизими ва банклари уюшмаси

2.1. Банк тизими тушунчаси. Ўзбекистон Республикаси банк тизими

2.3. Ўзбекистон Республикаси банклари Ассоциациясининг ташкил этилиши, унинг асосий мақсадлари ва банк тизимини ислоҳ қилишдаги ўрни

3. МАРКАЗИЙ БАНКЛАР ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Марказий банкларнинг вужудга келиши ва ривожланиши

3.2. Марказий банкларнинг асосий вазифалари

4. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ВА БАНК ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

4.1.Тижорат банклари фаолияти асослари ва тамойиллари, уларнинг асосий вазифалари

4.2. Банк операциялари тушунчаси ва уларнинг таснифи

4.3.Банк операциялари

5. БАНКЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ АСОСИЙ ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

5.1. Қимматли коғозлар бозорининг асосий мақсад ва вазифалари.

5.3. Давлат қисқа муддатли облигациялар бозори.

5.4. Акциялар бозори ва унинг ривожланиш тенденциялари.

5.5. Вексел билан ҳисоб-китоб қилиш.

5.6. Қарз мажбуриятларини ифодаловчи қимматли коғозлар бозори.

6. ХАЛҚАРО МОЛИЯ ВА ВАЛЮТА – КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ.

5.1. Халқаро молия ва валюта-кредит ташкилотлари ҳамда уларнинг жаҳон хўжалиги тараққиётидаги ўрни.....

«Банклар ва банк тизими» бўлими бўйича тестлар.....

АДАБИЁТЛАР.....

